

# XX АСР РУС ШЕЪРИЯТИ

---

---

*Мирнўлат МИРЗО  
таржималари*



Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2010

XX аср рус шеърляти деганда инсон руҳининг гоҳ мардона, гоҳ ҳазин оҳангларины ўзида жамлаган, беминнат муҳаббат ва адолатга ташналик туйғулары жуш урган улкан бир шеърый уммон кўз ўнгимизда гавдаланади. Шоирлар заҳмат чекиб яратган юксак шеърый асарлар барча даврларда ҳам башариятнинг қалб мулки ҳисобланади.

Ушбу китоб рус шеърлятининг ана шу бебаҳо дурдоналарини ўзбек халқининг маънавий хазинасига қўшишга бел боғлаган атоқли шоирлардан бири, моҳир таржимон Мирпўлат Мирзонинг узоқ йиллик меҳнатлари самарасидир. Мажмуага жамланган ўн беш нафар забардаст шоирнинг ижоди ўтган асрдаги рус шеърлятини бор гўзаллиги ва таровати билан намоён этади.

XX аср рус шеърляти/ Мирпўлат Мирзо таржималар; кириш сўзи А.Ориповники. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 400 б.

И. Мирзо, Мирпўлат.

Г 4702620202 – 93 2010  
М 352 (04)–2010

ISBN 978-9943-03-320-7

© Мирпўлат Мирзо.  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010-й.

## ОЛТИЧ КЎПРИК

Жонажон Ўзбекистонимизни, халқимиз маънавиятини, руҳий оламини бойитувчи шеър, қисса, романлар билангина эмас, балки жаҳон маданияти дурдоналари бўлмиш бадиий таржималар билан ҳам бойитиб бориши ижодкорларимизнинг энг муқаддас бурчи десак, хато қилмаймиз. Бу эзгу анъананинг бардавомлигида Марказий Осиё минтақасида бизнинг адабиётимиз пешқадамлик қилиб келмоқда. Эслайлик: нодир асарлари билан халқимиз руҳиятини юксалтириб кетган Чўлпон, Ойбек, Ҳасмон Ҳосир, Шайхзода, Миртемир сингари устозлар таржима ишига ҳеч қачон иккинчи даражали иш деб қарамаган. Биз уларнинг чеккан заҳматлари тусфайли жаҳон адабиёти билан танишдик. Зеро бу таржималар ҳозирги авлод учун ҳам жаҳон адабий тафраккури толмон қўйилган олтин кўприк вазифасини ўтамоқда.

Айтиши жоизки, хусусан, шеъриятдаги бу анъана кейинги даврларда ҳам тўхтаб қолмади. Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Жамол Камолларнинг дунё шеъриятидан қилган таржималари эътиборга лойиқдир. Бу эзгу жараёнда таниқли шоиримиз Мирпўлат Мирзонинг таржимонлик фаолияти яққол кўзга таниланади. Мирпўлат таржима меҳнати ва заҳматидан чўчимай, дунёнинг кўплаб атоқли шоирлари ижодини ўзбекчага муваффақиятли ўгирди. Унинг жаҳон шоирлари ижодидан қилган "Солмон йўли чечаклари" мажмуаси, "Сайра дўмбирал" номли қозоқ шеърияти антологияси ўзбек ўқувчилари қўлига бориб етди.

Рус шеърияти ҳар қандай иштибоҳдан холи ўлароқ улуғ шеъриятдир. Бу шеъриятда инсон

руҳияти, боқий идеаллар, олий гўзаллик қирралари, табиатнинг бетакрор оҳанглари жилваланиб туради. Ёригина оққайин ҳақидаги шеърни ўқигандаёқ муаллифнинг рус шоири эканлигини адашмай пайқаб олишингиз мумкин.

Рус классик шеърляти Пушкин сиймосида дунё лирикасининг олтин чўққиларидан бири дея эътироф этилган. Ҳар қандай талотўплар, қуввин ва қатагонларга қарамасдан, бу шеърлят инсонни шарафлашдан чарчамади.

Дунё шеърлятини бир уммон деб тасаввур қилсак, унга не-не азамат дарёлар қўшилиб турибди. Бу дарёларни ўз номлари билан биз ўзбек шеърляти, рус шеърляти ва бошқа халқлар шеърляти деб атаймиз. Ўтган XX асрни шеърлят асри бўлди, деб баралла айта оламиз. Бунда, айниқса, рус шеърлятининг ҳиссаси буюкдир.

Қўлимиздаги ушбу тўпламга кирган шоирлар ҳар бири ўзига хос ва дунё эътироф этган шоирлардир. Уларнинг ҳар бирига хос қалб оҳангини таржимон теран илваган. Бу жиҳатни ҳам Мирпўлат Мирзонинг ютуғи дейиш мумкин. Яхши таржима қилинган асар эса кўнғил мулкига айланади.

Халқларнинг бир-бирига руҳан яқинлашувида таржиманинг хизмати бебаҳодир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ушбу тўпламга кирган шоирларнинг бетакрор шеърлари ўзбек китобхонлари қалбига теран туйғулар, янги оҳанглар баҳи этиши шак-шубҳасиз.

Абдулла ОРИҶОВ,  
Ўзбекистон қаҳрамони,  
Халқ шоири



*Анна  
Ахматова*

(1889 – 1966)





*Анна Андреевна АХМАТОВА Одессада таваллуд топди. У она томонидан татар хони Ахмат хонга бориб тақалади (тахаллуси шундан). Аннани болалик чоғидаёқ Царское Селога келтиришади ва у ерда бўлажак шоира ўн олти ёшигача яшайди.*

*Шоиранинг биринчи шеърий тўплами "Оқшом" номи билан 1912 йилда чоп этилиб, муваффақият қозонади. 1914 йилда унинг иккинчи — "Тасбеҳ" тўплами эълон қилинади ва у бу тўплами билан бутун Россия бўйлаб шуҳрат қозонади. Шоиранинг истеъдодини ўз вақтида пайқаган В.В.Маяковский унга шундай баҳо беради: "Анна Ахматова шеърлари яхлитлиги билан эътиборга моликдир, улар ҳар қандай танқидга дош бера олади, ҳар қандай тазийқда дарз кетмайди".*

*А.Ахматованинг Октябр тўнтаришидан кейинги ёзган шеърларида замонавий мавзуларга, муҳим воқеаларга ўз муносабатини билдирган оҳанглارни илғашишимиз мумкин. Шоира инқилобни қабул қила олмайди, айнаи чоғда Ватанни ҳам ташлаб кетолмайди.*

*1921 йили инқилоб душмани сифатида унинг эри таниқли шоир Н.С.Гумилёвни отишга ҳукм қилишади. 1935 йилда ўғлини қамоққа олишади. Бошига тушган мислсиз уқубат ва изтиробларни у "Марсия" поэмасида ёрқин ифода этган.*

*Урушдан кейинги йилларда Анна Ахматова яна бир зарбага дучор бўлади: уни Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчиришади. Лекин шоира ижоди тўхтаб қолмайди. Айнаи чоғда жаҳоннинг машҳур шоирлари ижодидан таржималар қилади. 60-йилларда унинг "Қўға" ва "Еттинчи китоб" тўпламлари дунё юзини кўради.*

*А.Ахматова Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкентга кўчиб келганлиги ва бу ерда икки ярим йил яшаганлиги кўпчиликка маълум. Унинг бу даврда ушбу заминга бағишлаб яратган шеърларида шарқона нафас уфуриб туради ва улар шу жиҳати билан ўзига мафтун қилади.*

\* \* \*

Қуёш тафти сўниб борар юракда.  
Дала заъфарон.  
Илк қорга чулғаниб еллар эсмакда,  
Қораяр осмон.

Сойлардаги сувлар урмайди тўлқин –  
Муз қотган бу чоғ.  
Қушлар чуввос солмас, ҳорғин олар тин  
Яйдоқ, бўм-бўш боғ.

Толлар юпун-яланг – тўлиб ангизга  
Йўлга қарар зор.  
Эҳтимол, яхшидир чиндан ҳам – сизга  
Бўлмаганим ёр.

Қуёш тафти сўниб борар юракда.  
Бу не? Нечук иш?  
Балки, етиб келар шу кечада, ҳа,  
Қаҳрин сочиб қиш.



## МУҲАББАТ

Гоҳ илондек қошингда унсиз,  
Қилар сенга сеҳру жодулар.  
Гоҳ деразанг ёнида кундуз  
Оқ кабутар бўлиб "ғув-ғув"лар.

Гоҳ шабнамда жилоланар шан,  
Гоҳ гул ўйнар ўйчан, шикаста...  
Хуллас, сени ором бағридан  
Фамлар сари етаклар аста.

Най сасидан бўлиб гоҳ зада,  
Ўнграб қолар чиройли, шоён.  
Бироқ уни ёт бир жилвада  
Таниб қолмоқ кўрққулик, ёмон.





\* \* \*

Гулдан чамбар таққан қизалоқ,  
Най чалувчи чўпон бола ҳам,  
Ўрмондаги кесишган сўқмоқ  
Ва чироқлар — оқшом тушган дам, —

Бари ёдда. Кўзим олдида,  
Юрагимда асрайман барин!  
Фақат у йўқ менинг қалбимда,  
Хаёлимдан фақат у нари.

Биллур орзу дарз кетди, синди,  
Исинайин, олов беринг, оҳ!  
Вужуд титрар... Қошимга энди  
Қайтмагай у — хуш-хандон илоҳ.



\* \* \*

Эшик ярим очилган,  
Жўка бўй тарар шу тоб...  
Столда унутилган  
Хипчин ҳамда оқ қўлқоп.

Чироқнинг нури ғамгин...  
Ёғдуси унинг хира,  
Нега сен кетиб қолдинг,  
Тушунмадим мен сира...

Эртага бирам ҳарир,  
Ёрқин тонг отар, бешак.  
Ҳаёт, ахир, гўзалдир,  
Тентаклик қилма, юрак.

Ҳа, сен ёмон чарчадинг,  
Ҳасратим санчди тикан...  
Биласанми — ўқувдим,  
Қалблар ҳеч ўлмас экан.



Кунларингга ғам-кадар қўнса,  
Тутиб турмам, кетгин, кета қол.  
Кимки агар эркин қуш бўлса,  
Кутар уни, албат, бахт-иқбол.

Йиғламасман кечиб ўзимдан,  
Маҳкумдирман ёлғиз ўтгали.  
Ўпма менинг сўлғин юзимдан, —  
Ўлим келар мени ўпгали.

Эзди дилни мубҳамлик, фироқ  
Ва қиш бўйи зерикдик қордан.  
Айтгин, айтгин, ниманг яхшироқ  
Менинг кўнглим тусаган ёрдан?



\* \* \*

Кийиб олмиш яйдоқ боғ,  
Муздан либос – ярқироқ.  
Мендан кетган чекар оҳ,  
Ортга йўл йўқдир бироқ.

Ўчган қуёш оташи –  
Дарчадек бўм-бўш, гирён;  
Кимнинг қиёфadoши  
Бош суққан, менга аён.

Бир мунг аро дил ёнар,  
Озурда юрак музлар.  
Ях остида товланар  
Кечаги қаро излар.

Уфқларга тушар кўлка –  
Мудҳиш бир ғам нафаси.  
Ва қотиб қолар кўкда  
Кечиккан турна саси.



\* \* \*

Дилгирликдан безиб кетди жон,  
Юрагимга ҳар лаҳза оғу.  
Тепаликда турар тегирмон,  
Йиллаб балки сукут сақлар у.

Дайди ари излаб юрар бол,  
Чечакларни оралаб – сўлган.  
Чорлайман сув парисин алҳол,  
Аммоки сув париси ўлган.

Сув ўтларин тутиб чоҳида  
Қуриб ётар кўл ҳам, ҳойнаҳой.  
Оқ қайиннинг яйдоқ шохида  
Ялтиллайди янги чиққан ой.

Ҳамма нарса ажиб ва рангин,  
Теракларда майин илтижо!  
Тукиб дилдан ҳасратлар чангин,  
Тупроқ бўлгим келаётир, о!



## ОЙДИН ТУНДА

Эшикни қулфламадим,  
Ёқмадим шамни эса.  
Ҳорганман, лекин, билгин —  
Кўз юммасман бу кеча.

Кўргайман — нурланар тун  
Арчазор уфқлар бўйлаб.  
Сасларга қулоқ тутгум  
Сеникими деб ўйлаб.

Лек бўлдим мотамсаро,  
Кўрдинг менга ғамни эп.  
Ишонган эдим-ку, о,  
Сени қайтиб келар деб.



\* \* \*

Қалб йўғрилиб шан хаёлларга,  
Кўрмасдим гап-сўзинг адоғин.  
Эрта кузак гавжум толларга  
Ёйган эди сариқ байроғин.

Муртад юрtdа кездик саргардон,  
Пушаймондан энди диллар хун.  
Гангисак ҳам чорасиз, ҳайрон,  
Жилмаймоқчи бўламиз нечун?

Юз бургандик одми қисматдан,  
Не ёзуқ бу — бўлдиқ мунглиғ, хор...  
Мен ғам аро ташлаб кетмасман  
Далли, дарвеш дўстимни зинҳор.



\* \* \*

Мовий узумзорлар бўйи ифорли...  
Дилни сархуш қилар олис-олислар.  
Сенинг овозингда туймадим зорни,  
Энди менга ётдир ачиниш ҳислар.

Мискин руҳ ажиб бир сурур туяди...  
Чайир новдаларда мевалар сара.  
Кўкдаги булутлар парча муз каби  
Зангори дарёда сузарлар, қара.

Куёш чарақлайди, нур сочар ёрқин,  
Тўлқинларга айтгин дардинг бўлса гар.  
Балки бергай улар сенга бир таскин,  
Балки юз-кўзингни силаб ўпарлар.





\* \* \*

Севгинг сўрамам, бас, дилимдан — бу аҳд,  
Уни ўзга қўллар қучмишдир маҳкам...  
Ишонгил, мен сенинг ёрингга ҳеч вақт  
Йўлламасман рашким тўла хатлар ҳам.

Бироқ айтар сўзим шудир, қулоқ сол:  
Ундан шеърларим сен қизғанма фақат,  
Суратларимни ҳам тақдим эта қол —  
Зеро, ошиқларга мардлик-ку одат!

Маъшуқаларга-чи, унингдек гўл, гўр —  
Мутлақ голибликка эришсалар, бас;  
Юлдузлар уларга бермас оташ-қўр,  
Илк кунлар сафосин улар ҳеч туймас...

Оддий, жўн бахтингга бўлиб андармон  
Сен яшар экансан, топган каби ганж,  
Дафъатан шуур-ла англагунг аён,  
Ҳаммаси аянчли, ҳаммаси жирканч, —

Келма сен тантана кечамга маним,  
У чоғ танимасман сени мутлақо.  
Нимада ҳам сенга кўмак берайин,  
Халос этолмайман бахтдан мен асло.

\* \* \*

Кўзларим беизн жавдирар ҳар бор  
Не қилай, бир титроқ ёқар ичимни —  
Тилга олишганда қошимда такрор  
Кўркам ва жарангдор қисқа исмни.

Дала сўқмоғидан бораман ёлғиз,  
Ғўлалар тахлами бир ёнда қат-қат.  
Бунда хуш эпкинлар кезар тизгинсиз,  
Баҳорий шўхликлар қилишиб фақат.

Орзиққан юрагим эшитар шу он  
Олис-олислардан бир тансиқ хабар.  
Биламан: у — тирик, юрар у шодмон,  
Ғамларни-да енга билар муқаррар.



\* \* \*

Шамол, мени дафн қил, шамол!  
Хешларимдан йўқ дил умиди,  
Қўнмоқдадир шом шафағи ол,  
Таралмоқда намчил ер ҳиди.

Бир пайт мен ҳам эдим сен янглиғ,  
Яшар эдим хуш-хандон, эркин.  
Энди эса мурдаман совуқ,  
Юзларимни силамас ҳеч ким.

Қанотинг бос бу мажруҳ танга,  
Ўра уни тунга зимзиё  
Ҳамда айтгин ҳарир туманга,  
Бош устимда ўқисин дуо.

Тоинки мен - бир шўрлик осон  
Мангуликка қўз юмайин жим.  
Шамол, шамол, куйла сен шоён  
Баҳор васфин, баҳорим маним.



\* \* \*

Бизлар шўх-шаддотмиз, қавммиз хуррам,  
Жунбушга тушсак гар, жўшар қиёмат.  
Деворда - қуш, гуллар сурати пурғам,  
Мовий осмонларни қўмсарлар фақат.

Узун трубкагни тутатасан сен,  
Кўтарилар ундан тутун кировий.  
Мен ҳам калта этак кўйлагим кийдим,  
Бўлай деб янада кўҳли, чиройли.

Дарчалар тақа-тақ, ғуборлар инган,  
Ташқарида наҳот аёз ёки қор?  
Атрофга термилар кўзларинг зимдан,  
Мушукникидан-да қув, эҳтиёткор.

О, юрак недандир озурда, беҳуд,  
Сўнгги сониями – боққан жилвагар?  
Муқом қилаётган анови вужуд  
Дўзахга тушгайдир шаксиз, муқаррар.



\* \* \*

Энтикардим мен ёлғиз дамда  
Ўйлаб хумор кўзларингизни.  
Энди эса узлат хонамда  
Алам билан эслайман сизни.

Сиз Неванинг у қирғоғида  
Ёт қўлларга асирсиз, ҳамдард.  
Менинг машхур замондошим, ҳа,  
Бари содир бўлди пировард –

Сиз айтгандек – севгингни ўлдир,  
Дегандингиз, ургандек ханжар.  
Мана, бу кун паймонам тўлди,  
Лекин қонда ишқ ортар баттар.

Агарда мен сўнсам, тугасам,  
Шеърларимни ким ёзгай сизга?  
Ким бахш этгай бетакрор жаранг  
Айтилмаган ҳар битта сўзга?



\* \* \*

Биз битта косадан ҳеч вақт ичмаймиз  
На сувни ва на-да шаробни гулгун.  
Тонглар уйғонмаймиз бир ёстикда биз,  
Бирга энтикмаймиз чўкканида тун.  
Сен нафас оласан кундан, мен — ойдан,  
Лекин тирикмиз биз бир севги билан.

Меҳрли дўст менга доим гиргиттон,  
Сенинг ҳамдамингдир ҳар вақт мунис ёр.  
Кўзларинг ҳадиги мен учун аён,  
Чеккан оҳларимга сенсан сабабкор.  
Биз шошмаймиз бот-бот висолга ҳеч вақт,  
Шаънимиз асрамоқ биз учун қисмат.

Шеърларимга сенинг илҳоминг ёрдир,  
Сенинг шеърларингда — мен талпинган бахт.  
Уларда шундайин бир олов борки,  
Ўчира олгайдир на кўрқув, на вақт.  
Билсайдинг қанчалар соғинганим, о,  
Сени узоқдан бир кўрмоқни ҳатто!



Дарёда муз қарсиллар ногоҳ,  
Осмон гўё недандир зада.  
Азоблайсан нега мени, оҳ,  
Билолмайман — айбим нимада.

Сочаверма қаҳрингни ҳарчанд,  
Керак бўлса — ўлдир, мендан кеч.  
Истамайсан сен мендан фарзанд,  
Ёқмас сенга шеърларим ҳам ҳеч.

Маҳв эт, майли, менга берма эрк!  
Лиммо-лимдир кўнглим сабрга.  
Сенга умрим бердим, ғуссам лек  
Ўзим билан кетгай қабрга.



\* \* \*

О, хаста ҳолимни сўраб келдингми,  
Менинг тортинчоғим, беозоргинам...  
Гарчи ётар эдим мажолсиз, мунгли,  
Келмасанг-да, сендан йўқ эди гинам.

Кўлингда гулчамбар — омонат, одми,  
Мени адо бўлган сановдингми ё?  
Далли жилмайишинг кўп оғир ботди —  
Унда меҳрмиди ёки истеҳзо?

Ўлим ваҳми энди мен-чун ҳеч, бекор!  
Қолсанг қошимда гар тагин бирор дам,  
Сўрагум худодан ажру истиғфор —  
Сенга ва яна сен севганларга ҳам.





\* \* \*

Шундай кунлар бўлар баҳор олдидан:  
Қалин қор остида энтикар ўтлоқ,  
Яланғоч новдалар қўшиқ куйлар шан,  
Эпкинлар эсади илиқ ва юмшоқ,

Вужудинг туюлар қушдайин енгил,  
Боқасан уйингга ажиб ҳайратда,  
Эскиган қўшиққа тўйса ҳамки дил,  
Куйлайсан янгидек уни бу пайтда.



\* \* \*

Кўз юмар эканман, мунаввар қалбим  
Мангулик ўйига яна бўлар фарқ...  
Кўхна китоблардан битиклар қадим,  
Тўсдек қаро зулмат аро уриб чарх -

Келиб рўпарамга, майлига, ғаддор  
Даҳшатлар шевасин этингиз талқин,  
Фақат хотирамга тегманг сиз зинҳор,  
Сўнгги нафасгача қолсин у ёрқин.

Тоинки азоблар силсиласида  
Сен менга туюлма ёт сиймо бўлиб;  
Майли, қийноқ ортсин яна юз ҳисса,  
Турсанг бас қошимда сен масрур, кулиб.

Ўлим ўз оғусин сўнгги сония  
Босгайдир лабимга бамисли малҳам.  
Шундан сўнг одамлар келиб, қабрга  
Кўмгайлар вужудим, овозимни ҳам.



\* \* \*

Ишқнинг хотираси бунчалар аччиқ!  
Куйлайман — захрини ютиб мен тун-кун,  
Бошқаларга эса — бу олов тансиқ,  
Бедор кечаларда исинмоқ учун.

Зериккан қалбларга у бергай сафо,  
Мени тортар фақат ҳасрат комига...  
Тангрим, шу сабаб мен куйладимми, о,  
Шу сабаб тушдимми севги домига!

Тутқаз қўлларимга шундайин оғу —  
Айласин, майлига, мени соқов-гунг  
Ҳамда дoston бўлган қисматимни у  
Йўқликка фарқ этсин, қолдирмай бир мунг.



\* \* \*

Шону шуҳрат ўткинчи шаксиз,  
Ҳавасмиди бу туйғу менга...  
Яшамадим бенаво, ёлғиз,  
Мен бахт бердим жазманларимга.  
Бири мудом яшар омонда,  
Юрагида муҳаббат саси...  
Бугунги кун катта майдонда  
Кўркам ҳайкал эрур бошқаси.



\* \* \*

Ҳақиқий севгини ҳеч нарса билан  
Янглиштириб бўлмас, билмас у таъма.  
Пўстиним мўйнасин тузатаркансан,  
Қиласан кўксимни совуқдан пана.

Сўнг дейсан ҳаяжон туймайин зинҳор,  
Илк севги ҳақида чиройли сўзлар.  
Сезиб турибман-ку нигоҳинг, беор,  
Бир оч ютоқиш-ла нимани кўзлар!



\* \* \*

Сўнги бор учрашган эдик ўшанда,  
Нева бўйи ҳар гал эди сўлим, шан...  
Бу кеч кўпирарди дарё ўзанда,  
Шаҳар хавотирда эди тошқиндан.

У ёз ҳақида сўзлаб, деди сўнг,  
Шоирлик бу – аёл ишимас сира.  
Шунда разм солганча шоҳ қасрига чўнг,  
Юксак Петропавловск қалъасига-да! –

Туйдим, бирдан ўзга тус олди ҳаво,  
Бошим айлантирди унинг хуш иси.  
Ва ато этилди менга шу асно  
Барча телба кўшиқларим сўнггиси.



\* \* \*

Бисёрдир севилган қалбда карашма!  
Ўкинчли юракнинг нажоти узлат.  
Нақ кўзим ўнгида беором чашма  
Замҳарир остида бормоқда музлаб.

Беюпанч руҳимга фараҳ берар ўй:  
Аламнок вужудим совугай бир кун.  
У чоғ хатларимни менинг асраб қўй,  
Биз ҳақда авлодлар ҳукм этсин учун, —

Токи улар сендан туйсинлар фахр,  
Доно, жасур бўлиб кўрингин у чоғ;  
Сенинг таржимаи ҳолингда, ахир,  
Бўлиши мумкинми кемтик ёхуд доғ?

О, нақадар тотли тириклик жоми,  
О, нақадар чигал ишқнинг риштаси!..  
Майли, қачонлардир менинг ҳам номим  
Ўқишсин дарсликдан келажак насл.

Бу ғамли қиссани англашсин теран,  
Ўтли ишқ жазмига қолсинлар қойил...  
Севгингни қизғанган эдинг сен мендан,  
Аччиқ шон-шуҳратга эт энди ноил.

\* \* \*

Яна қиш — чанғилар кумуш қор узра  
Майин гичирлар.  
Ойдин кенгликларни буркаб нуфузга,  
Оқарар қирлар.

Олисларда милт-милт чироқлар бу дам  
Сукутга чўмар.  
Сўқмоқлар, бутазор, ҳатто сойни ҳам  
Оппоқ қор кўмар.

Сув париси макон тутган мажнунтол,  
Йўлдан қоча қол.  
Зоғлар тўп-тўп... Энди уларга хушҳол  
Бағринг оча қол.







*Константин  
Бальмонт*

(1867 – 1942)





Константин Дмитриевич БАЛЬМОНТ заминдор оиласида дунёга келади. Отаси маҳаллий суд идорасида мансабдор шахс бўлган. Онаси маърифатли аёл бўлиб, ўғлига ўзининг хайрли таъсирини ўтказган.

Бўлажак шоир 1886 йили Москва университетининг ҳуқуқ факультетига ўқишга киради, лекин ўқишни хоҳламай уни таълаб кетади.

Шоирнинг илк шеърлари 1885 йили матбуотда эълон қилинади. Айти пайтда у таржима билан шуғуллана бошлайди. Г.Гейне, А. де Мюссе шеърларини, Г.Ибсен драмаларини таржима қилади, улар ҳақида мазмундор мақолалар ёзади.

Шоирнинг дастлабки тўпламлари рамзий романтик характерда бўлиб, "Шимол осмони остида", "Соҳилсиз уммон" номлари билан чоп этилади. Кейинчалик унинг "Қуёшдек бўлайлик", «Фақат муҳаббат», "Етти ранг" шеърӣ тўпламлари эълон қилинади.

Шоир 1917 йил Октябр тўнтаришига нисбатан ўз муносабатини "Мен инқилобчиманми ёки йўқ" номли мақоласида кескин ифодалайди. У бу мақолада большевикларни инсон шахсини поймол этувчилар сифатида қоралайди.

1920 йили Бальмонт туғилган Ватанини бир умрга тарк этади. У Парижда ва Атлантика океани қирғоғидаги кичик қишлоқларда ғурбатда яшаб, ижод қилади. Шоир бу даврда рус, славян, француз шоирлари ҳақида кўплаб мақолалар ёзади.

30 - йиллар ўртасида шоирда руҳий хасталик авж олади ва унинг ижод билан шуғулланиши қийинлашади.

Бальмонт рус адабиёти тарихида символизм оқимининг намоёндаси сифатида тилга олинса-да, бу оқимнинг сифатларини ўзида буткул мужассам қилмаган. У ўз ижодидида бир умр илк муҳаббатни, гўзалликни, умрнинг музайян лаҳзаларини куйлаб ўтди.


\* \* \*

Чарчадим мен ноз уйқулардан,  
Базму айшни кўриб ҳар қадам —  
Ортиб борар ичимда зардам,  
Аллаларни тинглаб чарчадим.

Мовий орзу, зангори рўё,  
Етар — лоқайд айлади қонни.  
Мен истайман ёнсин бу дунё,  
Мен истайман жунбуш бўронни!

Хотиржамлик — завол эрур чин,  
Яшангиз, ҳей, бедор ва сергак.  
Уммонлар-да машъалдек ёнсин,  
Зулматлардан титрасин юрак.

Мен истайман ўзга шукуҳни —  
Менинг ўзга базмларим учун  
Сўзлар лов-лов ёндирсин руҳни,  
Ҳар бир нидо таратсин учкун!



\* \* \*

Зулмату ёруғлик билар ўз вақтин,  
Улар ўз-ўзича сурур берар чин.  
Менинг юрагимда – нурлар бокира,  
Менинг юрагимда – зулмат йўқ сира.

Довулу чақмоқлар ўз йўлин билар,  
Замин қучоғига ҳаргиз интилар.  
Менинг юрагимда бўронлар ўлган,  
Менинг юрагимда каломлар сўлган.

Қул бўлиб яшайин, айтинг, мен тоқай!  
Довул, чақмоқ, сизга бағримни очай!  
Юрагим, ён, ўрган олов ичинда!  
Зулмату ёруғлик, жо бўлинг менда!



## СКИФЛАР

Биз озод скифлар эзгу қавмимиз,  
Эрк истаб келганмиз қадим очунга.  
Ёвга қалъаларни қолдирдигу биз,  
Ва лек ҳар қайда дуч келдик унга.

На макон, на худо бор бизга, фақат —  
Кўкда сузган лак-лак булутлар алвон.  
Уруш маъбудига шох-шабба қалаб,  
Санчдик биз устига қилични шоён.

Даштдан-даштга кўчиб мисли мўр-малах —  
Саргашта сурурдан мастмиз, музаффар.  
Кўзладик камондан ёв кўксини нақ,  
Ўққа илон заҳрин суртиб ҳар сафар.

Бехос ёпирилганмиз юртларга, дуркун  
Қийқириклар солиб, солиб урҳо-ур.  
Толемиз шонли урушда бутун,  
Тулпорлар устида еламиз мағрур.



\* \* \*

Ёндирмоқда дилимни баравж  
Айтилмаган ишқнинг сурури.  
О, бўлсайдинг сен – уммонга мавж,  
Бўлсайдим мен – тонгнинг илк нури.

Кўнар эдим сенга ўшал дам  
Юракларга инган орзудай, –  
Шунда ғамни билмасдинг ҳеч ҳам,  
Яшар эдинг ўйноқ охудай.



\* \* \*

Мен сени кутамаң ҳижронлар аро,  
Мен сени кутамаң йиллаб, мутгасил.  
Ўзингга чорлашдан сен тинмай асло,  
Ваъдаларинг ила қиласан асир.

Мудом ерга боққан чеҳранг узра шан  
Отиб истехзоли дилбар таманнонг —  
Гўё фалакларда сен сузган қушсан,  
Ҳар битта қадаминг дилни айлар ром.

Билмайман, фараҳга муштоқмисан сен,  
Дафъатан пойингга чўкайинми тиз.  
Ҳузур-ҳаловатни туймаганман мен —  
Туйгандек сен билан қолганда ёлғиз.

Сўнгсиз изтироблар саволисан — сен,  
Зулмат заминдаги тасодиф шуъла.  
Бахтим англаб бўлмас заволисан — сен,  
Фидойи эҳтирос шавқлари ила.

Сен гарчи ҳисларим қилдинг талотум,  
Кўз ёшни билмагай кўзларинг бироқ.  
Эҳтимол уларнинг ёлқини мавҳум,  
Эҳтимол манзили — мендан кўп йироқ.

Билмам, нимасан, ё – қисмат гирдоби,  
Эҳтимол, юлдузсан номалум мутлақ.  
Лекин сенга зорман кўнглим, моҳтоби,  
Илҳақман васлингга, илҳақман илҳақ.








\* \* \*

У сендан юз буриб кетганда йироқ,  
Издан жаранглаб таралди кулгу –  
Кумуш оҳанглардан ҳатто майинроқ,  
Баргидан-да маъсум марваридгулинг.

Майинроқ тонгдаги кўлнинг барқидан,  
Эпкиндан-да майин – тунги, мудроқи.  
Майинроқ – ёддаги қўшиқ шавқидан,  
Илк бўса ўтидан майин ҳаттоки.

Майинроқ - нигоҳлар тубидан учган,  
Умид шуъласидан бахт сўраб тайин.  
Ногоҳ шалоладек осилиб тушган,  
Нурли кокиллардан ҳаттоки майин.

Майин - мўъжизага термулган сайин  
Тошган ҳайратдан-да юрак қаъридан.  
Поляк гўзалидан ҳам чандон майин,  
Демакки, майиндир бари-баридан.



\* \* \*

Юмиқ кўз билан ҳам яшамоқ мумкин,  
Илинжу таъмадан буткул мосуво.  
Бамисли юрагинг олар мангу тин,  
Сен учун юлдузлар сўнгандек ҳатто.

Совуққон яшамоқ мумкин мутассил,  
Умр шиддатини пайқамай сира.  
Пайқамай - ўзгариб боришин фасл,  
Ёрқин орзуларнинг тортишин хира.

Буткул кечмоқ мумкин — неки муқаддас,  
Ҳатто тушмоқ мумкин ёрдан ҳам айро.  
Лекин мозий сасин тингламай бўлмас,  
Хотирадан кечиб бўлмагай асло!



## КАПАЛАК

Хонага қамалиб бехос капалак,  
Урилар ойнага такрор ва такрор.  
Ташқарида қолган осмону фалак,  
Етишмоқлик энди унга, оҳ, душвор.

Лекин у кўнмас бу қисматга сира,  
Гўзал қанотлари унниқар, қора.  
Бу кўркам зиндонда шўрлик асира,  
Уриниб-уриниб сўлар, бечора.



\* \* \*

Қушиқ қилиб зорларим,  
Чертдим юрак торларин.  
Мудроқлар туйди туғён,  
Ўзгарди дунё шу он.

Булутлар аро масрур,  
Заминга ҳопитиб нур,  
Сўзларимга жалб этдим,  
Изимдан олиб кетдим.

Орзулар ёнди ял-ял,  
Қувончим тошган маҳал, —  
Юлдузларга тутиб гул,  
Аритдим ғамни буткул.

Учқун сочдим, порладим,  
Ҳар юракни чорладим —  
Шафақ кулган ёқларга,  
Жарларга, қирғоқларга.

Юксакроқ, тагин юксак,  
Ҳаприқсин, жўшқин юрак.  
Парвоздан ҳеч тинмайман,  
Куйлайман мен, куйлайман.

## ШАФАҚ ГУЛЛАРИ

О, шафақ ранглари, қайтмас шуълалар!  
Товланган булутлар мисли – маржон-лаъл.  
Кенгликлар димиқар, ўрмон ҳансирар,  
Теран ҳасратларга тўлиб бу маҳал.

Атиргул баргидек булутлар лак-лак,  
Боқарлар мунғайиб қишлоқлар сари.  
Уларга термулиб эзилар юрак,  
Қашшоқ ва аламнок кўринар бари.



## БОДЛЕРГА

О, Бодлер, қалбингни англаб етгани,  
Интилдим, сен кабир шоирсан, яъни.  
Даҳшатлар, гирдоблар, хулё жазмани!

Сен чоҳга йиқилган самовий жонсан,  
Қабоҳат комида некбин инсонсан.  
Жоҳиллар қўлида гаров султонсан.

Мангулик кўзига боқдинг музаффар,  
Руҳингда уч кўшиқ яхлит жаранглар:  
Ифору оҳанглар ва сермавж ранглар!

Сен билдинг Аёлни, иблисдир ёҳу!  
Иблис ҳам сочар гоҳ мунаввар ёғду,  
Аслида аёлга ўзинг ҳам оғу.

Тинглаб келажакнинг сирли сасини,  
Чиздинг унинг забун манзарасини,  
Тирнадинг одамлар дил ярасини.

Сен бадкор дунёда саргардон руҳсан,  
Муртадлар қалбига қутқу шуқуҳсан.  
Хўрланган роҳибсан, буюк мажруҳсан!

Менинг юрагимнинг осмони бўл ҳур,  
Ҳар қачон руҳинг-ла бўлай мен масрур,  
Одамлар ичида юрмоқ-чун мағрур!

\* \* \*

Дўстим, бор дунёда қувонч, муҳаббат,  
Бахт ҳам бор ва бўлар тағин то абад.  
Майли, у бизгамас, ўзгаларга ёр,  
Аммоки, биз эса — дўстим иккимиз  
Гўзал туйғулардан унган хаёлмиз,  
Боғлар шабнамимиз гуллаган чаппор -  
Ки тоабад сўлмас,  
Ҳеч хазон бўлмас.





Менга қўрқинчилидир йиртиқичлар, қуртлар,  
Совуқдир уларнинг рафтори бирам.  
Юрагим шафақни олқишлар, қутлар,  
Ёқар менга уммон бўғиқ саси ҳам.

Севаман мен ҳаргиз тоғларни уфқда,  
Ёқар совуқ гуллар, ям-яшил япроқ.  
Севаман чақнаган тафаккурни ва  
Инсоний чеҳралар менга яқинроқ.



## АЛЪБАТРОС

Ўдудсиз уммоннинг саҳроси узра,  
Учар денгиз қуши туманни ёриб.  
Гўё у ҳуррамлик нашъасин суар,  
Пастда ётар денгиз бемажол, ҳориб.

Совуқ самоларга шўнғир у ёлғиз,  
Бўзариб кўринар кўкда ой бу он.  
Ўзур бор танҳолик, ҳурликда чексиз,  
Сукунат ёр бўлсин сенга, эй уммон!



\* \* \*

Мен оққа бурканган мамлакатдаман,  
Қисматимдир — ҳали узоқ, кўп юрмак.  
Кимса зоти йўқ бу кенгликларда — шан,  
Ҳамроҳим йўқ ёлғиз Худодан бўлак.

Ҳаётда неки бор, тағин бўлгай ёр,  
Фақат менга эмас — ўзгага, ётга.  
Кунлар қайтмас ортга, бахт кулмас такрор,  
Дилда на тонг отгай, на қуёш ботгай.

Бироқ ғамлар мени тарк этмас ҳеч ҳам,  
Ҳаргиз узоқларга чорлайди юрак.  
Вақт тўхтаган яйдоқ уфқда ёлғизман,  
Ҳамроҳим йўқ ёлғиз Худодан бўлак.



## ШАМОЛ

Шамол, шамол... Сокин, лол  
Дов-дарахт шохин эгар.  
Титраб қолади алҳол  
Қамишзорлар беэга.  
Шамол, шамол, ғам-малол  
Ташладинг қалбга нега?

Гудраниб чекасан оҳ,  
Сўнг ўзни олгунг қўлга.  
Отланиб қолдинг ногоҳ,  
Қарамай ўнгу сўлга...  
Қайга – айлагин огоҳ?  
Олисга, мудом – йўлга!

Кезгунг йироқ-йироқни,  
Адирларнинг сўқмоғин;  
Қучиб кумуш ўтлоқни,  
Ўпгунг қўллар ёноғин;  
Ҳайдаб булут-чақмоқни,  
Сукутга чўмгунг тагин.

О, дайди дарвеш шамол,  
Борми ҳеч тайин сўзинг.  
Сен еласан бемалол,  
Дардларим кўрмас кўзинг...  
О, шамол, оҳу шамол,  
Баридан сулув ўзинг!

## ҲАЁТ АҚИДАСИ

Ҳур-хур эпкинлардан сўрадим атай:  
"Нима қилай мудом ёш қолмоқ учун?"  
Эпкин жавоб берди бир зум тўхтамай:  
"Яхшиси, эпкин бўл, бўл мовий тутун!"

Мен бориб сўрадим кабир денгиздан;  
"Айтинг, қандоқ тугай ўзни?", дедим тек.  
Денгиз жавоб қилди ўкириб бир дам:  
"Ҳайқириб, тўлғаниб яшагин мендек!"

Юксалган офтобдан сўрдим субҳидам:  
"Қандоқ нур тарасам тонгдан ҳам ёрқин?"  
Офтоб эса жавоб қилмади ҳеч ҳам,  
Бироқ туйди юрак шу сўзни: "Ёнгин!..."



\* \* \*

Ҳаёт ўтиб борар — босар ғафлат-ғам,  
Мен-чи — сармастдирман, чунки ошиқман.

Ҳаёт ўтиб борар — йўқ бирон эртақ,  
Мен эса сармастман - шоирдир юрак.

Дунё мисли қафас — менга эса хуш,  
Мен сармастман, ахир, мен — бир эркин қуш.



## ҚАЙТИШ

Ҳали ҳам эсимда жажжи арғимчоқ,  
Болалик ёдидан ёшланар мижжа.  
Шомда чучмомалар порларди қувноқ,  
Кўклам ҳайратлари кўксимда - инжа.

О, гўдак бўлсам тағин бир нафас,  
Майли, бошқа гўдак бўлай тамоман.  
Фақат тегра олам зангор бўлса бас,  
Дунё оппоқ бўлса, парқу, чароғон.

Ёқса-да эркалаш ҳам ширин сўзлар,  
Энди керак эмас улар, бургум юз.  
Менга тансиқ энди ҳайратли кўзлар,  
Ажиб эртақлару милтироқ юлдуз.



## ОҚ ФАРИШТА

Болалик дамларим ҳарир орзулар,  
Ширин тушларимни чирмаб олган он —  
Инарни кўзимга ғамгин ёғдулар,  
Чулғарди ақлимни ғуссанок туғён.

Кўрганман тушимда маъюс фаришта,  
Туйганман гоҳида майин тийнатни.  
Ва боғлаб кўнглимга қайғулар ришта,  
Кўрдим томчи ёшда аксин жаннатни.

У мени йўқларди бот-бот, турфа вақт,  
Ёдимда бу оний дийдор сурури.  
Ёғдулар бўларки — билмагай сарҳад,  
Бу — унсиз нигоҳнинг сўнмас ҳеч нури.

Севдим ва севаман — неки самовий,  
Шуур ёғду турар идрокка бешак.  
Энтикиб боқаман фалакка — мовий,  
Неки мубҳам — барин англагай юрак.

Мунаввар руҳ билан тушмасман айро,  
Теран нигоҳларни кўриб қолсам гар.  
Бўлар Оқ Фаришта қаршимда пайдо,  
Мен учун қадрдон, соҳир, мўътабар.



## ТОНГ

Бургут сас таради чўққилар аро,  
Етиб келди менга бу ўткир садо,  
Тонг отар чоғи мен эмасдим танҳо.

Белаб шуълаларга қояни, қорни,  
Тиғиз офтоб нури ювди ғуборни  
Ва тоғ чашмалари сайраб юборди.

Теварак чулғанар қудратга, сирга,  
Олтинлар тўшалар ям-яшил қирга,  
Олис дўст, юрагим сен билан бирга.

Тоғ узра водийга боқдим сервиқор,  
Хаёлда чечаклар урдилар чаппор,  
Бу дунёда — офтоб, қалбда-чи — сен бор.



\* \* \*

Кўчанинг сурури — гавжум одамлар,  
Байрамнинг шукуҳи гўзал ҳашамдир.  
Лекин сенинг билан қолмоқлик, дилбар,  
Менга ҳаммасидан гўзалроқ дамдир.

Гўзалдир аёвсиз жанг тугаган чоқ,  
Сўнг жимжит дунёга чўммоқ бир нафас.  
Бироқ менга нидо бўлмоқ гўзалроқ —  
Баҳор юрагидан тошган ўтли сас.

Гўзалдир напармон оқшом уфқи ҳам,  
Танҳо ҳайратимга тополмайди сўз.  
Ахир, гўзал эрур бари-баридан,  
Қаршингда афсун-ла ёнган оҳу кўз.



## ҚУШЧА

Жонсарак бир қушча қўнди ойнамга,  
У ғариб қўнглимни қўмди оҳангга,  
Парво қилмади ҳеч мендаги ғамга.

Оқшом шафағидан сўнар алвон из —  
Зулмат босиб келар зулматни тиғиз,  
Видо айтмоқдайдим мен танҳо, ёлғиз.

Қушча деразамга қўниб бу чоқда  
Сайрарди ҳеч сўнмас кундузлар ҳақда,  
Сирли дунёларни олқишлаб, мақтаб.

Қўзимни юмдим мен ҳеч қайғусиз, шан,  
Қушча ҳам мен бир-ла учиб дафъатан,  
Жимжитликдан чўчиб тинди сайрашдан.



## ТОБУТСОЗ

Тобутсоз тобутнинг қопқоғин миҳлар,  
Ишга берилган-у, дамба-дам ихрар,  
Ерда пайраҳалар ётар оқариб,  
Дарчадан нурланар кулбаи ғариб.  
Ғамгин хона турқи дилни эзар нақ,  
Эшитилар болға овози: тақ-тақ...  
Неға болға бунча сўйлар ғамгин роз?  
Неға оғир ўйга чўмган тобутсоз?  
Ишларди авваллар руҳланиб рўй-рост,  
Лекин бу қисматдир: куйлатиб қўймас.  
Хотинин кўймоққа тадорикда у,  
Шундан, ҳа, болғанинг сасида қайғу.  
Кампирини ёлғиз қўйгандан гўрга,  
Яхшийди, тобутда ётса у бирга.  
Дераза ортидан янграр шўх сурон,  
Баҳор издиҳоми авжида бу он.  
Кимдир ҳайқиради. Кимдир кулар шўх.  
Тобутсоз болғасин урарди: тўқ-тўқ...





*Борис  
Пастернак*

(1890 – 1960)





Борис Леонидович ПАСТЕРНАК Москвада машхур рус рассоми Леонид Пастернак оиласида таваллуд топган. Болалиги отасининг доимий меҳмонлари — Л.Толстой ва Ключевский, Рахманинов ва Скрябин, Серов ва Врубель суҳбатлари даврасида ўтган. У Москва университетидан фалсафадан таълим олган эса-да, шеърият йўлини танлайди.

Б.Пастернак дастлабки шеърларидаёқ ўз услубига, ўз овозига эга шоир сифатида шаклланди. В.Брюсов ёш шоир ижоди ҳақида гапириб, унинг шеърлари турфа оҳангларга бой ҳамда ажойиб ташбеҳлари ва ўзига хос тили билан бошқа шоирларникидан кескин ажралиб туради, дейди.

Пастернак ғоят мураккаб даврда яшаб, машаққатли умр йўлини босиб ўтди. У ўзининг инсоний ақидаларига, соф виждонига ҳеч вақт хиёнат қилмади, мафкура талабларига эмас, адабиётнинг юксак мезонларига содиқ қолиб қалам тебратди. "Тўсиқлар оша", "Ҳаёт — менинг синглим", "Қайта тугилиш" каби ўнлаб шеърий тўпламлари, "Тўққиз юз бешинчи йил", "Лейтенант Шмидт" сингари машхур дostonлари ҳамда "Доктор Живаго" романи билан XX аср рус адабиётининг улкан намоёндасига айланди.

Пастернак шеърияти дардчил, теран шеърият. Унинг ғуссаси кўп, лекин ўзидаги дард ва изтиробни пеш қилмайди. Шу жиҳати билан хиёл мураккаб ва жумбоқли туюлади.

Борис Пастернак ижоди 1958 йилда "Нобель" мукофоти билан тақдирланган.

\* \* \*

Феврал. Сиёҳ топсанг, хўнграсанг!  
Ёзсанг йиғлаб феврал ҳақида —  
Лой қўлмақлар синиб сержаранг,  
Қор жизғанақ бўлган чоғида.

Фойтун топсанг. Олти тангага  
Кира қилиб зим-гойиб кетсанг.  
Сиёҳдан-да, кўзёшлардан-да  
Ёмғир қийғос жойларга етсанг.

Унда, куйган ноклардек худди,  
Дов-дарахтдан сон-саноқсиз зот  
Ҳалқобга дув қўнар, кўз туби  
Қораяр ғам-ғуссадан шу чоғ.

Унда — энди қирлар қорамтир,  
Шамолларни тилкалар сурон...  
Тасодифан туғилса гар шеър,  
Қуйилади юракдан бийрон.



## ЗАМҲАРИП

Очилдию эшик дафъатан,  
Ошхонага урди муз эпкин.  
Болаликка қайтдим мен бирдан,  
Аёз оқшомларни ёд этдим.

Уфқ сокин, ҳаво мусаффо.  
Кўчада, беш қадамча нари  
Турарди қиш, қимтинган асно,  
Дадил киролмайин ичкари.

Қиш — оқарар тагин дала-туз.  
Қирларига кузнинг қировли  
Кетар қоратоллар ҳассасиз,  
Ёлғиз, кўзи ожизлар янглиғ.

Йўл яхлаган, дарё ях ҳозир  
Ва кўндаланг, яланғоч музга  
Кўйилмиш тунд осмон гумбази  
Кўзгу каби кўзгубанд узра.

Чорраҳада унга рўпара  
Турар қайин маъсум, серпардоз.  
Сочларида юлдуз ярқираб,  
Ул ойнага ўзни солар боз.

Ишонар у ўзича пинҳон,  
Этакдаги энг чекка уйча  
Қишдан қанча кўрмасин эҳсон,  
Кўҳлик бўла олмас унингча.



## АЙРИЧА КУНЛАР

Тунд қишлардан аёзмас зинҳор,  
Офтобрўя кунлар ёдимда.  
Ҳар бир айём ажиб, бетакрор  
Ва беҳисоб кўпдир олдинда.

Улар сафи ортиб бир-бирин,  
Қалбга сирли шарора қуяр.  
У айрича кунларким, руҳинг  
Ҳурриятнинг нафасин туяр.

Эслайман у кунларни бешак,  
Чилла ярми — қиш энди ювош:  
Йўллар эрир, бўғотлар — чак-чак,  
Музликларда исинар қуёш.

Севишганлар — қалқиб юраги,  
Бир-бирига етишсам дерлар.  
Қир тафтидан дарахтлардаги  
Чуғурчуқлар уяси терлар.

Мудроқ соат миллари учун  
Силжимоқлик ёқмайди беҳад.  
Кун туюлар асрдан узун,  
Тугамас ҳеч ёғду — муҳаббат.

## МАРТ

Офтоб нурын қизғанмас мутлақ,  
Довдир еллар кезар сарсари.  
Молбоқар қиз юмушидек нақ  
Қайнаб кетар баҳор ишлари.

Қорлар озиб-тўзган, касалванд,  
Шохлар ҳали бедармон, камқон.  
Лек бурқирар ҳаёт огилдан,  
Ялт-юлт қилар паншаха чандон.

О, бу тунлар, бу кунлар, тунлар!  
Бир пайт ёмғир тақирлаб қолар  
Ва тарновда сумалак йиғлар,  
Бидирлайди бедор жилғалар!

Эшиклару дарча очиқ ланг,  
Борлиқ яшаш билан овора.  
Барчасига сабабчи бўлган —  
Нур ялтиллер занғор ҳавода.



## ЎРМОНДА БАҲОР

Жунбиш қилар сўнги аёзлар,  
Кечикади қорлар эриши.  
Ҳар галгидек баҳор ҳаяллар,  
Қўққисдандир лекин келиши.

Эрта тонгда хўроз қичқириб,  
Жуфтин излар яхга қарамай.  
Куншувоққа юзини буриб  
Исинади юпун қарағай.

Гарчанд илиб, гарчанд куйдирар,  
Лекин ҳали бутун бир ҳафта —  
Эримаган йўллар дилдирар,  
Қатқалоғи ялтираб яҳда.

Арча ости — ахлатлар, лаш-луш  
Ва ётар қор уюми ҳамон.  
Шуълалару сувларга тўлмиш  
Рўшноликка ичиккан ўрмон.

Осмон эса — булутлар ичра,  
Лой сув узра худди шу асно —  
Илинган кўк патга ўхшар ва  
Ҳароратдан қилт этмас асло.

## МАРГБУРГ

Титрардим мен. Азобларда ёниб-ўчардим.  
Қалтирардим. Ва ниҳоят дил ёрдим-у, оҳ,  
Англадим: кеч, хайф умидлар, рад қилди дардим.  
Сўнг кўзимга ёшлар қалқди. Менда не гуноҳ.

Яланг майдон сари чиқдим. Мисли қайтадан  
Туғилгандим. Теграмдаги борлиқ ҳам зеро  
Яшнар эди менга парво қилмай сира ҳам,  
Аммо энди барчасида теран бир видо.

Йўл — нақ оташ, қизиб ётган кўча манглайи  
Қорайганди ҳамда бужур тошлар осмонга  
Хўмраяр ва сарин эпкин қайиқчи каби  
Эшкак эшар арғувонлар узра ўрмонга.

Мен борлиқнинг ғусса қалққан нигоҳларидан  
Қочдим. Мунглиғ саломларга на жавоб қилдим.  
Нурсиз, зада юрагимга сиғмасди қил ҳам,  
Бехос ҳўнграб юбормаслик учун отилдим.

Шубҳапараст туғма туйғу, кекса ялтоқи  
Дил оздириб қийнар ҳамда пусиб изма-из —  
Ўйлар нукул: «Ғўр ошиқлар! Ожиз тутақиб,  
Иккиси ҳам жонидан ўч олмасин ҳаргиз».

«Юргин, юргин» деб ундару ул туйғу фақат,  
Бошлар қари донишманддек вазмин илгари.  
Кирдим, қизғин новдалари чирмашган дарахт,  
Настаринлар, оташ ҳислар оғуши сари.

«Юргин, кейин югуришни ўргатгунг ҳатто»,  
Таъкидларди такрор-такрор, қуёш тиккадан  
Боқардики, ерлик зурёд қандай шу асно  
Ёт, бегона маъволарда ташлар деб қадам.

Булар бари кўп кўзларни қамаштирса-да,  
Туюларди бошқаларга зим-зиё лекин.  
Кавкабгулнинг остин титар бир тўда жўжа,  
Чирилдоғу ниначилар сайрарди бетин.

Сопол томлар жимирлар ва бўғриққан осмон —  
Узра офтоб киприк қоқмас. Маргбургда эса  
Кимдир ҳуштак чалиб аста ясарди камон,  
Кимдир Троицк бозорига отланар бесас.

Сарғаярди қум соҳиллар, булутни ямлаб,  
Чақмоқли уфқ бутазорлар баргини ўйнар.  
Тунд, қўрғошин тусин олган ҳаво эрир ва  
Баргизубга зардоб янглиғ томчилар қўнар.

Шу кун сени олиб юрдим ўзимда буткул,  
Шекспирнинг асарларин севган фидойи  
Санъаткордек ва номингни такрорлаб нукул,  
Санқидим мен шаҳар бўйлаб дилгир, савдойи.

Ҳузурингда йиқилганда кучоқлаб беун  
Туманни бу, музни бу ва мажҳул бўшлиқни  
(О, қандайин яхши!) — дилни оздирган қуюн...  
Не ҳақдайди? Эсла! Йўқ у. Кучар йўқликни.

Бунда Мартин Лютер ўтган, ака-ука Гримм...  
Кунгурали том. Дарахтлар. Қабртошлари.  
Сира ёддан ўчмагандек, ҳаммаси тирик.  
Боқий руҳга, кўҳналикка ярашиқ бари.

Йўқ, эртага қайтмагайман у ёққа зинҳор.  
Ажралишдик. Алвидо. Бас. Орамиз очиқ.  
Бизга вокзал ур-урҳоси эмас дахлдор.  
Нетурман мен, айтинг, кўҳна бинолар тоши?

Йўл бўғчасин еча бошлар ҳар ёқда туман,  
Осар икки деразага иккита ҳилол.  
Йўловчилар — қўлда китоб, қунишиб бу дам —  
Ўриндиқда маҳзун-маҳзун сурарлар хаёл.

Мен чўчийин недан? Ахир уйқусизликни  
Кўп қадимдан биламан-ку, дўстмиз у билан.  
Нечун, ахир, ташрифидан оддий фикрнинг  
Ойпарастдан қўрққан каби чўчийман бирдан?

Тунлар, ахир, ўйнамоққа мен билан шатранж  
Паркет полга чўк тушарлар ой нур сепган чоқ.  
Анқиб кетар акац бўйи, ойна очиқ ланг  
Ва изтироб гунг термилар, сочлари оппоқ.

Терак — шоҳ. Мен бедорлик-ла бошлайман ўйин.  
Булбул — фарзин. Қўл чўзаман булбулга алҳол.  
Тун енгади ва доналар четлашар шу зум,  
Оппоқ тонгни чеҳрасидан танийман дарҳол.



## ҚИШ ТУНИ

Рўйи замин чўмиб музга  
Гувранарди.  
Шам ёнарди стол узра,  
Шам ёнарди.

Талпингандек парвоналар  
Нурга бисёр,  
Деразага ташқаридан  
Урилар қор...

Аёз гуллар расмин чизар  
Ойналарда.  
Шам ёнарди стол узра,  
Шам ёнарди.

Соялари ўйнар шифтда  
Кўп сирларнинг,  
Чирмашган қўл, оёқлар ва  
Тақдирларнинг.

Икки бошмоқ тушар айқаш  
Ерга бир зум  
Ва қўйлакка мисли кўз ёш  
Томчилар мум.

Еру осмон оқ паркуга  
Чулғанарди.  
Шам ёнарди стол узра,  
Шам ёнарди.

Липиллар шам, фараҳ чулғар —  
Хиромонлиғ  
Ва хочсимон қанот ёзар  
Малак янглиғ.

Ҳали феврал бўйи тўзғир  
Қишнинг гарди,  
Шам ёнарди стол узра,  
Шам ёнарди.





## БҰРОН ТИНГАЧ

Телба бұрон тинчигани дам —  
Туяр жимлик қишнинг шавқини.  
Илғайман мен — дарё ортидан  
Келар бола-бақра шовқини.

Ноҳақдирман, янглишгум балки,  
Шуурим шул — тиришмай қанча:  
Қиш — оқ аёл, тикланган ганчдан,  
Йиқилибдир ерга чалқанча.

Силар совуқ кафти-ла осмон  
Унинг жонсиз, юмуқ қабоғин.  
Биллур қорлар кўммиш бепоён  
Теваракни, уйнинг сўл-соғин.

Музлаган сой, йўллар, бекатлар,  
Темир йўлу ўрмонлар, қир-жар —  
Эзгуланиб пок бир сийрат-ла  
Бирам майин, момиқ кўринар.

Тунлар — ҳали мудрамай туриб,  
Чақнаган зум руҳингда зиё,  
Саҳифага дунё жо бўлур,  
Тилсимланур сатрлар аро.

Тўнгалару бутазорлар боз  
Ҳайкал янглиғ солланар дуркун.  
Қатор томлар — мисли оқ қоғоз,  
Улкан шаҳар қор ичра бутун.

## ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Бундан роса уч ой муқаддам,  
Ҳимоясиз боғчамиз сари —  
Кирганида бостириб бирдан  
Қишнинг оппоқ изғиринлари,

Чамалаган эдим ўзимча,  
Кетаману узлатга гумдон  
Бойитаман тўпламим пича,  
Шеърлар битиб қиш ҳақда чунон.

Лекин руҳим майда ташвишлар  
Кўмдилару қор уюмидай,  
Сезмай қобман —қиш ҳам бир маҳал  
Яримлабди, қарасам бундай.

Уқдимки мен, шунда не учун  
Қор селпиниб ёғиб турган он —  
Учқунларин сўндирса ҳам тун,  
Тикилганин боғдан уй томон.

Совуқлардан оқариб лаби  
Шивирласа ҳамки: «Шошилгин!»  
Кулгандим мен бир даққи каби,  
Очган кўйи қаламим учин.

Ўлтираркан чироқ ёнида  
Тонг чоғи суст ўйларга тўлиб,  
Қиш ров келиб кетибди, менга  
Ниманидир эслатмоқ бўлиб.

## ҚИРОВ

Тукилади хазонлар қийғос,  
Учар сўнгги ғозлар галаси.  
Сен руҳингни юксак тут рўй-рост:  
Бари забун кўнгил ваҳмаси.

Бодрезакка, майли, пўписа  
Қилсин аёз уйқу олдидан.  
Яқунланар бари ҳамиша  
Бир ғаройиб эзгулик билан.

Субҳидамда сен хобдан туриб,  
Кенгликларга термилганинг вақт —  
Қишнинг нуқра ҳашамин кўриб,  
Муюлишда қотурсан карахт.

Оқармишлар зумда ҳаммаёқ,  
Томлар, ийдга чиққан отахон,  
Мўрилар, тунд ўрмон кийиб оқ,  
Томошабоп товланар чунон.

Бутун борлиқ музлаб дафъатан  
Попоғини босиб қош узра —  
Пусиб ётган йиртқичга монанд  
Мўралайди шох-шабба ичра.

Жиласан сен чўчиб, чор-ночор,  
Сўқмоқ олди — сайхонлик, дара.  
Унда — қиров кўшки пурвиқор,  
Эшиклари кумуш панжара.

Тинмай ёққан қорнинг пардаси  
Тўлғанган жар қошида шоён —  
Катта йўл ва ўрмон чеккаси,  
Чакалакзор бўлар намоён.

Тантанавор жимлик шу пайтда —  
Зумрад аёз нақшлаган дуркун,  
Ўхшар худди битилган байтга  
Тобутдаги малика учун.

Шуурумни титратган ўлик  
Салтанатга боқиб шу асно,  
Шивирлайман: «Бахш этдинг кўҳлик  
Тилагандан ҳам ортиқ, аъло».



\* \* \*

Уйда ҳеч ким бўлмас ушбу кез,  
Шом шарпаси, захридан бўлак.  
Ташқаридан тикилар унсиз  
Қиш айёми, жунжитиб юрак.

Фақатгина момиқ қор қат-қат  
Ёғаверар ялтираб инжа.  
Фақат томлар, қорлар бор фақат —  
Кўчаларда кўринмас кимса.

Тағин қиров нақшлар чизар,  
Тағин руҳим чирмару маҳкам —  
Бултурги ғам кўнгилни эзар,  
Бу йилги қиш ғуссалари ҳам.

Санчий бошлар юракни тағин  
Қай бир гуноҳ иддао билан,  
Кесар қаҳат ўтиннинг ғамин  
Деразанинг чорчўпи бу дам.

Сурилади дафъатан парда,  
Сукунатға урган каби тиф.  
Остонадан секин одимлаб,  
Кирасан сен ёруғ кун янглиғ.

Кўринасан уй ичра бу дам  
Оппоқ либос ичра пурвиқор.  
Либосингки, шундоқ матодан —  
Ясагайлар ундан момиқ қор.

## ТУН

Ҳадемай тонг нурин кучувчи  
Тун чулғаниб ётар сукутга —  
Мудроқ дунё узра учувчи  
Сингиб борар ҳарир булутга.

Туманларни қарши олар тек,  
Йўқолади унинг наҳрида —  
Либосдаги ироқи гулдек  
Ё муҳрдек чойшаб сатҳида.

Майхоналар қолар тубанда,  
Ёт шаҳарлар — нурлар билан фарқ:  
Казармалар, гўлаҳлар ҳамда  
Поездларни қилиш мумкин фарқ.

Булутларга тўшалар бирдан  
Улкан шарпа ғира-ширада —  
Сайёралар гангиб дафъатан  
Тушарлар нақ саросимага.

Сарҳадлардан улоқиб нари,  
Пучмоқларда муаллақ, ҳайрон —  
Мубҳам, сирли оламлар сари  
Оғиб ётар улкан Каҳқашон.

Ёпингандек нуқрагун парда  
Жимирлайди қитъалар бу дам.  
Қозонхона, ертўлаларда  
Ўтёқарлар уйғоқ ҳали ҳам.

Парижда чўнг томларга рукн —  
Венера, Марс сабр этиб аранг,  
Афишага термилар дилхун,  
Бошланди деб тагин қай найранг.

Қимдир олис-олисларда шан  
Ўйлар сурар ишга омода —  
Томи сопол билан ёпилган  
Фарибгина болохонада.

Кузатар у сайёрамизни,  
Бамисоли осмони фалак  
Унинг учун зарур ташвишки,  
Қайғуради тунлар жонҳалак.

Мудрама сен, руҳингни ёрит,  
Мағрур юз бур заҳматлар сари.  
Қўзларингдан уйқуни арит  
Учувчи ё юлдуз сингари.

Қисматингни, санъаткор, билгин,  
Мижжа қоқма мақсад йўлида.  
Гаровисан мангулик мулкин,  
Сен асирсан вақтнинг қўлида.



## АВГУСТ

Инжитмади, онтига кўра  
Юз кўрсатди офтоб илк саҳар  
Ва ташлади бир даста шуъла  
Деразамдан каравот қадар.

Фарқ айлади зарғалдоқ рангга  
Қўшни ўрмон, қишлоқ уйларин,  
Тўшагим, нам ёстиғим ҳамда  
Китоб тўла жавон бурчагин.

Хотирладим дарҳол, не сабаб  
Ёстиғимнинг бўлганини ҳўл.  
Туш кўрибман, борар узун саф —  
Тобутимни қилиб қўлма-қўл.

Келардингиз тўп-тўп, ёлғиз, жуфт,  
Ногоҳ кимдир дермишки, бугун —  
Эскичага олтинчи август,  
Қодир Эгам аршга чиққан кун.

Алангасиз мусаффо ёғду  
Сизар бу тонг Дорилбақодан.  
Кузак эзгу каромат янглиф  
Нигоҳни жазб қилар дамо-дам.

Ўтдингиз сиз зиркзор оралаб  
Қабристонга, унда ҳар япроқ  
Қизармишди, мисли товада  
Пишган тотли чўзмадан олроқ.



Унинг чўккан дўнгликларига  
Осмон кўксин босмоқни истар.  
Чорлаб хўроз қичқириғи-ла  
Бир-бирини йўқлар олислар.

Турарди шай қабрлар аро  
Ажал, худди танобчига хос.  
Боқиб жонсиз юзимга бежо,  
У бўйимга чуқур ўлчар мос.

Тортар алҳол ҳамманинг ҳушин  
Шу ўртадан бир овоз пойдор.  
Янграр эди менинг товушим  
Аввалгидек сокин, улуғвор:

«Алвидо, эй зарҳал ва нилий  
Гумбазлари товланган эҳром.  
Ёрлақагин караминг ила  
Менга қисмат чалганида жом.

Алвидо, эй йиллар — ўксик, лол!  
Рози бўл, ғам-ғуссага жонин  
Тухфа қилиб яшаган аёл!  
Эдим муҳораба майдонинг.

Алвидо, эй руҳим сарвати,  
Парвоздаги дамлар, алвидо.  
Сўзга кўчган олам талъати,  
Ижод дарди, ғамлар, алвидо!».

## КАСАЛХОНАДА

Кўргазмага келгандек худди  
Тирбанд эди йўлакда одам.  
Жойлашдию замбилни зумда,  
«Кетдик!» деди санитар шахдам.

Ва «тез ёрдам» баланд бинолар,  
Гузарларни оралаб шитоб —  
Чироқларин ёқиб серхатар  
Тун бағрига шўнғиди шу тоб.

Чорраҳалар, чеҳралар қанча  
Кўздан лип-лип ўтарди йўлда.  
Ҳамшира қиз жиддий боққанча  
Чайқаларди, новшадил қўлда.

Қабулхона. Тарновлар узра  
Мунгли ёмғир бошлади розин  
Ва шу асно мисрама-мисра  
Қоралашди сўров қоғозин.

Бир пойгакка жойлашди уни,  
Бутун бино банд эди, гавжум.  
Симирганча йоднинг исини,  
Кўча ёққа боқиб ётди жим.

Кучганди чорқирра дераза  
Парча боғни, парча осмонни.  
Хобгоҳ муте этди ўзига  
Синчков кўзли янги меҳмонни.

Ўриндиқда оқшом йиғилган  
Беморлар-ла ҳангома чоғи —  
Англади у, жарроҳ тиғидан  
Гумон экан тирик қолмоғи.

Бир сония боқди миннатдор  
Деразага, қизариб унда  
Кўринарди юпун дарахтзор —  
Ўт олгандек шафақранг тунда.

Уфқларда товланарди шан  
Шаҳар, кийиб алвон ридосин.  
Бужур шохин узатар эман,  
Изҳор айлаб ғамгин нидосин.

«Мукаммалдир ишинг, Худойим, —  
Кўнгли қалқиб ўйлади бемор, —  
Ўлим туни ва уфқ лолагун  
Бир-бирига бирам дахлдор.

Ухлайн деб ичдиму малҳам,  
Йиғлаяпман, рўмолчам жиқ ҳўл.  
Рухсорингни кўрмоққа, Эгам,  
Кўз ёшларим бермади ҳеч йўл.

Тўшагимга нур тушаркан ним,  
Туйдим дилда ширин муддао.  
Англаб сенинг туҳфанг эканим,  
Ёзуғимга қилмам иддао.

Сўнги оним қаршиларкан тек,  
Қовриламан қўлинг ўтига.  
Ушлаб кўриб — ноёб узукдек  
Яширасан мени қутига».

## ҲАМЛЕТ

Говур тинди. Саҳнага чиқдим,  
Кесакига ғамгин суяниб —  
Ўйлаяпман руҳлар нидосин  
Ва ўз умрим сасин гувраниб.

Рўпарамга ястанган зулмат  
Тикилмоқда минглаб дурбиндан.  
Ёлбораман, эй Олий Хилқат,  
Йироқ тут ул қадаҳни мендан.

Ўжар феълинг мақбулдир жуда,  
Ролингни-ку, ўйнашга шайман.  
Лекин бу кун бошқа фожиа  
Бормоқдадир, маъзур тутгайсан.

Унда бари тўқима лекин.  
Якуни ҳам олдан аён, бас.  
Ёлғиз қолдим, қабоҳат енгди.  
Билдим, умр равон йўл эмас...



## СУКУНАТ

Ҳарир тўзонларда ялтирар ёғду,  
Офтоб нурларига бурканар ўрмон.  
Дерлар, шу бурчакдан чиқару буғу,  
Айри йўл қошида қотармиш ҳайрон.

Ўрмон лолу карахт сукунат ичра,  
Гўёки бу узлат — бу нимжон ўтлоқ  
Қуёшнинг нурлари биланмас сира,  
Бошқа бир сеҳр-ла йўғрилган мутлоқ.

Чиндан, нарироқда — чангалзор аро  
Турар мода буғу, сулувдир бирам.  
Тонг қотган дов-дарахт қилт этмас асло,  
Ўрмон жимжитлиги, эҳтимол, шундан.

Чимдир буталарни — кўпирган қийғос,  
Кемирар новдалар пўстин шилиб оқ.  
Кумуш гарданига тўқиниб бехос,  
Эман шохчасида тебранар ёнғоқ.

Мойчечак, сариқчой, тагин оқ каррак  
Ва турли гиёҳлар ҳамда турфа гул  
Чакалак гирдини қуршаб турар нақ,  
Ғалат ҳайрат ичра анграйиб нуқул.

Лекин ўрмон аро бир ирмоқ ёлғиз  
Жарликни тўлдириб оҳангларга соз —  
Куйлар дам оҳиста, дам масрур ҳаргиз  
Бу сирли ҳодиса тавсифида боз.

Жимжит узлатларга тарар янгроқ сас,  
Тошгандек ҳаяжон кимса дилида.  
Ненидир айтмоққа уринар яккаш,  
Сўйламоқ бўлар у одам тилида.

## КУЗГИ ЎРМОН

Кузак либосига чулганар ўрмон,  
Мудрар у — бир теран уйқу маст қилар.  
Олмахон, бойўғли, на қизилиштон  
Уни бу уйқудан уйғота билар.

Офтоб ҳам — хазонрез жимликлар аро  
Кун оққан маҳалда бир бора кириб,  
Қарар тевааракка — ишонмай асло,  
Бермасми дегандай шум қопқон фириб.

Бунда узлатлар бор, дўнглик бор тагин,  
Зирк ўсар, ёвшанлар кечиарар ҳаёт.  
Қайдадир — ботқоқзор нарёғидаги  
Овулда хўрозлар қичқираар бот-бот.

Бу сас бир дам янграр, бир дам тинар тек  
Ва сирли сукунат чулғар дунёни —  
Худди хўроз атай ўйга толгандек,  
Худди қўшиғида бордек бир маъни.

Тагин қайлардадир — мубҳам хилватда,  
Улар қичқириви янграб қолар боз.  
Мисоли соқчидек — турган хизматда,  
Жавоб қилар унга бошқа бир хўроз.

Худди акс-садодек ушбу сас келгач,  
Борлиқ қичқирикқа бир зум бўлар ғарқ.  
Улар ҳалқум ила берарлар белги —  
Қай жануб, қай шимол, қай ғарб, қайси шарқ.

Қийғос қичқириқлар йўқламасидан  
Олис чеккаларга чекинар ўрмон  
Ва тағин кўрк очгай кўҳлиги билан  
Кенгликлар, уфқлар, ложувард осмон.



\* \* \*

Улкан ҳовуз — мисли чўнг баркаш.  
Ундан нари — дағал, бешафқат  
Қояларга тиралган саркаш  
Булутларнинг уюми қат-қат.

Нурлар ёниб-ўчиши билан  
Турланади ўрмон ҳам алҳол.  
Дам қорага йўғрилар бирдан,  
Дам гулхандек ловиллайди ол.

Кун ботар чоғ тунд уфқ йиртилиб —  
Мўраласа бир парча само,  
Ўт-ўланлар нақ байрам қилиб,  
Тўлиб кетар борлиққа сафо!

Шамол тинар, булутлар арир,  
Офтоб нури билмас энди чек.  
Ялтирайди шувоқ барглари  
Ойна ичра расмдагидек.

Черковдаги нақшинкор, шаффоф  
Девор узра қадаб нигоҳлар —  
Шундоқ боқар мангуга уйғоқ  
Авлиёлар, зоҳидлар, шоҳлар.

Худди жоме ичи каби — кенг  
Замин узра туриб, ойнадан  
Илоҳий сас-садоларни мен  
Шуурим-ла тинглайман баъзан.



Она замин, бетакрор хилқат,  
Сенга меҳрим англаб муқаддас,  
Кўхликларинг алқарман ҳар вақт,  
Кўзимда ёш ила ҳар нафас.



## РУТУБАТ

Шилта қилар йўлларни ёмғир,  
Кесади ел сувлар ойнасин.  
Шох-шаббани қиртишлар тақир,  
Очиб ташлар толлар сийнасин.

Сочилади япроқлар ерга,  
Қабристондан қайтар одамлар.  
Тунд адирда трактор терлаб,  
Дала учун куч-қувват ғамлар.

Қора шудгор мисоли дув-дув  
Ҳовуз узра тўкилар хазон  
Ва қорамтир мавжга қўнар-у,  
Сузар саф-саф кемаларсимон.

Ёмғир қуяр шаррос элакдан,  
Кучаяди совуқ тобора.  
Гўё борлиқ айбин олган тан,  
Гўё кузнинг манглайи қора.

Гўё бордек ҳақорат тайин  
Қаргаларда бу аянч ҳолга -  
Тўрт томонга урган тинмайин  
Совуқ ёмғир, аччиқ шамолга.



\* \* \*

Машхур бўлиш одобдан эмас,  
Юксакликка кутармайди бу.  
Бор бисотни тўплаб, бешикаст —  
Асрамоқ ҳам шарт эмас мангу.

Ижод асли фидойилиқдир,  
На тантана, наинки сурон.  
Ҳеч нарсага арзимаё тақир,  
Эл оғзига тушмоқлик ёмон.

Хоксоргина яшамоқ керак,  
Яшаш керак шундайин, токи  
Ишқ уфқларин кашф этсин юрак,  
Келажакни туйсин идрокинг.

Умр айрим бобин, ҳойнаҳой,  
Ҳошияга туртиб, албатта,  
Қолдирмоқлик керак очиқ жой,  
Қоғоз узра эмас, қисматда.

Овлоқларга сингиб кетсин дил —  
Равона бўл узлат масканга,  
Бамисоли зим-зиё манзил  
Яширинган каби туманга.

Бошқалар йўл қилиб изингни,  
Бир кун босиб ўтар экан, бас,  
Зафар нима, мағлублик нима —  
Фарқламоғинг сенинг шарт эмас.

Хиёнатдир чекиниш бешак,  
Қиёфангга қўнмасин қадар.  
Фақат жўшиб яшамоқ керак  
Умрнинг энг сўнггига қадар.



## НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Куним битди — йўлин йўқотган  
Йиртқич каби ёзғирдим нолон.  
Тинмай урҳо солиб ҳар ёқдан  
Мени ўраб келар оломон.

Бир томон — кўл, бир томон эса  
Қарағайлар йиқилган ўрмон.  
Нажот йўлим қолмади сира,  
Нима бўлса бўлсин, нетурман!

Не қабихлик қилдим, айтингиз,  
Не иш қилдим мен разил, тубан?  
Ё дунёни йиғлатганимми  
Туққан ерим нафосатидан?

Лекин тобут ёнида ҳатто  
Ишонаман, шундай кун келар.  
Ўлим топмас эзгу руҳ асло,  
Қабих кучлар ундан енгилар.



## БАҲОР

### I

Куртаклар — новдага эриб оққан шам  
Томчиларидир! Исиб кетди  
Апрел. Бирдан гуркиради боғлар ҳам,  
Баҳор саси авжига етди.

Қушлар чуғури-ла ҳимралган ўрмон  
Арқонланган новвосдаин зўр —  
Инграр, оҳанг ичра ургандек туғён  
Орган — темиртан гладиатор.

Поэзия! Юнон исфанжи каби  
Ташқарида нам тортсанг жиққа,  
Сени субҳидамда ташлаб қўярдим  
Боғдаги яшил ўриндиққа.

Юксал, поэзия, ҳаволан, учгин,  
Сипқор булут, сойларни бутун.  
Сени тунлари мен сиқиб-сирқитгум  
Зиқна қоғоз соғлиғи учун.



## II

Баҳор! Бора кўрма шаҳарга,  
Эриётган музлар бу нафас  
Гала-гала чагалайлардек  
Қичқирарлар тинмай, басма-бас.

Ер мавжланар, унсиз гупирар,  
Тўлқинлардек жўшиб кетар гоҳ.  
Қораяди яйдоқ кўчалар —  
Ҳали совуқ изиллатар, оҳ!

Сузар унда гугурт чўпидек,  
Ёниб-ўчиб, лип-лип этароқ —  
Боғлар ҳамда симпоездлар... Эҳ,  
Ел заҳрига чидарлар қандоқ!

Косадаги мовийлик ва муз,  
Кўпик янглиғ бўронқушлардан —  
Айланару бехос бошингиз,  
Лекин кўнгил — недандир бардам.

Овчиларни ўйлаб чекманг оҳ,  
Қайтгайлар, гар омондир боши.  
Шаҳар бўйлаб кезади гуноҳ  
Ва гумроҳлар аччиқ кўз ёши.



### III

Фақат доғми сизга кўринган,  
Мижжангизда ёнмасми севинч?  
Ҳислар тулпор шиддати билан  
Юрагингиз ўйнатмасми ҳеч?

Кушлармидир ёлғиз наҳотки —  
Сайраб мовий кўкка туш урган,  
Ях лимунинг сувин туш вақти  
Нур найчаси орқали сўрган?

Тегрангга боқ — кўрурсан дарров  
Ҳар қаерда, тонгдан кун бўйи —  
Китеж каби ярқирар Москов  
Зангор сувга бошини кўйиб.

Нечун бунча томлар ложувард,  
Ранглар бунча тиниқ, афсунгар?  
Қамиш янглиғ гиштларни қўзғаб,  
Мозий сари учади кунлар.

Заранг шаҳар замини ботқоқ,  
Ер бағрида недир уйғонган.  
Ёнади хут бамисли оппоқ  
Пахта каби, спиртга қонган.

Чордоқларнинг кўзин оқ ёлқин  
Қамаштириб — кушлар, новдалар  
Бир-бирига чийралган сайин  
Ҳаво бўм-бўш, ғалат тус олар.

Унутасан бу кунлар исминг,  
Толиқтирар оломон кўпроқ.  
Сенинг ёринг улар-ла, билгин,  
Ёлғизмассан ўзинг ҳам бироқ.



\* \* \*

Ҳаёт — мунис синглим, меҳри гупуриб  
Найсон ёмғиридек урилди шаррос.  
Башанг кийинганлар бурнин жийириб,  
Жаврар, хурпаярлар чаёнларга хос.

Балки кексаларда ваз бисёр бунга,  
Сенинг сабабларинг кулгули, ахир.  
Қалдироқ остида титраган ғунча,  
Атлас ранг шафақ ҳам асосмас тақир.

Поездлар жадвалин, ям-яшил мавсум  
Купеда синчиклаб кўрганнинг лаҳза,  
Қалбинг тўлғаса-да энтикиш мавҳум,  
Руҳингга бадбинлик сололмас раҳна.

Темир ғилдираклар дуч келар инграб,  
Хилват ва ғаройиб манзил аҳлига.  
Сўрарлар ойнадан — бу қайси бекат,  
Кечки офтоб боқар менга раҳм ила.

Жилади уч бора янграб кўнгироқ,  
Узрлар сўрар у: бу ермас, афсус.  
Пардача ортида тун бурқсир узоқ,  
Дарз кетган чўл кўкка сапчиб урар тўш.

Милт-милт уфқ бағрида ухларлар ширин,  
Ухлар севгилим ҳам нурларга чўмиб.  
Лекин поезд юрак каби билмас тин,  
Борар дашт сукутин сасларга кўмиб.

## ИЛОҲИЙ УЗЛАТ

Товланар шом уфқнинг бетида,  
Узун-узун соялар — ўнг-сўл.  
Почтачи қиз ўрмон четида  
Узатади менга бандероль.

Турли жонвор, қушлар субҳидам  
Қорга солган сўқмоқдан секин  
Қайтаман бир қучоқ хат билан,  
Уйим — ўлан тўшагимга мен.

Мамлакатлар, кентлар, сарҳадлар,  
Чўнг қитъалар, олис ороллар,  
Мунозара, шарҳлар, сувратлар,  
Болакайлар, ўсмирлар, чоллар...

О, валломат юрак хатлари!  
Орангизда мактуб йўқки, чин,  
Ки уларда санжоб, жангари  
Фикр бўртиб турмаган бўлсин.

Жондан азиз аёл номаси!  
Гарчи осий ердан минбаъд,  
Тингланг, шудир қалбимнинг саси:  
Мен сизники бўлурман абад.

Сиз, ҳей марка ишқибозлари!  
Хат бойлами ечилган зумда  
Зўр туҳфага кўмилардингиз,  
Бўлсайдингиз менинг ўрнимда!



*Осип  
Мандельштам*

(1891 – 1938)





*Осип Эмильевич МАНДЕЛЬШТАМ* *Варшавада кичик савдогар оиласида дунёга келади. У дастлабки тавлимни Петербургнинг санъат мактабларидан бирида олади.*

*1911 йили у Петербург университетининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Бу давр ичида у адабий муҳит билан яқиндан танишади. 1913 йили унинг "Тош" номли илк шеърий тўплами эълон қилинади. Ушбу китоби туфайли унинг номи таниқли шоирлар сафига қўшилади.*

*Шоир рус адабиётидаги янги сиймолар билан танишади. У Марина Цветаева билан хатлар ёзиша бошлайди. 1915 йили Қримда М. Волошин билан учрашади.*

*О.Мандельштам ҳаёти давомида ниҳоятда камтарона умр кечирган. У яшаётган уйда бўлган К. Чуковский унинг турмуш тарзи ҳақида шундай ёзади: "... хонасида унга тааллуқли папиросдан бошқа ҳеч аниш ё, унинг ҳеч бир шахсий нарчаси йўқ эди. Мен шунда унинг ҳаётига хос бўлган муҳим бир қирра - дарвешоналикни кўрдим. Ўзи учун ҳеч бир маиший жиҳозни тўпламаган ва ҳеч бир қолипга тушмайдиган, ҳар қандай тартибдан устун турадиган инсон турарди олдимда".*

*20-йилларда шоирнинг ижоди фаоллашади, турли жанрларда ижод қилади, кетма-кет янги китоблари чоп этилади.*

*30-йилларда унинг шеърлари даврга нисбатан кескинлашади. У инсон шахсини таҳқиқлаётган сиёсатга лоқайд қараб туролмайди. Натижада ҳукумат билан муносабатлари мураккаблашади. Кўп ўтмай шоир қамоққа олинади ва Узоқ Шарққа жўнатилади.*

*XX аср шеъриятининг йирик вакилларида бири О.Мандельштам 1938 йили Владивосток яқинидаги маҳбуслар лагерида ҳаётдан кўз юмади.*

## ДИЛБАР ТОНГ ХАЁЛИ

Фақат эртақларни ўқимоқ керак,  
Ҳаётнинг сурури эртақдадир, ҳа.  
Хаёлан кетингиз йироқ-йироққа,  
Гурбатлар комидан қад тиксин юрак.

Чарчадим яшашдан мен жуда-жуда,  
Ундан совиб кетди кўнглим тамоман.  
Бу қашшоқ юртимга лекин шайдоман,  
Ўзга юрт хаёли йўқ-да орзуда.

Олис болаликнинг боғчаси аро,  
Оддий арғимчоқда учганман бир вақт.  
Ёдимда — туманга чулғанган дарахт...  
Булар хотирамдан ўчмагай асло.



\* \* \*

Вужудим ёлғиздир — нима қилай ман,  
Даҳр аро шу ёлғиз вужудим билан?  
Бахтим бордир дея юрайми масрур,  
Бунинг учун кимга айтай ташаккур?

Боғбон ҳам ўзимман ва гул ҳам ўзим,  
Дунё зиндонида булбул ҳам ўзим.  
Мангулик қасрига қотилди сасим,  
Қолди онда тафтим, қолди нафасим.

Гўзал маъволарда ажиб руҳ — тимсол,  
Унинг мен эканим танирлар алҳол.  
Эй насим, эврилма асло ғуборга,  
Вақт чанги қўнмасин нақшин узорга.





## ОЙГА ТАКЛИФ

Булар ой ҳақида чўпчаклар фақат, —  
Чўпчак ибтидоси ёлғонлар қат-қат,  
Булар ой ҳақида чўпчаклар фақат.

Ойда — меникида  
Дуркун дастурхон,  
Маликам, келинг бир —  
Қилайин меҳмон.  
Бунда ширинлик мўл,  
Мўлдир ширмой нон.

Ойда — ойдин фақат,  
Уйлар кўркам, чин.  
Йўқ, улар уйлармас,  
Кабутарга ин.  
Кабутар патидек  
Тун юшоқ, сокин.

Асло бу маъвода  
Ўсмагай алаф.  
Фақат саватларга  
Кўп эрур талаб.  
Сомондан тўқирлар  
Уни битталаб.

Ойда кўча йўқдир,  
Ўриндиқ қатор.  
Сув эмас — олтин қум  
Ҳар ёқда оқар.  
Юриш бирам енгил,  
Бирам хуш ёқар.

Ойда бордир менга  
Зангор балиқлар.  
Улар на шўнғийди,  
На суза билар.  
Кўл йўқ, улар шундан  
Кўкка интилар.

Жиндек сут олволинг  
Мушукчангизга.  
Шамсиянгиз қолиб,  
Қайтмангиз изга.  
Шомлар мен май сузиб  
Узатгум сизга.





\* \* \*

Кечқурун ҳовлида ювиндим: сув — муз,  
Ер заранг — музлаган каби, нақ қишда.  
Болта юзида шўр — бамисли юлдуз,  
Ях қотиб қолганди ёғоч идишда.

Дарвозада қулф осиглиқ турар,  
Теварак қаҳрли боқар чунонам -  
Ҳақиқатнинг бундоқ суврати сира  
Бирон бир асарда эмас мужассам.

Туз янглиф эрийди идишда нурлар,  
Яхлаган сув эса қораяр жуда.  
Ўлимнинг қўли нақ кўксингга кирар,  
Борлиқ қатъий ҳукм каби осуда.



\* \* \*

Изғиринли баҳор. Оч Кўҳна Қрим,  
Кеча қандоқ эрса — бугун ҳам шундоқ.  
Остонада итлар, жандада ямоқ,  
Рангпар, совуқ тутун кўкка ўрлар жим.

Паришон кенгликлар — бўм-бўш издиҳом,  
Яйдоқ дарахтларда — кечиккан куртак.  
Турибди ғарибдек — эзилар юрак,  
Гулларга ўранган енгилтак бодом.

Табиат ўзини танимас алҳол,  
Кубан, Украина дарди билмас чек.  
Худди чориқ кийган чоракорлардек —  
Ўлкалар кўзида ғусса ва малол.



\* \* \*

Ниҳоят қадрдон шаҳримга қайтдим,  
Болалик кўчамга саломлар айтдим.

Қани, ҳей келдингми, — ҳовучла тезроқ,  
Дарё мавжларига нур тўкар чироқ.

Декабр чодирин кўкка ёйган чоғ,  
Ой — қора қатронда қалққан сариқ доғ.

Петербурги, ҳеч ўлгим келмайди маним,  
Сенда рақамлари телефонларим.

Петербурги, манзиллар борки бағрингда, —  
Марҳумлар овози янграйди ундан.

Яшайман тор зина рўпарасида,  
Қандайдир қутқу бор қадам сасида.

Тун бўйи ухламай — энтикиб ҳар он,  
Эшикни занжирлаб кутаман меҳмон.



\* \* \*

Яшаймиз Ватанни гоҳ сезиб-сезмай,  
Бироқ руҳи ҳаргиз устувор кезгай.

Кремлдаги тунд тоғлиқни ногоҳ  
Эслаб, қудрат нима – бўлурмиз огоҳ.

Унинг бармоқлари мисли семиз қурт,  
Унинг ҳар сўзидан титрар буюк юрт.

Суваракникидек кўзлари нурли,  
Чўтир чеҳрасида шаҳт бор ҳузурли.

Теграси сертаъзим даҳочаларидир,  
Қаҳр-ла маҳв этар уларни бир-бир.

Арконлар сўз демоқ пайида гарчанд,  
Фақат унинг гапи ҳукмрон, баланд.

Нағал улашгандек тарқатар фармон,  
Кимгадир қалқон бу, кимга – лахта қон.

Кимдир – ер остига, кимдир – юқори,  
Шундан сурур туяр тоғлиқ виқори.



\* \* \*

Бунда меҳнат оғир, бунда меҳнат зил,  
Бунда тер тўкарлар мудом қулга хос.  
Шимириб гупурган қонлардан қизил,  
Яшнар атиргуллар қиш олди қийғос...





\* \* \*

Айтинг, қандай кўча эрур бу?  
Мандельштам номидадир у.  
Мандельштам? У қандайин зот?  
Шу номда ҳам маъно бор наҳот?  
Ҳикмат бордир наҳотки эзгу?

Йўқ-йўқ, унда асло ҳикмат йўқ,  
Бошқаларга эзгу ибрат йўқ.  
Аммо-лекин бу мазкур кўча,  
Кўча эмас – жарлик, чоҳ, чиндан  
Мандельштам номида эрур,  
Ушбу ном-ла аталар шундан.



\* \* \*

Тангрим, ўзинг қўлла – яшай шу тунни,  
Ҳаётимни бевақт айлама нобуд...  
Петербурґ – мең учун бамисли тобут.



## ТАБАССУМ ТУҒИЛИШИ

Беғубор жилмайиб кулганда гўдак,  
Оламни ўзига маҳлиё этар.  
Ва бу табассумнинг сарҳади, бешак  
Баҳри уммонларнинг қошига етар.

Жилмайиб тураркан — у якто голиб,  
Туйғулар товланар чеҳрасида шан;  
Дудоғин бурчидан чизиқлар ажиб  
Нур каби таралиб кетар дафъатан.

Бўғзида гувлар мавж ҳайбатли, дуркун —  
Нақ қад тиклаётган қитъанинг ўзи;  
Афсонавий алпдай кўринар бир зум,  
Олқиш ва ҳайратдан жавдираб кўзи.



\* \* \*

Тифлис тушларимга киради бот-бот,  
Созлардан шом узра янграр ғам-садо.  
Домонгир оломон кўксида яғмо,  
Шарпасин солади мубҳам гирдибод,  
Пастда ўжар Кура кўтарар ғавфо.

Тик қирғоқ устида майхоналар бор,  
Унда шароб бисёр ҳам ширин таом.  
Майхоначи мудом мамнун-миннатдор,  
Меҳмонларга қуллуқ қилганча юз бор,  
Қўймай узатади шароб тўла жом.

Кахетининг қуюқ майи нобини  
Сипқориб ичмоқлик айни замони.  
Унутиб дил ғамин, изтиробини,  
Тўйгин мириққанча, роса тобини  
Келтириб кайфнию нашъу намони.

Гавжум чойхонанинг хилват бурчидан  
Ўзингга топгайсан ғуссадош майхўр.  
Жўмардлар ҳақида гар офиз очсанг,  
Келар кўз олдингга не-не қадим жанг,  
Сеҳр чулғаб олар вужудингни зўр.

Одам-ку, бўлади қаридан-қари,  
Бироқ кўзи бўлар доимо барра.  
Оқшом қуюқлашиб боргани сари,  
Қуйилгай қадаҳга ойнинг нурлари,  
Вақтнинг ўтганин ҳам сезмайсан зарра.

\* \* \*

Ўзгалар-ла тенгма-тенг  
Ярай дейман корингга.  
Қизганиб боққим келар  
Менинг ҳам - рухсорингга.  
Термулмоққа жимгина  
Тополмам лек ўзда куч.  
Сенсиз мен учун яна  
Мудроқ ҳаво бўм-бўш, пуч.

Яна бир лаҳзадан сўнг  
Айтолгум сенга ҳатто:  
Қувончиму қайғум чўнг —  
Кўрмам мен сенда асло.  
Лекин жим жиноятга  
Етаклаган мисоли,  
Тинч қўймай ниҳоятда  
Чорлар мени висолинг.

Гарчи рашк қилмай қўйдим,  
Қўнглим тўла фарёдга.  
Ўзимни сенга элтгум  
Элтган каби жаллодга.  
Демам энди жаҳонда —  
Сени бахтим, жоним деб:  
Фалати, ўзга қонга —  
Ўзгартдилар қонимни.

Қайта қол қошимга тез,  
Ёз дилимдан ғурбатни:  
Мен сени бундоқ ҳаргиз —  
Кўрмаганман қудратли.

Энди нени истасам,  
Куринар бари аён.  
Рашк қилмам сени ҳеч ҳам,  
Чорлайман лекин ҳар он.




## САЙЁҲ

Юпунман, гарчи хоксор,  
Дилимда онтим такрор.

Тўнимни ўйнар шамол —  
Қайт, агар туйсанг малол...

Чекинар ҳасрат-оҳлар —  
Сафар қилса сайёҳлар.

Изғиринлар, аёз, қор  
Сайёҳларга қилмас қор.



\* \* \*

О, капалак, шўрлик бокира,  
Тўзган қафан ичрадир бугун, —  
Оний умри ажиб хотира,  
Арзир дoston айламак учун!

Митти бошин яктаги аро  
Яширганча ётар мискинҳол.  
Сен зарларга ўрангин аъло,  
Қанотларинг йиғиштириб ол.






\* \* \*

Энтиктириб, о, бирам  
Кириб келди кумуш қиш.  
Гарчи у кечикса ҳам,  
Йўлладим дилдан олқиш.

Қалдироқлар бошида  
Сокинлик бўлар ҳар чоғ, —  
Чексиз оқлик қошида  
Лол турибди ҳатто зоғ.

Сўниб борлиқ туғёни,  
Мавжудот музлар бу он, —  
Алла айтиб дарёни  
Ухлатар кўм-кўк осмон.




\* \* \*

Оққа беланмишдир гарчи ҳамма ёқ,  
Қишнинг тонги ҳали ёришмаган чоқ,  
Қировли деразанг кўринар шундоқ.

Қирмизи духоба ёғду тарар ол,  
Ойнадан ичкари тикилар алҳол  
Момиқ ғилофдаги дов-дарахтлар лол.

Уларга қаҳратон писандмас сира,  
Зеро тадоригин кўриб бир сидра  
Иҳоталанган шох-шаббалар ила.

Оқара бошлайди ним ёруғ пучмоқ,  
Деразанг раҳига уришиб шу чоқ  
Шойидек товланар энг сўнгги япроқ.



\* \* \*

Илондек яшриниб вужудим аро,  
Печакдек чирмалиб — тинмайин асло  
Юксалиб бораман мен ўзим узра.

Ўзимни истайман, ўзимга учгум,  
Қанотимни кериб уфқни қучгум,  
Ястанган уммондан чўчимай сира.

Бургутдек — чарх уриб асло толмаган,  
Лек қайтиб уясин топа олмаган —  
Сўнг қулаган тубсиз жарликлар ичра, —

Кўрқмайин чақмоқлар алангасидан,  
Тўйиб қалдироқлар ўткир сасидан,  
Қоришгум тунд, совуқ булутлар ила.



\* \* \*

Тин олиб озурда жон,  
Нигоҳлар боқди бесўз.  
Уйғонди биллур гулдон,  
Биллури қилди кўз-кўз.

Ҳаловат тегрангда тахт,  
Чекинган қайгадир ғам.  
Бу жажжи шоҳона бахт,  
О, тансиқ сенга бирам!

Шаробдан тотиб пича,  
Энтикар кўнглинг тўлиб, -  
Ушатар ширин кулча,  
Нозли ёр нозик кўли...



\* \* \*

Тийра хаёлимда сен кўрсатдинг юз,  
Майин ёноқларинг товланиб қирмиз.  
Ёрқин нурлари-ла бокира ҳаво,  
Мен эса ёлғизман — дилгир, бенаво.

Борлиқ авзойида ўзга оройиш,  
Дуркун неъматларин қилар намойиш.  
Олисда чўққилар виқорли, кўркам,  
Мезонлар киприкка илашар бу дам.

Нега тинган баравж ҳаётнинг рақси,  
Нега ҳар нарсада чеҳрангнинг акси?  
Товланар кўксимда қирмиз уфқ мисол,  
Ёрқин кунларимнинг жароҳати ол.



\* \* \*

Турин ёйиб беозор,  
Тун қуяр уфққа бош.  
Туман ичра бугазор  
Термилар кўзида ёш.

Борлиқ бир сеҳр ичра –  
Мудраб қолар, ҳойнаҳой;  
Дилдирар фалак узра  
Илинганча янги ой.

Осмон эса баайни  
Зиндонга айланар, бас,  
Тузоққа тушган ойни  
Энди қўйиб юбормас.



\* \* \*

Ямлар тутунларни аёзли ҳаво,  
Мен эса ҳасратнинг комида танҳо...  
Юксак кенгликларни дил тусар бирам,  
Бу осий маъводан бутунлай кетсам...

Лекин имкони йўқ бунинг сира, ҳеч,  
Итлар сас беради, кун ҳам бўлар кеч,  
Қандайдир йўловчи дуч келар менга...  
Бир сўз дема! Айтар гапим йўқ сенга!



\* \* \*

Қайда занжирланган фарёдли сукут,  
Қайда Прометей – нажот қояси?!  
Қайда қонга ташна жезтирноқ бургут,  
Самовий кулфатнинг қора сояси?

Энди йўқдир улар, қайтмас фожеа,  
Бироқ ушбу лаблар – титроқ, гезарган –  
Олиб кира олур қалбин тубига  
Эсхил-юкчи, Софокл-ўрмонкесарнинг.

У салом, у алам, йўқ – омоч тиши,  
Рухда қадим саҳна юксалади жим.  
Ҳамма билмоқ истар, ҳар дил хоҳиши –  
Мазлум ким, маҳкум ким, безаволдир ким.





\* \* \*

Мижжаларим қотган. Кўксим тўла ёш,  
Қўрқувсиз боқаман — зулматдир эртам.  
Гарчи умидсизман, гарчи эгик бош,  
Бари бир яшагим келяпти бирам.

Тонгги товушлардан уйқуси қочиб,  
Кўзларин ишқалаб, бурчини илғар, —  
Дағал хиргойисин бошларкан соқчи,  
Қамоқхона узра тонг отар дилбар.



\* \* \*

Айриб руҳимни юсак парвоздан,  
Ҳеч раво кўрмайин менга денгизни,  
Эриша олдингиз нимага? Бир дам —  
Лабларим шивирин енголдингизми!?



\* \* \*

Ҳали сен тириксан, эмассан ёлғиз,  
Ҳали ёнгинангда ғамкаш дўстинг бор.  
Кенгликлар қўзингни яйратар ҳаргиз,  
Ҳатто тасаллидир зулмат, аёз, қор.

Кабир қашшоқликда, буюк хорликда  
Яша осойишта, дилга бер таскин.  
Бу дамлар чиндан-да ғанимат, зеро  
Муте умрда ҳам ҳузур бордир, чин.

Бахтсиз ул — қўлига кишанлар кийиб,  
Шамол ва итлардан зада бўлган зот.  
Шўрлик ул - яшашга сўнг бор интилиб,  
Манфур соқчилардан тиланган нажот.



\* \* \*

Нурлар издиҳоми жазб этар такрор,  
Маст айлар руҳимни ажиб ифори.  
Халққа ҳаво керак тоза ва зангор,  
Нон ҳам керак, яна Эльбрус қори.

Сўраб кўрмоқликка кимса йўқ, зотан  
Қаердан излайман якто сирдошни.  
Топурсиз на Қрим, на Урал ёқдан  
Бунақанги шаффоф йиғлоқи тошни.

Халққа ашъор керак сирли ва эзгу,  
Ҳар тонг ажиб руҳ-ла уйқудан турсин.  
Ундан туйиб ҳаргиз ифор ва ёғду,  
Оҳанглари аро чўмилиб юрсин.





*Марина  
Цветаева*

(1892 – 1941)





*Марина Ивановна ЦВЕТАЕВА Москва шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси адабиётишунос олим Иван Владимирович Цветаев Москва университетида дарс берарди. Онаси истеъдодли мусиқачи бўлиб, Рубинштейн қўлида таҳсил олган. Ёш Марина болалигидаёқ немис ва француз тилларини билган, 6 ёшидан шеърлар ёза бошлаган.*

*Унинг ilk шеърий тўплами — "Оқшош альбоми" 1910 йилда чоп этилади. Ёш шоира унга кирган шеърлари билан В. Брюсов, М. Волошин, Н. Гумилёвлар назарига тушади. Кейин унинг "Сеҳрли чироқ", "Икки китобдан шеърлар" тўпламлари дунё юзини кўради.*

*М. Цветаева 1912 йили оқгвардиячи офицер С. Эфронга турмушга чиқади.*

*Шоира Октябрь инқилобини қабул қилмайди. Эри эса хорижга кетиб, муҳожир аксилинқилобчиларга қўйишади. Бу даврда М. Цветаева оғир қашшоқликда кун кечиради. Бошига тушган бемисл азоб-уқубатлар туфайли норасида қизидан жудо бўлади. Шоира қалбидаги кучли муҳаббат эри ортидан боришга ундайди ва у Ватанни тарк этади.*

*Шоиранинг oilаси 17 йил давомида муҳожирликда яшайди. 1939 йилда Ватанга қайтишга муваффақ бўлади. Бироқ катта умидлар-ла юртга қайтган эри oлий жазога ҳукм қилинади. Қизи қамоққа олинади. Яқинларидан айрилган шоира вояга етмаган ёлғиз ўғли Георгий билан қолади.*

*Уруш бошланган пайтда у ўғли билан Кама дарёси бўйидаги Елабуга шаҳрига эвакуация қилинади. Тирикчилик учун иш топиш у ерда шоирага ниҳоятда қийин кечади.*

*Унинг 1941 йил 26 августда, мени буфетга идиш ювувчи қилиб ишга олишингизни сўрайман, деган аризаси архивда сақланиб қолган. Турмуш машаққатларидан беҳад чарчаган шоира 31 августда ўз жонига қасд қилади.*

*Шоира ижодий меросини кўплаб лирик шеърлар, ўн етти достон, саккиз шеърий драма, эсдаликлар, тарихий-адабий асарлар ҳамда фалсафий-танқидий мақолалар ташиқил этади.*

## ҚИШДА

Кўнғироқ саслари кўнгилга кўчар —  
Янграб нолакор...  
Орамизда бордир бир неча кўча,  
Бир неча сўз бор.

Шаҳар мудрай бошлар оромни истаб,  
Ой чиқар янги.  
Қорлар юлдуздайин безар оҳишта  
Сенинг ёқангни.

Ҳали сўнмадими дилда ҳасрат-оҳ?  
Тоқай бу ғам-зор?  
Янги туйғулар-ла чақнаган нигоҳ  
Ёндирар такрор.

Қоғозга ошна қалб ардоқлар жондек  
Бу кўзлар чўғин.  
Қиров оқартирар худди камондек  
Киприклар ўқин...

Деворлар ортида кўнғироқ ўчар,  
Янграб нолакор.  
Орамизда бордир бир неча кўча,  
Бир неча сўз бор!

Янги ой нурлари чулғанар бу чоқ  
Шеърга, оҳангга.  
Кўнади оқ қорлар майин ва юмшоқ  
Сенинг ёқангга.

## ЎН БЕШ ЁШ

"Ўн беш" — юрагимда жаранглар ҳар кез,  
Кўнглимда бошқа ўй тортмишдир хира.  
О, нечун улғайиб қолдим бунча тез?  
Нажот йўқ сира!

Кеча қайинзорлар оралаб-кезиб,  
Туярдим ўзимни шўх-шаддод, эрка.  
Кеча югурардим сочларим тўзгиб,  
Кечагина, ҳа!

Менга шивирларди кўклам қир-ўтлоқ:  
"Югургин, йиқилсанг ема асло ғам!"  
Мумкин эди менга шодон қийқирмоқ,  
Ҳар қандай қадам!

Олдимда нелар бор? Қилолгумми даф?  
Теграм — ёлғон, чеклов — ичу ташимда!  
Мен шўх болаликни кузатдим йиғлаб  
Ўн беш ёшимда.





Бошларин эгмишдир гуллар нафармон,  
Фаввора севинчин бидирлар сувлар,  
Қўм-қўк хиёбонда болалар ғужғон...  
О, қани меники бўлсайди улар!

Нигоҳлар тафтида яйрашар эркин,  
Ҳар бири валломат — нақ тожга эга.  
Масъум болакайга боқаркан, менинг  
Қичқиргим келади: "Шу олам сенга!.."

Қизчалар либоси рангин, фусункор,  
Бунда — аразчилар, хуш-хандон — бунда...  
Оналар дил сўзин шивирлар ошкор:  
"Менинг боламдайи йўқдир очунда..."

Ҳа, фахр аёлга қилични тутмоқ  
Ватан эрки дея — таҳликали дам.  
Бироқ улар учун бешикни қучмоқ  
Энг асл бахт эрур — илло менга ҳам!



Ёдимдан кетмас нари  
Болалик дамлар мутлоқ!  
Қайдасиз, зангор ўтлоқ —  
Оканинг қирғоқлари?

Жўка гуллаган чоғлар —  
Бу олам ўзга тамом,  
Манқалда пишар таом,  
Маст бўлар эски боғлар.

Булутлар сузар кўкда,  
Ястаниб уфққа то.  
Сокин ва мовий дарё —  
Жимирлаб оқар Ока.

Тинглаб мен дил унларин,  
Қўмсайман илк масканим —  
Қадрдон Тарусанинг  
Қайноқ ёзги кунларин.



## ПАРИЖДА

Уйлар бунда юксак, осмон эса паст,  
Ер ҳарир ҳоври-ла унга яқинроқ.  
Гарчи бунда ҳайрат чегара билмас,  
Юракни бир соғинч чулғайди бироқ.

Ғужгондир оқшомги боғчалар сўлим,  
Сўниб борар уфқда шуълалар алвон.  
Ошиқлар ушлашиб бир-бирин қўлин,  
Шинам йўлкаларда сайр этар шодон.

Мен эса бир ўзим. Дилни мунг эзар,  
Ғуссадир руҳимни саросар қилган.  
Кўксимда йиғлайди ғамбода шеърлар,  
Москва севгиси билан йўғрилган.

Париж менга ётдир, менга сингмас ҳеч,  
Юракка ўзимнинг дардларим аъло!  
Кутар уйда маъюс чучмома ҳар кеч,  
Ҳар кеч қаршилайди мулойим сиймо.

Деворда нигоҳин қадар мен сари —  
Хайрихоҳ дўст каби бир сурат мағрур.  
Севган китобларим қаҳрамонлари  
Келар тушларимда қошимга бир қур!

Қанча зўр бўлмасин Париж шукуҳи,  
Кўнглим шавқи менинг — қирлар, булут — оқ...  
Сурон сўна бошлар, жисмим чулғар руҳ,  
Ғусса дилга ботар яна теранроқ.





## ХАТОЛИК

Дафъатан кўнглингни сарафроз этар —  
Кўклардан кафтингга келиб кўнган қор.  
Бироқ у кўзёшдек эрир-да кетар,  
Унинг ҳарир рақсин кўрмайсан такрор.

Шаффоф балиқчага бўлиб мафтун, ром,  
Ушласак уни гар қўлимиз ила,  
Дам ўтмай бўлғуси у шўрлик бежон —  
Чунки инсон қўли омонсиз, билар.

Агар қанот қоққан капалакда биз  
Туймасак кўҳлигу ва илоҳий ранг, —  
Уни тутиб олган бармоқда, шаксиз,  
Қолар ранглар юқи ҳамда оддий чанг!

Майли, чаппор уриб рақс айласин қор,  
Шаффоф балиқчани отмагин қумга!  
Орзуни тутмоқлик мумкинмас зинҳор,  
Қўл билан ушласанг уни — урингай!

Мумкинми ўткинчи ишққа айтмоқлик:  
Телбаларча ён — деб, деб — ўзингдан кеч!  
Сенинг ишқинг эди ғўрлик, хатолик  
Бироқ ишқсиз яшаб бўлармикин ҳеч!

Менинг шеърларимга, қораланган илк —  
Ҳали шуҳратимдан ҳеч ким очмай фол, —  
Бамисли фаввора биллурларидек,  
Мушакдан сачраган учқунлар мисол,

Баланд черков ичра — ифор анқиган  
Тун пайт кириб олган шайтончалардек, —  
Менинг шеърларимга — саркаш руҳли, шан,  
Ҳали бирортаси ўқилмаган лек, —

Пештахталар узра ётган чанг аро  
(Назардан нарида, чеккада минбаъд!),  
Менинг шеърларимга, асл, бебаҳо —  
Шаробдек, бир куни етгайдир навбат.



\* \* \*

Феодесияда бир баҳорий кун  
Абадул-абадга сўниб бораркан,  
Ҳар ерда — соялар узундан-узун,  
Алвон ранг чулғайди шафақни тамом.

Соғинчга лиммо-лим юрагим маҳзун -  
Бораман бир ўзим мискин, афтода,  
Қўлларим осилмиш гўё ҳавода,  
Вужудим гўёки йўқликка маҳжун.

Ўтаман қадимий қалъани бўйлаб,  
Еллар юзларимдан олади бўса,  
Шойи кўйлагимнинг этаги бўлса  
Тиззам кўзларига тегинар ўйнаб.

Оддий ҳамда одми қўлда узугим,  
Сафоси йўқ руҳим мўрт ва шикаста —  
Уч-тўрт чучмомали жўн бир гулдаста  
Маъюс кўзларимга термилади жим.

Энтикиб йўлимда тўхтаيمان беҳол,  
Гарчи теваракда баҳорий фусун, —  
Шом чўкар — соялар узун ва узун,  
Сўзларим ғуссага йўғрилар алҳол.



\* \* \*

*П.Э.га*

Қабрингиз устида кеч куз хазони,  
Қиш яқин, шаксиз.  
Мени тингланг, марҳум, эшитинг, жоним,  
Сиз меникисиз.

Куласиз! — Кумуш ранг йўлнинг кифтида  
Ой турар юксак.  
Билсангиз, сиз менга кераксиз жуда  
Бамисли юрак.

Шифохона сари тагин тугун-ла  
Боргум мен шоша.  
Сиз эса кетгансиз ўзга бир юртга,  
Уммонлар оша.

Мен сизни суярдим — юрагимда ўт!  
Наҳот тақдир отди мени шу қўйга?!  
Ўлимга ишонмам! Йўлга қўзим тўрт,  
Қайтингиз уйга!

Майли, куз тўлдирсин дилга ғам-ангиз,  
Мотам битигида сўзлар унниқсин.  
Дунё учун гар сиз ўлган бўлсангиз,  
Мен ҳам ўлгум, чин.

Тириксиз — кўряпман ушбу дам ҳатто,  
Рухингизга мотам эмас-ку сарҳад, —  
Сизни унутмагум, сақларман ёдда  
Абадул-абад.

Биламан, бу янглиғ ваъдалар бари  
Пуч ва бефойда.  
Йўлламоқ кабидир соғинч хатларин  
Манзилсиз жойга.



\* \* \*

О, ишқимиз энди оловга  
Ўшамас ҳеч — музга айланди...  
Менинг кўнглим бошқа бировга  
Ажиб ришта билан бойланди.

Саройинг бор сенинг пурвиқор,  
Унда эса — яланг дашт, ўрмон;  
Сенда зобит, аскарлар бисёр,  
Унда эса — соҳилу сайҳон.

Денгиз бўйин биз этганда сайр,  
Сен менинг бор жаҳонимсан, дер.  
Тушагимиз бизнинг турфади,  
Бир кун — тошлоқ, бир кун — заранг ер.

Ҳа, севар у жондан яхшироқ,  
Унинг-ла мен ғам билмам асло.  
Бугун ойдир бизга шамчиноқ,  
Қандил бўлар эртага само.

У авваллар эди суворий —  
Кўркам келбат, аслзода зот,  
Бир кун менга кўзи тушди-ю,  
Кўшинни тарк этди шу заҳот.

\* \* \*

Яна бош кўтарар лўливаш ғулу!  
Етиб ёр қошига — йўлни бургайсан.  
Қўлни пешонага тираб беуйку,  
Тунлар карахт қотиб ўйлар сургайман:

Ҳеч ким теран кўз-ла боқмади асло  
Хатларда битилган дил сўзимизга.  
Бизлар хиёнаткор қалблармиз, зеро —  
Содиқдирмиз қаттиқ ўз-ўзимизга.



\* \* \*

Яйра, кўнглим — баҳорим!  
Сўнг кун келар, ҳойнаҳой —  
Бўлсин шунда мозорим  
Тўртта йўл туташган жой.

Теграм — дала безга,  
Увлаган бўрилар оч;  
Ҳоч бўл қабрим устига,  
Йўлда турган симёғоч!

Улоқиб юрмай манфур  
Манзилларда лузумсиз.  
Олисдан кўриниб тур,  
Баланд бўй хоч, исмсиз.

Озмас дўст бўлиб менга  
Илтифотим кўрганлар.  
Паноҳ бўлинг қабримга,  
Даштда ўсган бурганлар.

Кўрсатиб эҳтиромни,  
Шам ёқмангиз сукутда.  
— Истамам ўчмас номни  
Туғилганим — шу юртда!

\* \* \*

Эйфель нима бўлибди бизга —  
Узатсам гар қўлимни, етар.  
Ёнаркан қай юрак бу ҳисда,  
Аввал ичдан шуни ҳис этар:

Сизнинг Париж бамисоли шам,  
Шундоқ эрур бизда тушунча.  
"Россия, о, менинг Россиям,  
Ярқирайсан нурланиб бунча?"



\* \* \*

Домангир бўлиб бахтга,  
Тутмадим этагидан.  
Мен келганман пойтахтга  
Бир тупканинг тагидан!

Қизиқтирмас зийнат-зеб,  
Менга тунлар кезмоқ соз!  
Бировга тафт берай деб,  
Ўз кулбамдан кечгум воз!

Ёрингман гар – ёқтирсанг,  
Остонамдан ўтсанг, бас.  
Кифоя биз-чун, билсанг,  
Қонда жўш урган ҳавас.


Ойни ҳам жазб этгаймиз,  
Қўндиргаймиз кафт узра.  
Кетсак – қалбда қолмас из,  
Кўришмасак – дил музлар.

Тиғ заҳрига қарайман,  
Этмасми мени хароб, –  
Дуч келгандан сўрайман,  
"Йўқ" деб у айлар жавоб.

\* \* \*

Менинг руҳим асло сенга келмас хуш,  
Дашномлар берасан ҳар қачон, қоим.  
Сен – тошсан, мен эса – сайроқи бир қуш,  
Сен – ҳайкал, мен эса учгайман доим.

Биламан, ҳа, баравж баҳор ифори  
Мангулик олдида оний ва ҳечдир.  
Қушман мен – шу эрур хислатим бори,  
Сендек бўлолмасам, афв эт, кечир.





Қулбанг қарши олар сени кеч кириб,  
Қадрдон уйингга етмас ҳеч бири!

Сўнади дарчада олтинланган нур,  
Вужудинг ниҳоят туяди ҳузур...

Кун тугаб, эшикка тушади тамба,  
Тўшакда ёлғизсан, кўзларинг намда!

Токи уриб турар экан шу юрак,  
Яна тонгда барвақт турмоғинг керак...

Отсин ҳар не кўйга, майли, шум тақдир,  
Қўлингга гўдаклар термилар, ахир.

Фақир кунларингда бахт шу-да бутун —  
Чиқиб турибди-ку мўрингдан тутун...



\* \* \*

Аён бир ҳақиқат! Бошқаси — ёлғон!  
Шартми уруш, шартми қирғинбаротлар!  
Нима билан бандсиз айна ушбу он,  
Шоирлар, ошиқлар, саркарда зотлар?

Илиқ еллар эсди қишнинг қасдида,  
Инмоқда заминга илоҳий саслар.  
Ҳа, биз ҳам ухлаймиз ернинг остида —  
Бир-бирига уйқу бермаган каслар.



\* \* \*

Гарчи дилда ғусса-мунг,  
Севгим билмас ниҳоя!  
Орамизга бизларнинг  
Ташламиш ҳижрон соя!

Афсуски, сен йироқда,  
Печда ўт ёнар ял-ял!  
Ўлтирибман фироқда,  
Сени қўмсаб ҳар маҳал!

Остонага дамба-дам  
Термиламан бемадор.  
Ташга боққум ойнадан —  
Гуллаб ётар боғ бекор.

Кабутарлар "ғув-ғув"лар,  
Билмай нима қиларин!  
Шамоллар тинмай йўллар  
Саломларин мен сари!

Эмас бари беҳуда,  
Сезганмисан сен ўзинг, —  
Соғинган улар жуда  
"Марина" деган сўзинг!

\* \* \*

Икки қўлим икки дилбандим  
Бошин силаб яйрарди ҳар он.  
Туҳфа эди менга чиндан ҳам  
Икки митти – икки масъум жон.

Иккисин ҳам ўнгу сўлидан  
Ўтиб мудом – кун-тун толмадим.  
Бирин юлиб ажал қўлидан,  
Бирини, оҳ, асрай олмадим!

Икки қўлим – юрагим меҳри  
Икки бошга эдилар паноҳ.  
Бироқ, нетай, қўлларим бири  
Бўм-бўш қолди бир кечада, оҳ!

Кулганда у яшнарди ял-ял,  
Нур ўйнарди бўйи-бастида.  
Англолмайман ҳали ҳам тугал –  
Нечун ётар у ер остида.



\* \* \*

Кўз ёшим томган жойдан  
Лолалар унгай бир қур.  
Бу кун кашта тўқисам,  
Эртага тўқийман тўр.  
Денгизим менинг — осмон,  
Денгизим менинг — ердир.  
Тўр тўқиш эмас осон,  
Тўрларим менинг шеърдир!



\* \* \*

*Б. Пастернакка*

Масофа – бу рамз, бу маъно...  
Иккимизни этдилар айро –  
Кенг заминнинг икки бурчига,  
Ўлтиришсин жимгина дея.

Масофа – бу йўлдир адоқсиз...  
Ажратдилар, пайванд эдик биз.  
Кутку, раҳна солдилар бетин,  
Биз, аксинча, бўлдик қурч, метин.

Бизмас, улар даврон сурдилар,  
Ковлаштириб, ёвлаштирдилар.  
Ҳеч қилмай ор,  
                    айладилар хор,  
Улар учун эдик фитнакор.

Бўлак-бўлак жойга отдилар,  
Эҳ, сотдилар, сўнг йўқотдилар.  
Аёзларда титрадик дир-дир,  
Тўдалашди етимдек бир-бир.

Алдовлар-ла бизни "сийлашди",  
Қарталардек кейин чийлашди!

## ДЕНГИЗЧИ

Аллалагин, юлдузли само!  
Тўлқинлардан тўйиб кетдим, о!

Қайда қирғоқ – етарми дошим, –  
Толиқтирди жунбушлар бошим:

Олқиш, гуллар, макр – бари жам  
Ўйинлардан қуриди силлам!

Кўнглим мангу оромни хушлар,  
Тинкамни қуритди урушлар!



\* \* \*

Томиримни кесдим, қарангиз,  
Ҳаёт оқар шариллаб ундан.  
Идишларни тезроқ тутинг, тез,  
Тўлиб-тошар барчаси зумда!

Саёз ликоб, саёз товоқ ҳам —  
Томчилардан баҳра олар ер.  
Тўлиб кетди юрагим бирам,  
Тўхтамасдан қуюлмоқда шеър!





\* \* \*

Биламан, ўлимим менинг тонг маҳал!  
Бироқ шом пайти ҳам қалбдан сўнгай нур.  
Олса, о, кошкийди жонимни ажал  
Шом ҳамда субҳидам онлари бир қур!

Қуёш йўлларимга тўшади зиё!  
Севдим мен гулларни! Само қизиман!  
Биламан, тонг пайти кўз юмгум! Зеро  
Тунда Тангри мени аяр бегумон!

Ўпилмаган хочни сураман аста,  
Тинглайман самодан илоҳий бир сас.  
Руҳим фаришталар чорларкан аршга,  
Шоир бўлиб қолгум то сўнгги нафас!



\* \* \*

Дарчам менинг юксакдир,  
Отма бекор қулочни!  
Чордоғимда тонгги нур  
Деворга чизди хочни.

Кўзимга ёш қуюлар,  
Энтиқдим шу аснода.  
Менга шундоқ туюлар:  
Кўмилганман самога!





*Александр  
Твардовский*

(1910 – 1971)





*Александр Трифонович ТВАРДОВСКИЙ Смоленск губерниясининг Загорье қишлоғида дунёга келади.*

*Шоир илк йирик асарлари "Социализмга йўл", "Муравия мамлақати" да коллективлаштиришни ва қишлоқ истиқболи ҳақидаги ёруғ ҳаёлларини ифода этади. Бироқ кейинчалик коллективлаштиришга бўлган муносабатини кескин ўзгартиради.*

*А.Твардовский 1941-1945 йилларда "Василий Тёркин" достонини яратади. Бу асар тилининг соддалиги ва воқеалар ривожининг таранглиги, ҳаёт ҳақиқатларини ҳаққоний тасвирлаши билан эл оғзига тушади ва катта шухрат қозонади.*

*Шоирнинг 1946 йил "Йўл ёқасидаги уй" асари эълон қилинади. Бу асарда Улуғ Ватан урушининг илк фожеали ойлари қаламга олинади.*

*Шоирнинг "Йироқ - йироқларда" достонида шахсга сиғиниш даври акс эттирилади, қатағон сиёсати қораланади, айни чоғда санъаткорнинг давр олдидаги масъулияти, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади.*

*А.Твардовский узоқ йиллар давомида "Новый мир" журнаliga муҳаррирлик қилади. Унинг бу фаолияти давомида социалистик тузумга нисбатан жасоратли фикрлар айтилган асарлар дунё юзини кўради.*

*Н.Хрущев давридаги "илиқлик" у лавозимдан кетганидан кейин жамиятда барҳам топади ва "Новый мир" га қарши турли кўринишдаги хуружлар ташкил қилинади. Пировард-натижда А.Твардовский Бош муҳаррир лавозимидан воз кечишга мажбур бўлади. Журнал жамоаси ҳам у билан бирга таҳририятни тарк этади.*

*А.Твардовский бу жараёнлар оқибатида хасталаниб, кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмади.*

## АЁВСИЗ ХОТИРА

Саратон тафтини пуркайди ҳаво,  
Нафасни қайтарар димиққан ўрмон.  
Анқир қовжираган ўтлоқлар аро  
Турфа хил ангизлар иси — қадрдон.

Пастликда мудраган сой оқар вазмин,  
Бутазорлар узра сукут кўлкаси:  
Эшитилиб қолар каккунинг ҳазин,  
Баҳорни дараклаб куйлаган саси.

Жавзо оташига йўғрилган дамлар —  
Менинг болаликдан севган фаслим бу.  
Чиққанга ўхшайман худди илк саҳар  
Яйловга молларни ҳайдаб беуйқу.

Бари хотирамда тўкис намоён:  
Баҳмал адирларда шудринг кечганим;  
Чўпон болаларга фароғатли он —  
Субҳидам, чошгоҳлар ёдимда маним.

Офтоб ҳам ёдимда — елкадан обдан  
Қиздириб, уйқуга элтарди бирам.  
Ёдимда, молларни сой томон қувган  
Хира сўналарнинг гўнғиллаши ҳам.

Олис болаликнинг суюк эрмаги —  
Харсангга чўккалаб бирон овлоқда  
Калтак йўнар эдик, ўша дамдаги  
Сурх новда ислари ҳануз димоғда.

Гарчи болалигим ушбу кун йироқ,  
Кўринар у тонгги шабнам ичра жо.

Бу шан хотиралар васлидан бироқ  
Баҳра ололмайдди юрагим асло.

Бўлак бир хотирот ўзига тобе —  
Қилиб олган менинг ҳиссим дафъатан.  
Тағин ҳандақларнинг махсус ниқоби —  
Ўт-ўлан сингари ис тарар ёвшан.

Олис болалиқдан туйганимдек, ҳа,  
Дилим орзиқтирар унинг дориши.  
Лекин ўпқонларнинг оташ дудига  
Бу ис кейинчалик кетди қоришиб.

Қоришди сафарлар тўзони, кули,  
Аскар елкасининг қат-қат шўри боз.  
Айни қирқ биринчи йилнинг июли —  
Уруш даҳшатидан ҳансираган ёз!

Жанглар гирлибоди зўрайиб кунда  
Ложувард осмонни этганда қора,  
Болалик, ёшлиқдан айрилдим шунда  
Мен ўз ҳаётимда иккинчи бора.

Кечмоқда меҳнат-ла андармон умрим,  
Ҳаёт лазиз менга, яшаб толмайман.  
Илгариги теран завқ билан лекин  
Дала-адирларга боқа олмайман.

Кўнглим алланечук гинаси бордай,  
Ошно сўқмоқларга талпинмас сира.  
Қаёққа қарамай, қаёққа бормай,  
Исканжага олар золим хотира.

Унинг азоблари, заққуми тўла  
Ғалаён бағримда билмас асло тин.  
Токи қайтмас кулфат бўлиб, бир йўла  
Йўқолмагунича дунёдан қирғин!

## ОНА ВА ЎФИЛ

Она кўзида  
Теран бир туйғу.  
Нима истасин  
Ўғли учун у?

Бахт тиласинми —  
Бахтиёр ҳар он.  
Ё соғлиқ сўрсин —  
У ёш, навқирон.

Йўқлаб турсинми  
Туғилган жойин, —  
У ҳарбий, ахир,  
Вақти зиқ доим.

Унутмасинми  
Онасин фақат, —  
Ахир, Қутбдан  
Туриб ёзди хат.

Шамоллама деб  
Қилсинми қайғу -  
Шундоқ ҳам иссиқ  
Кийинади у.

Ёки ёр танлаб  
Берсин ўғлига, —  
Ўзи топгайдир,  
Ғам чексин нега.

Она кўзида  
Теран бир сукут.

Ўглин феълида  
Ҳамма нарса бут.


Парвоз ҳақида  
Бекордир сўзи.  
Қандай учмоқни  
Билади ўзи.

Осонроқ ишни  
Кўрсинми раво, —  
Чайир ўглига  
Йўқдир муаммо.

Учган у, учар  
Ундан нарига.  
Қийин бўлса гар  
Чидар барига.

Аммоки ёвга  
Дуч келгани чоқ,  
Ўз жонини у  
Топширмас шундоқ.

Она-ку, ахир,  
Билмасми шуни...  
Боқар ўглига  
Чиқмайин уни.







\* \* \*

Мен қаҳрамон ўсган ҳовлида бўлдим,  
Ҳозир унда яшар кекса онахон.  
Ва яна йигитча — иккинчи ўғил,  
Ғамнок волидага қувват ва дармон.

Босилмаган унинг кўнглида фарёд,  
Кўз ёшини тўкиб олар пинҳона, —  
Фурат топилдими — ўқийди бот-бот  
Жимит қоғоздаги сўзларни она.

Ул "қора хат"даги ҳар битта имло  
Юрагин қатига вобаста бўлган.  
Ўлтирар борлиқни унутиб гўё,  
Мудом рўмолчасин туширмай қўлдан.

Шу қўллар силаган мурғак ўғилни,  
Бошқа ҳеч кимсага ишонмай тақир.  
Кулфатли сафарга кузатар куни  
Тўймайин қучган ҳам шу қўллар, ахир.

Бир кун доврўф ёйди ўғлин таърифи,  
Солди жасорати қалбларга титроқ.  
Қишлоғида унинг исм-шарифи  
Таниқли эмасди кўпларга бироқ.

Чунки ёш эди-да, ишонган ким ҳам  
Унинг шундоқ шуҳрат қозонишига.  
Лекин онаси-чи? Онаси дилдан  
Бунга ишонарди, ишонарди, ҳа.

Оловнинг бағридан қўрқмасди чандон,  
Юксак эди, ахир, унда номус-ор...  
Бурчақда турарди у чалган гармон,  
Севган китоблари – жавонда қатор.

Кенжасига боқар волида пурғам:  
Кўлидан не келар, ожиздир буткул.  
Тиришар ўйинда, ўқишда у ҳам  
Жасур акасига ўхшашга нукул.



## ИККИ САТР

Қайдномам бор эди дафтар қатида —  
Икки сатр — жангчи йигит ҳақида;  
Бевақт узилганди ёшгина жони,  
Финлар урушининг эди қурбони.

Бамисли чарчаган боладек ҳолсиз  
Ётарди муз узра жасади ёлғиз.  
Қорга қоришганди шинелин бари,

Қалпоғи учганди ўзидан нари.  
Йиқилмаган эди йигитча чоғи,  
Фақат босган эди қайғунинг тоғи,  
Юрагида ажиб армоннинг доғи...

Жанг пайти ёдимга тушар ушбу ҳол —  
Бовар қилолмайин мудом ақлим лол:  
Бешафқат қисматни ўзда қилиб жо —  
Яланғоч муз узра узанган танҳо.

У ёш жангчи эмас, эдим мен ўзим,  
Қировга кўмилиб қотганди кўзим.  
Гуё шу урушда ёш бола бўлиб,  
Ётар эдим жонсиз, паймонам тўлиб.

\* \* \*

Ялангоёқ болакай – юпун,  
Елкасида кичкина тўрва –  
Толиқиб, у тамадди учун  
Тўхтаганди каттакон йўлда.

Қотган нон ва бир жуфт картошка  
Тўлдирмайли наҳот қурсоқни, –  
Катталарга ўхшаб кафти-ла  
Авайларди ҳар бир ушоқни.

Машиналар учун бир эрмак –  
Кўтарарлар тўзон тепага.  
Тўхтаб ўтар йўловчи эркак:  
– Ўғлим, егим бўлсанг кераг-а?

Ранги-рўйи заъфарон, хира,  
Раҳминг кўзғар, эҳтимол, шундан.  
Ўтган-кетган эринмас сира  
Сўрамоқни бу ҳақда ундан.

Лекин у тик боқар, чизмас ер  
Ва синовчан қарар, кузатиб.  
– Хўш, етимча, – дейишинг-ла дер.  
– Тамакидан бўлса, узатинг.

\* \* \*

Худди туйган каби ғамни ичида,  
Уруш солмай ҳали юракка доғлар —  
Қирқ биринчи йилнинг бошланишида  
Мислсиз аёздан қақшади боғлар.

Замин узра кўклам айни мавж урган —  
Дамлар туйсанг ҳамки ажиб фараҳни,  
Кўрмоқ дардли эди қаққайиб турган,  
Қайта барг ёзмаган дову дарахтни.

Кенгликка кўз ташлаш оғриқли, малол,  
Гарчи тиниқ кўкда қуёш чарақлар,  
Қишнинг панжасида топганди завол  
Қоматлари дуркун, кўркам дарахтлар.

Кулфатли, ғамзада йиллар ҳам ўтди,  
Дов-дарахт куч топиб кўклади яна.  
Ҳар ёнда гул-чечак. Уруш ҳам битди.  
Фақат сенинг йиғинг тинмайди, она.



\* \* \*

Биздан йироқ, бизга ёт ёқлар —  
Жилға ўйган дала-қирларда  
Бош кўтара бошлар гиёҳлар,  
Баҳор ҳиди анқир ерларда.

Чопар сувлар қирғоқ талашиб,  
Қувончлари билмас сира чек  
Ва бўй тарар чечаклар ажиб,  
Худди бизнинг юртлардагидек.

Борлиқ сени айлайди сарҳуш,  
Алланечук фараҳ туяр дил.  
Гўё йўқдек дунёда уруш,  
Гўё йўқдек масофаю йил.

— Наҳот! — дейсан, юракда кинлар,  
Олисларга сингиб сен изсиз, —  
Қаридилар бизсиз хотинлар,  
Улғайдилар фарзандлар бизсиз?..



\* \* \*

Ушбу иқроримда бари мужассам:  
Гарчи сўзим мудом қалбим тубида,  
Марҳум ва тириклар ҳақда ҳаммадан  
Кўпроқ ҳақиқатни мен биламан, ҳа.

Лекин мен бу сўзни ҳеч кимга зинҳор  
Ишона олмайман. Ва уни ҳатто  
Улуғ Толстой ҳам айтмоғи душвор,  
Майли, санасин у ўзини худо.

Мен оддий одамман. Сўзимга ҳар чоқ  
Жавоб бермоқликка тайёрдирман, чин.  
Қалбим тубидаги гапларни бироқ  
Айтмоқни истайман эмин ва эркин.







*Николай  
Заболоцкий*

(1903 – 1958)





Николай Алексеевич ЗАБОЛОЦКИЙ Қозон шаҳрида таваллуд топди. Унинг болалиги Витебск губерниясининг Уржум шаҳри яқинидаги Сернур қишлоғида кечадди.

Бўлажак шоир 1920 йили Москвага келиб, Москва университетининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. Лекин у ерда яшашнинг оғирлиги сабаб Ленинградга боради ва Герцен номидаги Педагогика институтида таҳсил олишни давом эттиради.

У бу даврда Маяковский, Есенин ҳамда бошқа турли адабий оқимлар намояндалари иштирок этадиган давраларда фаол қатнашади, уларга эргашиб шеърлар ёза бошлайди.

Ёш истеъдод соҳиби ижодкор бўлишга қатъий аҳд қилади. У юрагидаги бу азму қарорини 1928 йили бўлажак турмуш ўртоғига ёзган хатида шундоқ изҳор этади: "Сиз ёзувчининг ҳаёт йўли қанчалик машаққатли эканини яхши биласиз. Мен ижод учун турмушимдаги фароғатдан юз бурдим, тугилган оиламдан узилдим. Энди умримни ижодсиз тасаввур қила олмайман..."

1929 йилда шоирнинг биринчи китоби - "Туркумлар" дунё юзини кўради. Ва у шоирга юксак обрў келтиради. Шоир қатор шеърини тўпламлар чоп этиш билан бирга таржима соҳасида ҳам катта ишларга қўл уради. Айниқса Ш.Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" асарининг таржимаси таҳсинга муносибдир.

Н.Заболоцкий 1938 йили шеърлари ва адабий-танқидий мақолалари учун қамоққа ҳукм қилинади. У бадий асарлари билан бир қаторда "бутун ижодига хос бўлган" эътиқодсизликда айбланади.

Шоир ҳаётининг сўнгги уч йилида ўзининг бир қатор фалсафий руҳдаги шеърларини яратди. Ва ҳаётининг охири кунларида умр сарҳисоби бўлган шеърини тўпламини нашрга тайёрлади.

Шоир 1958 йили 55 ёшида ҳаётдан кўз юмади.

## ҚИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Қишнинг замзамаси ортиб тобора,  
Бугун эшигимни қоқди уч бора.  
Чикдим далаларга. Чирсиллар ҳаво,  
Мусаффо кенгликлар бахш этди сафо.  
Хаёлан бир нафас уфқларни кучдим,  
Сўнг қирдан пастликка энтикиб тушдим.  
Қирғоқ тепасида туриб қолдим лол,  
Асов дарё оқар эди бемажол.

Аёзларга буркаб тириклик йўлин,  
Қиш узатган эди сувга ҳам қўлин.  
Ажалнинг домида сезиб ўзини,  
Дарё очолмасди ҳорғин кўзини.  
Ҳолсиз вужудини ҳар ён ташлади,  
Сўнг бирдан узаниб музлай бошлади.  
Гувраниб қирғоққа урди сўнг бор бош,  
Қорамтир мавжлари қотди мисли тош.

Кўрдим мен дарёнинг беришини жон —  
Бир кун, икки кунмас, айнан ушбу он.  
Азобдан инграниб тортганида оҳ,  
Унинг дардларидан бўлдим мен огоҳ.  
Энг қайғули дамда — қолганда ночор,  
Бўлмайин ёнингда на дўсту на ёр —  
Талашар сониянги талвасада жон  
Айнан шу лавҳада бўлди намоён.

Бўйнида кўрганда ажал сиртмоғин,  
Туйдим мен дарёда қалбнинг тўлгоғин.  
Бош устида ўлим қилганда таҳдид  
Инсон ҳам жон берар худди шу тақдид.

Кўпириб оқишлар энди бир рўё,  
Мункиган тулпордай ётар у гўё.  
Муз узра тошган сув қалқир қорайиб,  
Гўё зирҳли қирғоқ борар торайиб.

Турганча харсангтош ёрғучоғида,  
Фамгин термилардим ботгувчи кунга.  
Қоп-қора қузғунлар арча шохида  
Ўткир кўзларини тикканди менга.

Кетдим. Сўнг зулмат тун ёйди пардасин,  
Изғирин чарх урди тинмасдан сира.  
Қолдирмай кўксига тириклик сасин,  
Дарё ётар эди тош тобут ичра.



## ОТ ҲАҚИДА ҚИССА

Жонворлар ухлмас. Тун ичра бедор  
Турарлар тик қомат, мисли тошдевор.

Силлиқ шохлари-ла пичанни илиб,  
Бошқалардан ўзин айрича билиб,  
Сигир офилхона ичра тўкиб кўр,  
Бўйнини ёнига буради базўр.

Отнинг сахт-сумбати кўркамдир бирам.  
Кўзларида унинг ақл мужассам.  
Ҳушёр у! Илғайди барглар шивирин,  
Англар гўё туннинг жамики сирин.

Бироқ у кимга ҳам сўйлагай, ахир,  
Кун бўйи кўргани-билганларини?  
Тун эса терандир – самовий, соҳир  
Юлдузлар заминга тўкар зарини.  
От эса турибди – соқчидек хушқад,  
Ўйноқи шаббода завқи билмас чек;  
Иккита қароғи нурланар фақат,  
Ёллари нақ тилла шокилалардек.  
Агар кўргандайди инсон ушбу он  
Отнинг истарали мунис юзини,  
Юлиб берар эди унга бегумон –  
Тилини ва бешак бундан ўзини  
Туйган бўлар эди бахтиёр чандон.  
Ахир, от бўлмайин ортиқ жигархун,  
Сўйлаб юборарди дардини ёна –  
Ва нақшин олмадай дона ва дона

Сўзлар тўкиларди ё улар алҳол  
Сутдек тошарди ё томар мисли бол.  
Сўзларки, тунд хужра ичини ногоҳ  
Ёритган чироқдай киргай юракка.  
Сўзларки, қўшиққа мазмун бўлароқ  
Юксалтар ҳориган рўҳинг юксакка.

Бироқ ҳувиллайди отхона саҳар,  
Дов-дарахт жилади яқин-йироққа.  
Тоғларни тонг барвақт йўргаклаб олар,  
Уйғонар одамлар меҳнат қилмоққа.  
От ҳам аравани чиқади судраб,  
Ҳали у терларга ботгайдир жиққа.  
Ҳозирча нигоҳин ташлайди мудраб  
Сирларга тўла бу кўҳна борлиққа.



## ТОНГГИ ҚҶШИҚ

Ажойиб кун келди. Дарахтлар хушқад,  
Япроқлар тин олди. Шоҳу шаббанинг  
Томири кучланди. Ва замин узра  
Очди деразалар қанотларин ланг.  
Ва кимки минора устида бўлса,  
Қаради осмонга, осмон — зангори.

Дераза ёнида турардик биз ҳам,  
Суюклим баҳорий кўйлагин кийган.  
Унинг кўлидаги жажжи ўғилчам  
Ажиб қувончидан қийқирар тинмай,  
Бокира нигоҳин қадаган у ҳам  
Қуёш чарақлаган мовий осмонга.

Пастда дов-дарахтлар, жонворлар, қушлар —  
Йирик, кучли, юнгдор, чаққон ҳамда шўх,  
Давра қуриб, олиб бамисли созни —  
Найни, гижжакнию гўс ноғорани,  
Бошлаб юбораркан тонгнинг қўшигин,  
Бизни қаршиларлар. Сўнг куйлар борлиқ.  
Борлиқ жўр бўлган чоғ ушбу қўшиққа,  
Эчки ҳовлини гир айланиб қолар.  
Ва мен англадим бу ажиб тонг пайти —  
Одамзоднинг бахти ўлмас, боқийдир.

## ЭРТА КЎКЛАМ

Бўрон тиниб, офтоб юзини  
Тунд осмонда кўрсатди илк бор.  
Қиш ортиқча сизди ўзини,  
Кўчаларда хира тортди қор.

Қора булут лахтаklarидан  
Сизди тунда ойдан олтин нур.  
Енгил тортди қарағайлар ҳам  
Муз лошидан қутулиб бир қур.

Сумалакнинг тугаб куч-қурби,  
Тонг жилғани чулғади зарга.  
Ялтирайди кўлмаклар худди  
Ўхшаб кумуш тақсимчаларга.

Ҳали мудрар оппоқ далалар,  
Йўғрилмишлар қишнинг хобига.  
Улар ишлар ушбу паллалар,  
Келсин деб ер айна тобига.

Ҳали-замон борлиқни қутлаб,  
Оқ булутлар ёяр елканин.  
Ва осмонни тўлдириб қушлар,  
Билдирарлар баҳор келганин.







## САЪВАЖОН, ЖОЙ БЕРГИН МЕНГА ЁНИНГДАН

Саъважон, жой бергин менга ёнингдан,  
Бир бора ошуфта ҳолимга боққин.  
Қалбимни сен учун садқа этгайман,  
Чечакдек чақнаган кўзларинг ҳаққи.

Баҳор ўз кўшигин куйлайди баравж,  
Тераклар сувдадир тиззаси қадар.  
Барги капалакдек урсин дея мавж,  
Новдаларда куртак бўртар тонг-саҳар.

Ҳатто далалар ҳам чуввосдан гаранг,  
Ирмоқлар чулдираб тинмайди сира.  
Иложинг бормикин – чордоқда бўлсанг,  
Ўзни отмасликка қайинзор узра!

Ишқий наволаринг бошла, саъважон!  
Нурлар ўйнаганда кўкнинг тоқида,  
Биз-чун илк навобахш ўзингсан, ишон,  
Қайинзорнинг кўшиқ илмгоҳида.


Бошла нағмаларинг, эй жимит ошиқ!  
Кетсин юраклардан алам, ҳасрат, доғ.  
Куйларинг кўкларга чиққайдир тошиб,  
Сен ўрмон кўксида сайраганинг чоғ.

Мен ҳам куйламоққа ташнаман роса,  
Бироқ шивирлади митти капалак:  
"Кимки баҳорда гар ҳадлидан ошса,  
Ёзда куйлай олмай бўлгуси ҳалак".

О, баҳор яхшисан, бирам яхшисан!  
Настарин ифори борлиқда бутун.  
Қалбим, баландлатгин ошённинг сен ҳам,  
Сен ҳам чаманларни куйлагин мафтун.

Ёш новда устида руҳинг яйратиб,  
Жаҳонга ёя қол завқу суруринг.  
Қалбингни энг хушхон қушдек сайратиб,  
Юлдузлар нурига боғла шууринг.

Тонгларга юзинг бур – ташвишдан холи,  
Қара – бойчечак қор қучоқларида.  
Куйлаб эси оған саъва мисоли  
Адаш сен ҳам баҳор пучмоқларида.




\* \* \*

Кимдир у – ўрмонда берган акс садо?  
Эман қарағай-ла сирлашдимми ё,  
Ё елда тебранди қизил наъматак,  
Ё саъва куйлади – тин олиб андак,  
Ва ёки тоғчумчуқ – жонсарак бирам,  
Шом пайти ахтарди мени чекиб ғам?

Кимдир у – ўрмонда берган акс садо?  
Эҳтимол сендирсан, эй нозик адо –  
Яна баҳор келгач ёшликни эслаб –  
Мени фироғингда куйдирганинг заб,  
Оҳлар ургандирсан гўшангда танҳо,  
Нофармон йилларни дилга қилиб жо?

Кимдир у – ўрмонда берган акс садо?  
Тонгда ҳам, шомда ҳам, ёз, қишда ҳатто  
Менга эшитилар ажиб, сирли сас.  
Илк севги саси бу – энди ҳеч қайтмас...  
Мен ўша ишқ боис шеър битгум ҳамон  
Ва улар кафтимдан учар сен томон...



## МУНИС ЁР

Ўлтирар у жиддий ва сокин,  
Излагандек ҳаёт тотини.  
Ичиб олгин, дея дорисин  
Узатади унга хотини.

Ва меҳрли нигоҳин ташлар,  
Нигоҳларки – ёнган шам музда:  
Осилмишдир жингала сочлар  
Ажин тушган пешона узра!

Тинмай ёзар, ёзар у ҳамон,  
Қоғозлардан кўтармайди бош...  
Гарчи хотин ўзи яримжон,  
Тилар унга тўзим ва бардош.

"Тиқ" этган сас унга нақ оғу,  
Жим дашноми ўтар баридан.  
Ер ўйилса, тушиб кетса у  
Унинг ўткир нигоҳларидан.

Кимсан ўзи – даҳомисан ё,  
Ҳатто Гёте, ҳаттоки Данте  
Садоқати, меҳри дилга жо –  
Бундай мунис ёр кўрмаганди.

Қоралайсан неларни нукул?  
Нималар хун қилмоқда сени?  
Зулматларга чўмганча буткул,  
Сен куюниб ахтаргунг нени?

Эгуликнинг тушиб измига,  
Изладинг гар ҳаётдан тотни,  
Айт, сезмайсан табакай нега  
Ёнингдаги энг мунис зотни?



## ШАФҚАТ ҚИЛМА ҚАЛБИНГГА АСЛО

Шафқат қилма қалбингга асло –  
Лоқайдликдан юқтирмасин гард!  
Умринг давом этар экан то –  
У туну кун ёнмоқлиги шарт.

Холи қўйма уйингда уни,  
Жонига тег сафарда минг бор.  
Безовта қил, терга ҳар куни,  
Сен қалбингга раҳм этма зинҳор.

Турган бўлсин тўшакдан мутлақ  
Тонг юлдузи ёнган дам саҳар.  
Ор қилмасдан ётиб олар нақ  
Жиндаккина бўш келсанг агар!

Пўписангу танбеҳларинг кам,  
Унга ҳатто зуғумлар қилгин.  
Йўқса сўнгги қўйлагингни ҳам  
Ечиб олар устингдан, билгин.

Айла уни заҳматга маҳкум,  
То бўлмасин арзанда, эрка.  
Ўргансин у сен билан ҳар зум  
Яшамоқни елкама-елка.

У қулингдир, маликангдир у,  
У чўрингдир, у қизинг – маъсум.  
Таратмоғи шартдир у ёғду,  
Ёнмоғи шарт унинг туну кун!

\* \* \*

Туғилганман қорли ўлкада,  
Шундан менга қадрли кўпроқ —  
Пахмоқ бошли қоқиўтлар ва  
Барги шамшир янглиғ отқулоқ.

Жўн гиёҳлар мен-чун кўп дилдор,  
Титрар юрак ҳайрат комида,  
Кўринсалар ер узра илк бор  
Майин, илиқ баҳор тонгида.

Шўх ирмоқлар чопқиллаб жўшқин,  
Мойчечаклар қулф урган қирда —  
Ётгим келар хаёл суриб жим,  
Ўқиганча самодан сирлар.

Ҳаёт эса дарёдай уйғоқ,  
Оқаверар тинмайин сира.  
Юлдузларнинг нурлари яшноқ  
Барглар аро жимирлар хира.

Теварақда баҳор кезар шан,  
Кенгликлардан ел эсар сарин.  
Мен ётгумдир сурганча теран —  
Юксак эманзорлар ўйларин.



**БАҲОР ДОСТОНИ**

Олиб келдинг сен ўз созингни,  
Бизларни ҳам ўргатдинг найга.  
Бошладинг сўнг айтиб розингни,  
Яшил қирлар бағри — кунгайга.  
Фампарастга айлаб сен дашном,  
Гуллар тутдинг унга анвойи.  
Букри чолга бердинг-да салом,  
Юрагига солдинг хиргойи.  
Ифорларинг чулғаб дилини,  
Курумсоқ ҳам ҳуснингга боқди  
Ва ютоқиб, йиққан пулини  
Новдаларга барг қилиб тақди.  
Бадбинларнинг завқи билмай чек,  
Ноинсофлар инсофга бориб —  
Худди янги полопонлардек  
Қобикларин чиқдилар ёриб.  
Курсисини севса ҳам чандон,  
Мансабдорлар кўзида ҳавас —  
Шайдо бўлиб жилвангга бир он,  
Бахтдан ўзин туйдилар сармаст.  
Ай, алдамчи, ай, тантиқ баҳор!  
Таниш менга макринг, димоғинг.  
Деразадан кўрдим илк наҳор  
Истиғнонгни, нозу фироғинг!  
Ўтлоқларда ҳилпирайди ел,  
Капалакнинг кўзлари мунчоқ.  
Китобларга мук тушиб апрел,  
Чучмомадан тақмиш тақинчоқ.  
У биледи, мавзулар бисёр,  
Барин ёзмоқ менга армондир.  
Баҳор эса — нозанин баҳор  
Менга ёрдир, менга дostonдир.

## ТУНГИ САЙР

Шом қўйнига кирди улкан бинолар,  
Юлдузларни ўпди чинор барглари.  
Боғда байрам руҳи жарангос солар,  
Сайрга чиқмишдир одамлар бари.

Тўлдириб осмонни завқ нашъасига  
Кумуш нур ёғдирар мушакбоз моҳир.  
Бироқ туннинг бундоқ асъасасига  
Ортиқ мафтун бўлма, ишонма, шоир.

Сўнгай мушакбознинг ёрқин мушаги,  
Яна тун қоплайди борлиқни қаро.  
Порлаб ёнгай фақат шоир юраги  
Унинг таъмасиз, соф шеърлари аро.



\* \* \*

Айтиб бергин сен менга — қайдан  
Туғилгай бу хаёллар ғалат?  
Зеҳнимни бу муъжизалардан  
Халос қил — у тин олсин фақат.

Қурқаманки, шундай он келур —  
Ўзига йўл тополмайин мос,  
Азобларда туғилган фикр  
Юрагимни ёражак паққос.

Хаёлотга ортиқ бериб эрк,  
Ундан ажиб тимсоллар излаб,  
Худди беғам болакайлардек  
Жар лабида ўйнаймиз бизлар.

Ўз қазоси етган замона,  
Қанотларин куйдириб бутун  
Шам ёнида ўлар парвона,  
Унинг нури сўнмасин учун!



## ДЎСТЛАР БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Сизлар хотирамда мисли офтобсиз —  
Қўлтиқда шеърдафтар, юзлар гулгун, ол...  
Энди эса, эвоҳ, хокитуробсиз,  
Настариннинг хазон барглари мисол.

Энди сиз ўзга бир мамлакатдасиз —  
Орзудан йўқ нишон, бари чилпарчин.  
Осмон ҳам йўқ унда, қабр бор ёлғиз,  
Ой ҳам шуъла тўкмас тунлари заррин.

Унда уқиб бўлмас, ўзга бир тилда  
Турфа ҳашаротлар айтурлар калом.  
Унда чироқчасин тутганча қўлда,  
Қўнғиз ўз қавмига беради салом.

Хушвақтмисиз, менинг дўстларим, унда  
Ёки сизлар учун ҳаммаси унут?  
Энди улфатингиз қурту қумурсқа,  
Илдизлар, чаёнлар, зимистон беқут.

Энди ҳамширангиз забун япроқлар,  
Гул барги - юзида заъфарон анғиз.  
Сизни ҳамон йўқлар, ҳамон сўроқлар  
Юқорида қолган дўстингиз ёлғиз.

Унга ҳали балки жой йўқ у ёқда —  
Сиз сингган диёрда, шарпалар мисол...  
Мен сизни эслайман ҳамон титроқда,  
Шоир жўраларим, гул юзлари ол!..



*Арсений  
Тарковский*  
(1907 – 1989)





Арсений Александрович ТАРКОВСКИЙ Елизаветград (Кировоград)да туғилган. Адабиётга ихлоси баланд отаси туфайли болалигида Ф.Сологуб, К.Бальмонт, И.Северянин сингари шоирлар билан кўришишга муяссар бўлади. 17 ёшида Москвага келиб ўша даврда ёш ижодкорлар орасида катта обрўга эга бўлган "Гудок" газетаси тахририятига ишга киради. Унда бир пайтлар М.Булгаков, Ю.Олеши, Ильф ва Петров каби машҳур ёзувчилар фаолият кўрсатишган эди.

II Жаҳон урушида бир оёғидан айрилган шоир ижод билан астойдил шуғулланиб, 1946 йилда илк шеърий китобини нашрга тайёрлайди. Бироқ ўша пайтда адабиётда кучайиб кетган янги қатағон тўлқини туфайли унинг мазкур илк тўплами босмахонадан қайтариб олинди ва йўқ қилинади.

Шоир руҳиятига бу зарбалар етмагандек, ўғлининг қисмати ҳам бошига катта мусибат келтиради. Суюкли фарзанди — истеъдодли кинорежиссёр Андрей Тарковский ўзининг "Иваннинг болалиги" ва "Кўзгу" фильмлари учун ўша давр сиёсий раҳбарлари томонидан қаттиқ қувғин остига олинади, оқибатда у хорижга бош олиб кетади ва мусофирликда ҳаётдан кўз юмади...

Ниҳоят, 1962 йилда Арсений Тарковскийнинг илк тўплами — "Қор олдидан" номли жажжи шеърий китобчаси нашр этилади. Ушбу тўплам А.Ахматова томонидан юқори баҳоланади.

Ҳаётлигида шоирнинг саноқли китобларигина эълон қилинган. Унинг "Умирим йўллари" номли сўнгги шеърий мажмуаси Давлат мукофоти билан тақдирланади. Лекин шоирга мукофотни олиш насиб этмайди, чунки у бир неча ой муқаддам ҳаётдан кўз юмган эди.

Бугунги кунда шоир яратган шеърлар қайта-қайта чоп этилмоқда. Зеро, XX аср рус поэзиясини Арсений Тарковский шеъриятисиз мукамал тасаввур этиб бўлмайди.

\* \* \*

Тақмишди гиёҳлар шабнамдан маржон,  
Келар сўқмоқ бўйлаб бир гўдак шодон,  
Жажжи саватида ертут, маймунжон,  
Ойнадан боқардим уфқларга илҳақ,  
Туйдим мен гўдакда тонг сафосин нақ.

Сўқмоқлар чиқсайди менга ҳам пешвоз,  
Сават ўйнасайди қўлларимда соз,  
Адирдаги уйга термилмасдим боз,  
Шаффоф ҳаволарга тўярдим балки,  
Уйга ҳам қайтмаган бўлардим балки...



## ДАШТ

Уфқ ямлар унинг сўл-соғин,  
Ҳатто осмон туйилади чоҳ.  
Эшар тинмай кечмиш арқоғин  
Гоҳ одам-ла, ёвшан билан гоҳ.

Майсаларни туёқлар эзган,  
Мунғаяди ерда бош чаноқ.  
Сўз билан ва фақат сўз билан  
Шукуҳ топар ойдинда ҳар ёқ.

Мудрайди дашт — бамисли бежон,  
Ёғдуларга чулғанар туши.  
Тепаликлар ёнбошлар бу он,  
Жиғасида — ойнинг кумуши.

Сўз жон берар сукунат ичра,  
Осмон сочар қаҳрини аччиқ, —  
Шўх жилғалар тешмагунича  
Замин бағрин — метиндек қаттиқ.

Киприкларин тўкар чакамуғ,  
Чигирткалар қамчилар отин,  
Дарак бериб тонглардан қутлуғ,  
Дашт лочини ёяр қанотин.

Мовий сутга чўмилиб буткул  
Одам Ато чиқар жаннатдан  
Ва қайтадан ато этар тил  
Қушларғаю ҳатто тошга ҳам;



Муҳаббатнинг шавқи билмас чек,  
Еру кўкдан ўқир ажиб сир;  
Тушларида зикр этгандек  
Гиёҳларни номлайди бир-бир.



\* \* \*

Отлар кишнар Суло ортида...  
*“Игорь жангномаси”*

О, Россиям менинг, мушфиқ онажон,  
Фарзандларингга сен — қанот ҳар қачон!

Гўдакка — бешиксан, ёшларга — сурур,  
Юрткезарга — асо, тенгсиз завқ-хузур,

Қўшчига — даласан, овчига — денгиз,  
Дўст учун умидсан, ёвга — ғам-ангиз,

Дарғага — елкансан, мерган учун — кўз,  
Зиёлига — китоб, пайғамбарга — сўз,

Босқончига — болға, оқилга — сабр,  
Тирикка — ота юрт, ўликка — қабр,

Мардлар юрагида — сўнмас учқун сен,  
Барчасидан аъло — улар учун сен.

Қаҳрингнинг оташи билмас асло чек,  
Ёвларнинг товонин куйдиргай чўғдек!

Игорь сенинг учун жонга бериб жон,  
Қилмадими енггинг қон билан алвон!

Рублев кифтидаги қирмиз тўн бари  
Яна товланмасми шафақ сингари!

Мен то сўнгги нафас сен деб яшайман,  
Сен учун ҳар лаҳза ўлмоққа шайман!

\* \* \*

О, мовий настаринлар,  
Қўмсайман гоҳи сизни.  
Ғужғон асаларилар  
Эгдими шохингизни?

Туйганман фараҳ бир кез  
Аритиб дилдан ғамлар —  
Кўпирган гулларингиз  
Соясида бир дамлар.

Арилар тўзир ногоҳ,  
Чақмоқ тилар кўк юзин;  
Ёришиб яқин-йироқ  
Қамашиб кетар кўзим.

Эпкинлар эсган қирда  
Гиёҳлар туролмас тек;  
Томчилар ўйнар ерда  
Симоб доналаридек.

Оқшом олди росмана  
Биллурланар ҳаволар;  
Қучар борлиқни яна  
Ифорлар, хуш садолар...

## РЎПАРАДАГИ УЙ

Эски ёғоч уйни буздилар бир кун.  
Кетди эгалари қолдириб мулкин.

Қолди идиш-товоқ, гулу гулдонлар,  
Тош ойна, китоблар ҳамда жавонлар.

Мўйсафид кетар чоғ ортига боқди,  
Ҳайдовчи шошириб, баттар тутақди.

Ҳаммаси аввалги кўйича қолди,  
Бироқ уй мунғайиб ғамгин тус олди.

Ўприлган дераза ўрни боқди зор,  
Бўм-бўш хоналарга қўнди чанг-ғубор.

Қолди уйда бироқ тушлар, хотира  
Ва ташвиш-армонлар, ўйлар бокира.

Оғочу тахтани олиб кетдилар,  
Қайгадир саранжом ҳолда элтдилар.

Бироқ қолди бунда кечмиш шарпаси,  
Даврада куйланган кўшиқлар саси;

Тўйларда шаробга тўйишарди хўб,  
Ишдан сўнг кинога боришлар тўп-тўп...

Тобутни қўлма-қўл кўтаришарди,  
Бамисли ўз дардинг — ўзганинг дарди;

Икковлон ухларди битта тўшакда,  
Тўнғич фарзанд мудом қўлда – юксакда...

Чўмичин тупроққа ботириб нуқул  
Олмагуни қадар сидириб буткул,

Силжимагунича бу ердан кран,  
Шарпалар жимгина солдилар сурон.



## ТУНГИ МЕҲНАТ

Чироқни ёқаман туриб бемалол,  
Ёришиб кетади хонанинг ичи.  
Майли, куйлайверсин чирилдоқ мисол  
Бурчакда электр ҳисоблагичи.

Столга ўтиргум – қаламим қўлда,  
Югуриб қолади сичқонлар шу зум;  
Ушбу пайт кўпчилик уйқуда бўлмай,  
Мен эса тонггача юммайман кўзим.

Сатрлар битаман чекиб риёзат,  
Бироқ ушбу палла – чиққунча куёш  
Вақтин ишратларга сарф этгай фақат,  
Шароблар нўш этар – кимки мандан ёш.

Мени жазб этмас бу! Боқмасман зинҳор,  
Қалбимни тўккайман қоғоз узра соф...  
Балки, кимдир бундан бўлар миннатдор,  
Балки, кимдир буни айлар эътироф.





\* \* \*

Ҳар томчи сув учун, ризқу рўз учун  
Айтгум шукрона.  
Меҳнат-ла кечмоқда менинг ҳар куним,  
Айтгум шукрона.

Менга сўз бахтини берди, берди ғам,  
Яшарман ёна...  
Кулфатлар қошида ожиз бандаман,  
Айтгум шукрона.

Мен ҳам ер бағрига киргайман бир кун  
Ҳаётга қона,  
Руҳим юлдуз қадар юксалтгани-чун  
Айтгум шукрона.





\* \* \*

Тушимга киради йироқ бир уммон,  
Аллақандай кема сузади унда;  
Бир гусса руҳимни айлайди урён,  
Кўксимга чирмашар бир ҳасрат тунлар.

Келар йироқлардан бўғиқ бир нидо,  
Муқаррар қисматдан машъум хабардек.  
Ҳалокат ҳидини туйгандек гўё  
Сувлар саҳросида кема қотар тек.

Фарёдга йўғрилар йироқ нидолар,  
Кейин фарёддан ҳам қолмайди нишон.  
Уммон тортса сирли комига агар,  
Чиқиб кетолмайди ундан тирик жон.

Мен – бир сайёҳ, боқиб уфққа масрур,  
Талпиниб бораман ул кемага нақ.  
Биламан, бу ўша “Титаник” эрур,  
Мени кутиб турар интиқ ва илҳақ.

Фалати туюлар менга жуда бу –  
Уфқлар бағрига сингмоқлик шоён;  
Совуқ тўлқинларнинг ортида мангу  
Мунғайиб қолади шаҳрим жонажон.

## СЎЗ

Сўз фақат қобиқ холос,  
Пардадир у, қуруқ сас.  
Бироқ бир нуқта рўй-рост  
Ёнар унда ҳар нафас.

Урар юрак, оқар қон,  
Сенинг билан иши йўқ.  
Аён берар бир замон,  
Бундан кўнглинг бўлсин тўқ.

Сўз ҳукми буюк азал,  
Шоир, сен огоҳ бўлгин,  
Сўзинг кучин кўрсатар,  
Қолмаса бошқа йўлинг.

Севгинг бўлсин доим чин,  
Сен чеккадан солма кўз,  
Башоратлардан қўрққин,  
Ўлимдан ҳеч очма сўз.

Сўз фақат қобиқ холос,  
Қисматларга бир парда.  
Лекин сўз сенга рўй-рост  
Тиф қайрар мисраларда.

\* \* \*

Ёниб турар эди қорда бир чироқ,  
Фориғ бўлганди у ёдимдан бироқ.

Балки япроқдир у – тўкилмай қолган,  
Балки у докадир – қон шимиб олган.

Балки бу – қорларнинг бағрин кўриб хуш,  
Сайр этмоққа чиққан қирмиз патли қуш.

Балки, мени алдаб гангитди чоғи,  
Ҳасратга йўғрилган куннинг шафағи...



\* \* \*

Бунда уй бор эди. Унда кекса чол  
Ҳамда ёш бир бола. Уй топди завол.

Улкан бомба тушиб, қилди тап-тақир —  
Турган уй йўқ бўлди. Уруш бу, ахир!

Ашқол-дашқол, латта-лутталар ҳар ён,  
Қоришар тупроққа совумаган қон.

Энди тиконларга тўлар бу хилқат,  
Изғир энди бунда арвоҳлар фақат.

Бошқа ким ҳам увлаб кезарди бунда,  
Совуқ печлар узра рақс этиб тунда.



\* \* \*

Кечган шу тепалик ортида жанглар,  
Хаёлда садоси ҳали ҳам янграр.

Ҳали ҳам қорларда мурдалар ётар,  
Узилган қўллари ҳавода қотар.

Гарчи кечмиш эрур бу қонли рўё,  
Ҳозир тирилар-да ўликлар гўё,

Ҳеч завол кўрмаган каби яйрашиб,  
Маст бўлиб тингларлар қушлар сайрашин...



## ГОСПИТАЛЬ БОФИДАГИ КАПАЛАК

Турмас бир зум бир жойда  
 Учиб-қўнар бетоқат.  
 Туғилган ўзи қайда,  
 У бир хилқат аломат.  
 Суйгани унинг ёғду,  
 Чин-Мочиндан балки у?  
 Йўқдек унда вужуд, тан,  
 Келган балки мозийдан;  
 Қаноти ажиб мовий,  
 Инжадир ва самовий.

Онт ичар-да: бўлди, бас! —  
 Лекин сўзида турмас,  
 Кошки савод чиқарса,  
 Санокда — нари борса,  
 Билар у бир, иккини  
 Ҳарфлардан — О

ва

И<sup>1</sup>ни —

Танир, исми йўқ ҳатто,  
 Балки у — расмда жо<sup>2</sup>.  
 Оромни тан олмас у,  
 Бамисли — ялт-юлт кўзгу.  
 О, малак, сўз бер менга,  
 Кетмам деб Чин-Мочинга!  
 Эврилсин рўё чинга,  
 Кўргин, қалбим титроқда,  
 Ёлғиз ўтинчим сенга,  
 Ташлаб кетма фироқда!

<sup>1,2</sup> Капалакнинг учиши ушбу ҳарфлар ва Хитой иероглифларига қийёсланмоқда. (Тарж.)

## ШОИР

Яшаб ўтди хоксор бир жўмард...

Менга бу китобни қайси бир замон  
Тутқазган эди бир шоир хуш-хандон,  
Баҳор қуёшидек илтифотли, шўх.  
Бироқ китоб ҳозир уринган чандон,  
Шоир ҳам оламдан ўтган, энди йўқ.

Дердилар, у шоир қиёфасида  
Булбулники янглиғ қувноқ сасида  
Бор эди қандайдир сирли мунг, озор.  
Битса ҳам ҳаётга гоҳи қасида,  
Бироқ эди руҳан ғариб ва хоксор.

Ўргилиб садақа — ордонасидан,  
Ўтар нашриётлар остонасидан,  
Кетадиган каби гўё қоқиниб.  
Бироқ бир ёввойи истиғно билан  
Олар эди доим қалам ҳақини.

Кекса масхарабоз унга монанд заб:  
Мастлардек эшилиб, юриб ва тўхтаб,  
Экрандан кўриниб яшнару сўлар  
Ва айни чоғ ҳушёр одамга ўхшаб,  
Кўксин ярасин ҳам яширмақ бўлар.

Қофиялар бир пайт берганди қанот,  
Энди илҳом ҳатто бўлолмас нажот,  
Фамлар, салом энди, алвидо сурур!  
Қалам ҳақини ҳам кўп кўрди наҳот,  
Қора нонга қўйиб бу тақдир қурғур!

Сўзлар жилвасидан эди у огоҳ,  
Қуш тумшуқ юзи-ла жилмаярди гоҳ,  
Шубҳали боқарди нуқул ҳаётга.  
Ёлғизликдан қўрқиб чекар эди оҳ,  
Шеърларин ўқирди бегона, ётга.

Ўша шоир чиқиб мудом йўлимга,  
Дардларини ташлар ўксук кўнглимга,  
Ёлғизликдан қўрқиб яшайман мен ҳам.  
Эҳтимол юзинчи марта кўлимга  
У китобни олгум ёлғиз қолган дам.

Унинг шеърларида ташбеҳлар камдир,  
Безовта одамлар кўзлари намдир,  
Ҳамон нидо қилар сатрлар ёна.  
Ҳаммани гунг қилган чексиз аламдир,  
Бозорлар, навбатлар ва қамоқхона.

Яшарди одамдек у шоир ҳам бир,  
Афсус, хароб қилди разил замона.







*Евгений  
Евтушенко*  
(1932)





*Евгений Александрович ЕВТУШЕНКО XX асрнинг машхур шоирларидан саналади. У 1932 йили 18 июлда Иркутск вилоятининг Зима шаҳарчасида туғилган. Отаси геолог бўлиб, шеърлар машқ қилган. Онаси муסיқадан дарс берган.*

*Ёш шоирнинг 1952 йили эълон қилинган ilk тўплами билан танишган А.Фадеев уни Адабиёт институтига ўқишга тавсия қилади. Бироқ Евтушенко институтни тамомлай олмайди. У 1953 йили В.Дудинцевнинг "советларга қарши" руҳда ёзилган "Ноннинг ўзи ризқ эмас" асарини ёқлаб чиққанлиги учун ўқишдан ҳайдалади.*

*Ўтган асрнинг 60 - йиллари Е.Евтушенко ижоди учун муҳим босқич саналади. У бу «илиқлик давр»ида улкан минбар шоири бўлиб шаклланади. Унинг даврга, ижтимоий ҳаётга ўтқир муносабатини билдирган кўплаб шеърлари, "Братск ГЭСи", "Қозон университети", "Она ва нейтрон бомбаси" каби достонлари эълон қилинади.*

*Е.Евтушенко шеърляти содда тили ва халқ қалбига яқин оҳанглари билан мухлисларининг юксак олқишларига сазовор бўлди. Қатор шеърлари машхур қўшиқлар бўлиб янгради.*

*Шоир ижоди кўп қиррали бўлиб, у публицистик мақолалар, эсселар, романлар муаллифи ҳамдир. Шунингдек, у режиссёр, актёр, сценарист сифатида ҳам машхур.*

*Е.Евтушенко ўз шеърлярига мавзулар ва қаҳрамонлар ахтариб, Ер юзидаги деярли барча мамлакатларни кезиб чиққан.*

*Шоирнинг умумбашарий аҳамиятга молик ижоди жаҳондаги жуда кўп нуфузли халқаро мукофотлар билан тақдирланган.*

\* \* \*

Сен севгидан улкансан.

Жасурсан.

Мен эса чўчийман ҳар қадамимдан.  
Сенга ёмонликни раво кўрмасман,  
Бироқ яхшилиқ ҳам қилишим гумон.  
Менга туюлади, худди ўрмонда  
Сўқмоқсиз йўллардан бошляпсан сен.  
Мудроқ гуллар ўсиб турар ҳар ёнда,  
Билмайман —

бу гуллар қанақалигин.

Қўлланган услублар сийқадир энди,  
Билмай қолдим

нима қиларимни ҳам.

Чарчадинг.

Сўрайсан қўлингга ол, деб,  
Сен-ку, аллақачон қўлларимдасан.  
“Қара, осмон бунча тиниқ ва зангор!  
Эшит қушчаларнинг куй-нағмасини!  
Нега тўхтаб қолдинг?

Қани,

олиб бор!”

Мен эса қайларга элтайин сени?..



\* \* \*

Пойтахт оломони ичра кезаман,  
Кўчаларда жўшар баҳор сувлари.  
Ўзимда ғалати қувонч сезаман,  
Илк бор зафар қучган бола сингари.

Тиқин трамвайга қиламан ҳужум,  
Кимгадир дўндириб сўйлайман ёлғон;  
Ўзимнинг ортимдан қуваман ўзим,  
Бироқ етолмайман ўзимга ҳамон.

Ҳайратда боқаман улкан кемага,  
Баланд самолётлар,  
Ўз шеърларимга...  
Бойликка қўмишди, лек айтишмади,  
Улар билан нима қилишни менга.



\* \* \*

Мен ҳамёнман.  
    Ётибман йўлда.  
Кун ярмида ётибман ёлғиз.  
Эҳ, одамлар,  
    пайқаш ўрнига  
Топтамоқда оёқларингиз.  
Нима бўлган сизларга, ахир?!  
Кўзларингиз кўрми ё?!  
    Аттанг,  
Мени сиздан беркитмоқдадир  
Изингиздан кўтарилган чанг.  
Бир бор боқинг,  
    бир боқиш холос,  
Мен сизники бўламан шу зум.  
Суриштирманг эгамни ҳам, рост  
Ерга қўйдим ўзимни ўзим.  
Хаёл қилманг,  
    ип тортиб бехос,  
Тахта девор ортидан туриб,  
Шум болакай кўтармайди бош:  
“Қотирдик!” деб, қаҳқаҳа уриб.  
Чўчитмасин истехзо билан  
Деразадан қараган кимса...  
Қалбакимас,  
    мен ҳақиқийман.  
Бир бор боқинг, кўрасиз шунда!  
Мен қўрқаман  
    сизлардан араз —  
Бир тасодиф босар ташвиши:  
Кўриб қолар, кутганим эмас,  
Олиб кетар муҳтожмас киши...

## ОНАЛАР КЕТМОҚДА

Биздан узоқлашиб борар оналар,  
Кетишмоқда секин,

оёқ учида,

Биз эса ётибмиз хотиржам уйқуда,  
Бу мудҳиш дамлардан ғофилу беҳабар.  
Оналар бизлардан бир зумда кетмас,

йўқ,

Бу фақат бизларга туюлар шундайин.  
Улар узоқлашар оҳиста, беандуҳ,  
Кетишар зинадан тушгандек, йил сайин.  
Хотирлаб қоламиз кўнгил ғаш бир маҳал,  
Дабдаба қиламиз туғилган кунларни.  
Бироқ бу кечиккан жаҳд-жадал  
Кутқарур на улар,

на бизнинг дилларни.

Буткул узоқлашар, кетишар улар.  
Бизлар интиламиз, уйғонгач бедор.  
Бироқ қўл ҳавога ногоҳ урилар —  
Унда ўсиб чиқмиш ойнадан девор!  
Мудҳиш дам занг урди.

Бизлар кечикдик.

Боқамиз, ялтирар кўзимизда нам,  
Оҳиста шарпадек саф-саф бўлишиб  
Оналар узоқлаб бораркан биздан...

\* \* \*

Келди ўзга замонлар,  
Кўринди ўзга номлар.

Улар тинмас тутақиб.  
Орттирар душман-рақиб.  
Ҳар ишда танти, ботир,  
Қилмайдилар юз-хотир.

Ўзича “даҳо” бари,  
Ёмғирда ҳам қизлари  
Интиқ кутар тун ичра,  
Кўзин намлаб ўғринча.

Эҳ, сенинг душманларинг...  
Қайдадир? Топ-чи бирин.  
Ҳа, мана улар ёввош,  
Бепарво ирғайди бош.

Қизларинг-чи, қизларинг?  
Энди асраб ўзларин  
Юрмас тунги паллалар —  
Неварасин аллалар.

Душманларинг барчасин,  
Енгил қадамлар сасин  
Ўғирлашди улар, ҳа.  
Қолди фақат тажриба.

Куюнма, бас! Ўзинг-чи —  
Ўғирлаб олмовдингми,

Сўраб ўтирмай, ахир,  
Булар барин кимдандир?

Ўғирлик ҳар ёшлик ҳам,  
Ҳаёт қизиқдир шундан:  
Ҳеч нарса йитмас, бешак,  
Шунчаки кезма-кезак.

Ҳасад қилма. Доно бўл  
Ва уларга бергин йўл.  
Чирансалар-да бу дам,  
Ўғирлатар улар ҳам.

Келар ўзга замонлар,  
Кўринар ўзга номлар.





\* \* \*

*Б.Ахмадулинага*

Менда мана шулар бўлмоқда содир:  
Эски дўст сўроқлаб келмай қўйгандир;  
Юриши қандайдир сипо кўринар,  
Қошимда негадир ўнғайсизланар.  
Ва у улфат ҳозир бошқалар билан,  
Нечун бундайлигин

ўзи ҳам билар.

Ва бу нифоқимиз ғалати, мубҳам,  
Азобламоқдадир иккимизни ҳам.

Менда мана шулар бўлмоқда содир:  
Ҳолимни ёт кимса сўраб келади,  
Елкамга ташлайди қўлин бирини,  
Бириси ўғирлар қалбим сирини...  
Айтинг, эски дўстим кимнинг кифтига  
Қўлини қўймоқда,

билгим келар, рост,

Менинг юрагимга ёт қўл суқилса,  
Балки унинг учун бу гўзал қасос?!

О, қисқа умрда кўпдир бунчалик,  
Хира алоқалар,

расмий жўралик!

Дилда бадбин ҳислар қилмоқда ғулу,  
О, кимдир келгину парчала, қани,  
Бегона шахсларнинг мулоқотию  
Яқин юракларнинг низоларини!

## СЕВГИЛИМ, УХЛАГИН...

Намакоб томчилар деворда олар кўз.  
Эшик қулф-тамбага тушган кез.

Ва денгиз,

Қутуриб, тўш уриб қирғоқнинг юзига,  
Шўрлаган офтобни ютмишдир ўзига.  
Севгилим, ухлагин...

Қалбимни қийнама.

Намакоб ҳилол у – тоғларга ўрлаган,  
Ҳовлида гоҳи-гоҳ

эринчоқ кучукча

Ётганча чайнайди занжирин шўрлаган.  
Денгиз-ку жунбишда,

япроқлар тўзишда

Ва саёқ кучукча

занжирда олар тин,

Мен сенга шивирлаб,

сўнг секин шивирлаб,

Сўнг дейман сукутда:

“Севгилим, ухлагин...”

Севгилим ухлагин...

Унутгин аразни.

Фараз қил:

уйғонсак,

руҳимиз енгил, шод.

Биз фарам устида.

Фараҳли тушлармиз,


Ўйлайман —


хиёнат қилурсан сен наҳот?

Ишонгим келмайди.

Севгилим, ухлагин...  
Жилмайгин, тушингда  
  (кўз ёши энди бас!)  
Гуллар тер сен шодон,  
  гулларга қўй ҳавас,  
Кўнглингни яйратсин ярашиқ кўйлагинг.  
Чарчадинг тўлғаниб?  
  Ўйингда нималар?  
Уйқуга ўран сен,  
  чулғангин туш билан.  
Энг олий орзу ҳам уйқуда ушалар,  
Бедорлик пайтида  
  қийнаган нарса ҳам.  
Уйқуга хиёнат,  
  бу — ҳатто жиноят,  
Дилдаги қабоҳат  
  тирилар бу дамда.  
Кўзларинг кун бўйи  
  толиқмиш бағоят,  
Киприклар остида тин олсин оромда.  
Севгилим, ухлагин...  
  Бедорлик сири не?  
Ўкирган денгизми?  
  Дарахтлар — ёзғирган?  
Бўлмағур дилғашлик?  
  Ё биров ранжими?  
Бировмас, балки мен —  
  уйқунгни қочирган?  
Севгилим, ухлагин...  
  унутгин барини,  
Бироқ бил, айбсизман, бу гуноҳ ишимда.  
Сен мени кечиргин,  
  ардоқла, сен мени,

Лоақал тушингда, лоақал тушингда!  
 Севгилим, ухлагин...  
   Бизлар тинч ётибмиз  
 Чархи тез заминда,  
   портлашлар ваҳми бор,  
 Кучишмоқ, ҳа, даркор,  
   заволнинг хавфи бор,  
 Заволга кетсак гар —  
   кетайлик иккимиз.  
 Севгилим, ухлагин...  
   Дилга ғам йиғмагин.  
 Тушчалар кўзингга оҳиста инсинлар.  
 Бевота заминда ухламоқ қийин, ҳа.  
 Ва лекин,  
   барибир,  
   севгилим, ухлагин...  
 Денгиз-ку, жунбишда,  
   япроқлар — тўзишда  
 Эринчоқ кучукча  
   занжирда олар тин,  
 Мен сенга шивирлаб,  
   сўнг секин шивирлаб,  
 Сўнг дейман сукутда:  
   “Севгилим, ухлагин...”





\* \* \*

Ётибман зах, нам ерда  
Осмонга тикиб нигоҳ.  
Қўзим қамашар нурда,  
Лабимда эрмак гиёҳ,  
Ер экан бунча заранг —  
Белкурак, тин ол бирпас.  
Уйқу босяпти бирам,  
Ухлаш эса мумкинмас.

“Вой,  
шуми йигит ҳоли?  
Қизлар, буни қаранглар!” —  
Бўғриққан, шўх иболи  
Қиз кулгуси жаранглар.  
Етмагандек,  
ноз билан  
Бошлар шўх бир қўшиқни:  
“Қачон топгум ёрни мен,  
Қийнаб қўйдим шўрликни”.

Барча кулар:  
“Анька, бас!  
Эй, маккор қиз, алжима!”  
Ва бундан фақат менмас  
Воқиф юлдуз, малина:  
Ўрмонда қолган нафас  
Фақат мен билангина,  
Малиназор ичидан  
Борарди у бўлиб маст

Ғалати қувончидан.  
Қалбидаги тўлқинга  
Бас келолмай, ҳойнаҳой,  
Сўзлар айтар у менга  
Чиройли ва пойма-пой.



\* \* \*

Кўплар мени севмас,  
Гуноҳлар тиркаб,  
Ҳеч вақт сипо бўлмас  
Мен ҳақимда гап.

Боқиб тунд ва жоҳил  
Кулишар мендан,  
Улар ўқ нигоҳин  
Туяман ҳар дам.

Хуш ёқади булар.  
Шундан мен мағрур,  
Бу ҳолга-ку, улар  
Ночор қолишур.

Тик, мағрур боқаман  
Улар баҳсига  
Ва атай тегаман  
Тағин ғашига.

Баъзида юргум лек,  
Жўрттага, аранг,  
Йиқилиб тушгудек,  
Мажолсиз ва танг.

Пичингсиз, бекулгу  
Эшитгум шу он —



Қандай тантиману  
Ва ўзбилармон.

Уларга берк қалбим  
Сезар — мен ўзга.  
Сира тушунмайман  
Ҳасадларига.

Бораркан бесўз, жим  
Изгирин йўлдан,  
Ўзимга ишонгим  
Келар тагин ҳам...



\* \* \*

Шўр, нордон бўй таралар,  
Таралади сут иси.  
Қовжираган мевалар —  
Уюлган ғарам ичи.  
Ётибман недир кутиб  
Бир теран сукут билан.  
Юлдузлар чўғин титиб  
Қўлимдаги чўп билан.  
Унутдим бари-барин,  
Хотирам бўлди шудгор —  
Кимга дўст, кимни севдим  
Ва кимга бердим озор.  
Серюлдуз, бахмал осмон,  
Тунки, бирам ажойиб.  
Ҳеч нарса билмам бу он,  
Бариси бўлди ғойиб.  
Тантиқ этдилар мени,  
Мен — гўё севилмаган;  
Онт-ла ўпдилар мени,  
Мен — гўё ўпилмаган.



## АФСУН

Баҳор тунларида ўйла мен ҳақда,  
Ёзнинг тунларида ўйла мен ҳақда,  
Кузнинг тунларида ўйла мен ҳақда,  
Қишнинг тунларида ўйла мен ҳақда.  
Мен сен учун бўлмай ўзга бир ёқда,  
Бошқа мамлакатда ёки узоқда,  
Кўрпага жунжикиб кирганинг чоқда  
Тин ол гўё денгиз коми тортмоқда,  
Мавжларни кучаркан ажиб титроқда,  
Ўзга хаёлларинг қолсин қирғоқда.

Истамам кундуз ҳам ўйлашинг мени,  
Кундуз ўзгартирар ўй дунёсини,  
Тўлдирад тутуну майнинг исини.  
Ўйлашга мажбурлар тамом аксини.  
Кундузи ўйлагин истасанг нени,  
Тунда эса — фақат биргина мени.

Таъбир этганимдек — кўзларингда нам,  
Дилингни забт этиб фараҳ ва алам,  
Юрагинг тубини қамраганда ғам  
Ва бу танҳоликда карахт қотган дам,  
Менинг илтижомни тинглагин, эркам,  
Паровоз гудоги, шамоллардан ҳам.

Сенга ёлбораман сокин фироқда —  
Ёмғирнинг шовқини кучайган чоқда  
Ёки қор эланган маҳал нигоҳда,  
Уйқуга чўмаркан, йўқ, йўқ, мудроқда —

Баҳор тунларида ўйла мен ҳақда,  
Ёзнинг тунларида ўйла мен ҳақда,  
Кузнинг тунларида ўйла мен ҳақда  
Қишнинг тунларида ўйла мен ҳақда.



\* \* \*

Мен жұрамни дафн этмоқдаман.  
Бу сирни жим беркитмоқдаман.  
Бошқаларга у ҳали тирик,  
Бошқаларга — ҳали уй-жойлик,  
Бошқаларга — у билан дўстман,  
Бирга боргум зиёфатга ҳам.  
Бу тўғрида ҳеч кимга айтмам —  
Дўст эканим

мен марҳум билан.

Соф.лиги-ла мен қотмасман гап,  
Балки мурдор бўшлиққа қараб.  
Дўстона бир соддалик эмас —  
Қадаҳ айтар бўшлиқ бу нафас.  
Кечир, дўстим,

сўкмайман сени,

Сўкмайин жим кўмгайман сени.  
Бу қандай ҳол,

нақли нимадир?

Ўлгани йўқ ҳеч кимим, ахир.  
Дунёда-ку, яшамадим кўп,  
Бироқ талай жўраларим йўқ...



## ҲАСАД

Мен ҳасад қиламан,  
Бу сирни, дўстлар,  
Ошкор этмаганман ҳали ҳеч кимга.  
Биламан,  
қайдадир бир бола яшар,  
Мен ҳасад қиламан жуда ҳам унга.  
Ҳасадим қўзғайди  
муштлашиши ҳам —  
У каби жўн, жасур эмас эдим мен.  
Ҳасадим қўзғайди,  
кулиши бирам —  
Унингдек кулишни билмас эдим мен.  
Бирор ери мудом шилинган, ғурра —  
Мен эдим таранган,  
ўйларга толиқ.  
Мен неки қолдирган бўлсам ўқувда,  
У сира қолдирмас,  
бунда ҳам ғолиб.  
У бўлар барчадан тўғри, одилроқ,  
Макру ёвузликни кечирмас ҳеч ҳам.  
Гоҳ мен:  
“Арзимас...” деб иккиланган чоқ  
У айтар:  
“Арзийди!” —  
ва тутар қалам.  
Мен на ечиб  
ва на узган чигални  
У гар ечолмаса,  
ташлайди узиб.

Астойдил севади

севса агар у,

Мен эса — ҳам севиб,

ҳам аҳдни бузиб.

Жилмайгум,

ҳасадим этмай деб зоҳир,

Ўзини гўлликка солади юрак:

“Кимдир адашишга маҳкум-ку, ахир,

Кимдир бошқачароқ яшаши керак...”

Ҳар қанча солмайин дилга таскинлар,

Ўйимни тарк этмас

шу ҳасад туйғу:

Биламан,

қайдадир бир бола яшар,

Мендан кўп нарсага эришажак у.



## ЛЕРМОНТОВ

Петербургнинг музли кўчаси  
Бунча инграр — кимни этар ёд?  
Чана узра ярим кечаси  
Қайга елиб боради бу зот?

У атрофга боқар қаҳр ила  
Ва нафратдан қимтиган лабин.  
Икки кўзин қорачиғида  
Икки Пушкин ётар ерпарчин.

Петербургнинг қорли еллари,  
У қисматин ўқиди сизда —  
Мартиновга дуч келмай ҳали,  
Аммо Дантес ўқи кўксида.

Тунлари у беғам жўралар —  
Давраларин рад этиб бутун,  
Ўч шарпаси бўлиб юксалар  
У арвоҳнинг интиқоми-чун.

Гўдакмасди ундаги шуур,  
Ўхшар эди совуқ ёлқинга.  
Муза шафқат фарзанди эрур,  
Аммо нафрат энага унга.

Шартдир баҳсни дуэлда ечмоқ,  
Қанча зотлар кетса-да завол;  
Гарчи холис секундант топмоқ  
Ақлга ёт — бўлса-да маҳол.



Пушкинона бир нидо эса  
Тўсиқларга ундайди чорлаб.  
Туғилади шоирлар Русда  
Дантес ўқин кўксига жойлаб.



## ШУБҲА

Ўзингга ишонмоқ саодат, толе,  
Шубҳаланмоқ эса гуноҳу қийноқ.  
Шубҳа ғалаёни қўймаса холи,  
Қалбингни музлатиб қўяди бир чоқ.

Мен азоб чекаман сўнгсиз шубҳада  
Ва бу ожизлигим этмай деб зоҳир,  
Баъзи нарсаларга лоқайдман жуда,  
Баъзида бўламан зиқна ва жоҳил.

Мудом ўз-ўзимга бераман савол:  
Одамларга ёлғон сўйлайман нечун?  
Нечун буюкликни қиламан даъво,  
Асли етмаса ҳам қувватим-кучим?!

Нима бўлар, ногоҳ олишса тутиб,  
Худди ўғри каби, барча учун ёт —  
Алдамчи, фирибгар, текинхўр бўлиб,  
Қўлларим қайриғлиқ турсам-а, наҳот?!

Шу ўй таҳдид солиб доим юракка  
Қўямас қаламимни тарашлашга ҳам...  
О, Тангри, мадад бер шоир бўлмоққа!  
Асра одамларни алдамоқликдан.

## ЧЕГАРА

Ҳамма нарсада ҳам бордир маълум ҳад:  
Чеклидир бардош, қалб, идрок, муҳаббат,  
Чексиз кенгликнинг ҳам чегараси бор.  
Шоир, бас, эзмасин кўнглинг ҳадиги —  
Иқтидор ва умринг чекланганлиги,  
Инон, бунда зарра гуноҳ йўқ зинҳор!

Аммоки нашъадор жилмайса жоҳил:  
Дегандек, у шўрлик тугабди охир —  
Бу асло қалбингни этмасин яра.  
Сен-ку тугамадинг, руҳингда сарҳад,  
Ҳар қандай даҳо ҳам чекланган, фақат  
Инсон разиллиги билмас чегара.



## ЭРИШ ТУЮЛАДИ...

Эриш туюлади дардсиз яшамоқ  
Нафис адабиёт, хусусан, шеърда.  
Эриш туюлади кўкни қўмсамоқ  
Ҳар ҳолда одамлар яшагач ерда.

Дил истар қандайдир ноёб сўзларни,  
Майли, туғилса ҳам улар қийинроқ.  
Некрасов руҳига эргашар барча,  
У эса — теранроқ, тагин теранроқ.

Эриш туюлади кўз ёш тинмаса,  
Шафқат, юз-хотир деб эгилса бўйин.  
Эриш туюлади соғинилмаса  
Ҳар ҳолда само ҳам бўлгандан кейин.

Дил истар қандайдир қуйма сўзларни,  
Қоғозга тўкилсин осону ўйноқ.  
Ва барча эргашар Пушкин руҳига,  
У эса — юксакроқ, тагин юксакроқ.



\* \* \*

Дунёда беҳикмат одамлар бўлмас,  
Тақдирлар — сайёралар тарихига бас.  
Ҳар кимнинг бўлади ўзгача қалби,  
Ўхшаш сайёралар бўлмаган каби.

Кимдир яшаб ўтса пинҳон, бедовруғ  
Ва бу пинҳонлик-ла дўст тутинса у,  
Эътибор қозонган одамлар ичра  
Ўзининг худди шу пинҳонлиги-ла.

Ҳар кимнинг бўлади ўз сир олами,  
Бу оламда яшар энг бахтли дами,  
Бу оламда яшар энг кулфатли он,  
Бироқ булар бари биз учун пинҳон.

Бир инсон юз тутса у дунё сари,  
Унинг билан кетар биринчи қори  
Ҳамда илк бўсаси, илк ғалабаси...  
Унинг билан кетар булар ҳаммаси.

Китоблар, кўприklar қолажақдир, ҳа,  
Рассом асарию турли машина.  
Ҳа, кўп нарсаларга яшамоқ тақдир,  
Бироқ нималардир кетар-ку, ахир!

Бу шафқатсиз ўйин шундоқ давомлар,  
Одамлармас, балки ўлгай оламлар.  
Осий бандаларни гоҳо эслаймиз,  
Улар ҳақда, асли, нима билганмиз?

Бизга равшандирми дўсту туғишган,  
Тўкис биламизми ўзимизни ҳам?  
Ҳатто ўз отамиз ҳақида ҳам биз  
Кўп нарса билиш-ла тақир билмаймиз.

Одамлар кетмоқда... Қайтариб бўлмас.  
Улар сир дунёси қайта туғилмас.  
Ва мен бу қисматни кўриб ҳар сафар  
Фонийликка қарши дод солгим келар.





*Андрей  
Вознесенский*

(1933 – 2010)





Андрей Андреевич ВОЗНЕСЕНСКИЙ Москва шаҳрида муҳандис оиласида туғилган. Шоир ўқувчилик пайтида ёзган шеърларини Борис Пастернакка кўрсатишга журъат этади ва унинг самимий эътиборига сазовор бўлади.

Утган асрнинг 50-йилларидан бошлаб шеърлари мунтазам чоп этила бошлайди. А.Вознесенский "Мозаика", "Парабола", "Аксилдунёлар", "Ахиллес юраги", "Учбурчакли нок", "Страдиварининг изтироблари" каби тўпламлари, "Лонжюмо", "Оза", "Авось" достонлари билан шеърят мухлислари орасида катта шухрат қозонди.

60 - йилларда шўро сиёсати уни формализмда айблади. Билгак, у сиёсатдан қадди дол бўлган шеърятни инсоний самимият билан йўғрилган поэзия қадар юксакка кўтаришда улкан хизмат қилди.

А.Вознесенский шеърятини ўз йўналишига кўра давр сиёсати ва маънавий ақидалари билан ҳамшиша мунозарага киришадиган шеърят эди. Санъат ва адабиётдаги модернистик услубларга ҳамшиша тааажжуб ва нафрат назари билан қараган ўша даврдаги ҳукумат раҳбари Н.Хрущев мамлакат зиёлилари билан бўлган катта учрашувда жинси шим ва жемпер кийган ёш шоир А.Вознесенскийга кўзи тушиб, минбардан туриб унга ошқора қаҳрини сочади. Бу ёш шоирга қаттиқ таъсир қилади ва у кўп йиллар давомида "жанжалкаш" деган ном олади.

Шоирнинг насрий асарлари ҳам унинг ижодиди муҳим ўрин тутди. "Ун тўрт ёшда эдим" эссеси Б.Пастернак ҳақидаги хотираларидан иборат.

А.Вознесенский шеърлари жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинган. У дунёдаги бир қанча нуфузли академияларнинг ҳақиқий аъзосидир. 1996 йили "Нобель Обсерватор" газетаси А.Вознесенскийни "Замонамизнинг энг буюк шоири" деб атаган.



\* \* \*

Сен яна нимани истайсан мендан?  
Истиғнонг беадоқ, қовоғинг уюк.  
Мен — ҳасрат оҳанги, сен — қувонч куйи.  
Тақдирим бир умр айроми сендан?

Номинг-ла қитъалар ифорланди шан —  
Титратди дунёни шеърим жаранги!  
Сен — бахт таронаси, мен — ғам оҳанги.  
Сен яна нимани истайсан мендан?

“Фариштам” дединг сен — покландим  
чиндан.  
“Дадил бўлгин” дединг — кучга тўлдим мен.  
Дединг: “Биринчи бўл” — даҳо бўлдим мен,  
сен яна нимани истайсан мендан?

Онт ичдим — фидоман то охирги дам,  
умрим сўқмоқларин сен кўмдинг қорга.  
Шўх-шан садо эдим, эврилдим зорга,  
сен яна нимани истайсан мендан?

Қабрда ҳам сени алқарман ҳаргиз:  
“Қўшилсин тупроққа менинг бу жиссим.  
Сен — самовий оҳанг, мен — наво мискин,  
майли, замин узра хиром эт менсиз”.

Шу замон кўриндинг рўй-рост, дафъатан,  
Қилдинг теваракка ҳорғин наззора.  
Ва дединг: “Севаман. Бошқа йўқ чорам.  
Сен яна нимани истайсан мендан?”

\* \* \*

Бу онни ёдда тут. Наъматакни ҳам.  
Хотиранг мулкида нузли бир парча.  
Мен сен-чун шоирман ва мангу жазман.  
Бошқа — ҳеч нарса.

Эсла бу лаҳзани токи умринг бор,  
Орадан минг йиллар ҳатто кечарса.  
Кифтинг тирнар шунда наъматак такрор...  
Бошқа — ҳеч нарса.



## ТУШ

Биз қайта кўришдик. Киприкда намлар,  
ҳижрон изимизга термилди зор-зор.  
Ва биз ишқ — севгидан ичдик қасамлар,  
биноқ танимадинг сен мени зинҳор.


Остонанга таклиф этдинг беҳадик,  
пойимда айланиб-ўргилдинг минг бор.  
Бизлар бирга-бирга узоқ яшадик,  
биноқ танимадинг сен мени зинҳор!



\* \* \*

Касалхона шанбалик қилар,  
ҳамширалар ҳовлида ғужғон.  
Эманларнинг шохига илар  
оқ бинтларни қизлар шўх-хандон.

Тарқаб кетар уларнинг бари!  
Эманларнинг тушида аммо —  
ҳамон йоднинг аччиқ ифори  
ва турфа ноз, турфа таманно.



## МИХАЙЛОВСК ОСМОНИДАГИ ЮЛДУЗ

Шоир бурмас тубанликка юз,  
мукофот деб ёнмас у тақир.  
Самоларда чақнаган юлдуз  
Тақинчоққа муҳтожмас, ахир.

Тош-ла уриб бўлмас юлдузни,  
ололмайди унвон нишонга.  
Доим хоксор туяди ўзни  
пешвоз чиқиб у шуҳрат-шонга.

Муҳим эмас на кулфат, на бахт,  
юксак руҳ ҳеч кўрмайди зарар.  
Аммо завол топгусидир тахт,  
шоир ундан юз бурса агар.



## ҚИССА

“Хайр” демоқ учун киприк қоқмайсан,  
изимдан чиқасан илк саҳар пайти.  
Сен мени ҳеч қачон унутолмайсан.  
Мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Мунгли нигоҳингдан кўзим олмайман:  
“Оҳ, худойим! — дейман зоримни айтиб. —  
Мен сени ҳеч қачон унутолмайман.  
Сен мени ҳеч қачон кўрмайсан қайтиб”.

Зангори сувлари — сирли мавжланган,  
сайр қилганимиз — кўрфазни дайдиб  
мен энди ҳеч қачон унутолмайман,  
мен энди ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Фамгин шабадада титрайди бесас,  
умидсиз қарағат кўзин қорайтиб.  
Қайтмоқлик — яхшилик аломатимас,  
мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Қайта яшамоқлик насиб этса гар,  
таъкид айлагандек Ҳофизнинг байти —  
бизни кутгай яна фироқ муқаррар,  
мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб.

Айро дилларимиз низоси мубҳам  
қиёс айлаганда бамисли учкун —  
ҳажр оташи-ла — кўринган уфқда  
фано даштидаги икки қалб учун.

Юксак фалакларга бир вола билан  
ўрлар гирён юрак видоси — қайди:  
“Мен сени ҳеч қачон унутолмайман.  
Мен сени ҳеч қачон кўрмайман қайтиб”.



## САМБИТ

Қишлоқ эпкинлари суқулиб аён,  
мудроқ бозорларда кўтарар сурон!

Самбит шохчалари баҳорга пешкаш —  
уй тўрин забт этар яшил суронкаш!

Бодринг пўсти тарар кўклам ифорин,  
бамисли муз дарзи — мовий узори.

Аёллар қалбида ниш урар эртак,  
кирар тушларига қишлоқи эркак...

Самбит куртаклари ёққан тугён бу.  
Учинчи қисмда ушалар орзу...

Фильм икки қисмли бўлса, нетгаймиз?  
Тошкент настаринин харид этгаймиз.








\* \* \*

Унутаман сенинг қошингда ғамни,  
ҳар бир ҳаракатда зуккосан чунон.  
Бармоғингга туфлаб ўчирдинг шамни,  
худди капалакни тутганингсимон.




*Экология борасидаги мунозарада айтилган*

**ЛУҚМА**

Қара, қаҳр неларда зуҳур,  
солмоқ бўлар юракларга из —  
биз, бандалар, худога шукур,  
улар барин илғай олмаймиз.

Қара, маъсум юзларида нур  
бутақўзлар сафланар тиғиз —  
биз, бандалар, худога шукур,  
улар барин топтай олмаймиз.



\* \* \*

Шоир бўлмагин сен, бироқ бу шуур  
қўзғайди қалбингда исён муқаррар,  
тушун, қандоқ чидаш мумкин даста нур  
эшикка қисилиб ингранса агар!



\* \* \*

Салбчилар-ла бўлсайдим агар,  
черков русмин адо этгани —  
олиб ўтар эдим ҳар сафар  
мен кўлимда бўм-бўш рамкани.

Кўзлардан ёш оқар тинмайин,  
ки бўш ромда бўлар инкишоф —  
дам муқаддас сиймтан қайин,  
дам дарёнинг манзараси соф.

Тонгда ишга шошиб бораркан,  
чиқиб висол тунидан аёл —  
зарҳал ромга тушар дафъатан...  
Кўрса ўзи қолар эди лол.

Чап томонга кўча ўнг ёни  
кўринади бетимсол бўлиб.  
Зарҳал рамка ичра боққани  
йиғлагайдир унга термулиб.



\* \* \*

Дов-дарахтлар қаршилаб тонгни,  
шуълалардан товланади соз,  
бамисоли патқалам янглиғ —  
қўлга ол-у, ёз!



## ҚҰШИҚ

Тинглар сангдил аср ҳам...  
Юракдан теран жўшиб,  
ўзга фикрли одам  
куйлар ажиб бир қўшиқ.

Ўлтирар у роялга  
мисли кўр сиймо моҳир,  
куй бахш этар ҳаётга  
бармоқлари-ла соҳир.

Куйлар у қишлоқларни —  
сувлар остида қолган  
ва маҳв бўлган боғларни —  
одамлар қирон солган.

Қўшиқда — мажҳул замон,  
зорлар бордир очундан;  
туяр кимки бағри қон  
илоҳий таскин ундан.

Ўзга фикрли одам  
ҳеч нарсани тузатмас.  
Лекин тинглаб тошлар ҳам,  
энтикиб олар нафас.

## ХАЛОСКОР

Уча-уча ҳолдан тойганда бирам,  
қучганда юракни таҳлика коми,  
бизни қабул қилди бир вақт мажбуран  
бошқа бир шаҳарнинг аэродроми.

Ишорачи замин устида — тунги,  
қайга қўнмоқликка ундаб пешма-пеш,  
ўхшарди чормихдан чиққанга худди,  
қўлларин силкир ва учолмасди ҳеч.





\* \* \*

Қора соябонлар тутган эркаклар,  
қамраб миянгизни не бир тушунча —  
тун ичра биқиниб борасиз бунча,  
қайга элтар сизни қора елканлар?

Сизнинг омадингиз — ёшлик йиллари  
бошингиз устидан ўтди кўндаланг —  
велосипедидек маҳдуднинг — башанг,  
мисли соябонингизнинг симлари.



## ТУШ

Борардим мен Обь бўйлаб маҳзун,  
кўкда ўрдак эди ҳамроҳим.  
Чалинарди қулоғимга ун —  
қишлоқларнинг фигони-оҳи.

Улкан дарё ғамгин оқарди  
ва борлиқнинг кўзини ёшлаб  
XX аср борарди,  
қадамида ўрнатиб хочлар.

Қишлоқлару овуллар бирдек  
яшардилар кулфатдан кўрқиб —  
бамисоли ёвуз қонхўрдек  
қонин сўрар саҳролар сўқир.

Зорланади балиқ шу они:  
“Болаларим, майли, ола қол,  
ўлдирмагин фақат дарёни,  
қолдир ундан томчилар зилол”.

Қайинзорлар оралаб юрдим,  
малул боқдим ҳар бир дарахтга —  
шаҳидларни отишдан олдин  
туширишган каби суратга.

Ўрмонлари кўҳликдир Руснинг,  
аёзларнинг захрини тотган.  
Термилдилар улар бамисли  
инсонлардек — отилаётган.

Турар эди чўнг эман бесас,  
шафақларга видосин айтиб.  
Уни ҳеч бир рассом чизолмас,  
уни ҳеч ким кўрмайди қайтиб.

“Кўзингни оч, эй қотил одам!” —  
Таралади тирик жон саси.  
Бироқ ўтмай бир дақиқа ҳам  
портлаб кетар булар ҳаммаси.

“Кўзларингни оч ва олгин тин,  
тазарру қил, ҳали эмас кеч.  
Табиатнинг эзгу даҳосин  
топтадинг сен тўхтамайин ҳеч”.

Бироқ сени кўрмадим рўй-рост  
бу заққумли кенгликлар аро.  
Ва ўзимнинг кўнглим учун мос  
маконни ҳам топмадим асло.

Англадимки, кулфат басма-бас  
ер юзида тизилар энди.  
Бундан буён тириклик абас,  
Вақт тори узилар энди.

Ингранади яйдоқ замин — мўрт,  
фарёд солар оламга қайғу:  
“Эй, одамча, эй юҳо манқурт,  
Сайёрани еб битирдинг-ку!..”

## НЕГА...

Нега икки шоир — севги куйчиси  
бир-бирига мудом қазган каби чоҳ,  
қаҳрли боқишар, ўзгармай туси?  
Мисралар дўстлашар, одамлар — эвоҳ...

Нега икки давлат — икки улуғ халқ  
бир-бирин йўқ қилмоқ қасдида ногоҳ —  
нукул ўйлар сураб бадниятли, талх?  
Одамлар дўстлашар, давлатлар — эвоҳ...

Икки улуғ давлат — икки улкан кафт  
бир-бирин алқамоқ ўрнига, қаранг,  
дилгир Сайёрамиз бошин чангаллаб,  
кулфат ёқасида турар ҳоли танг!



## ДЎСТИМГА

Бир-биримиз сари йўл қазардик биз.  
Интиларди менга дўстим тинимсиз.

Бироқ қўришмадик етганда фурсат.  
Муҳаббат оздирди йўлдан ё шуҳрат.

Тепамиздан ўтар поездлар тинмай.  
Биз тош ушатамиз чарчашни билмай.

Аслида йўлимиз эмасдир йироқ.  
Бошқа-бошқа томон тушгандир бироқ!..

Улар очилсами — ялтирар нурда  
Чўкич ушлаб олган иккита мурда.



## БОШЛАНГ ҚАЙТА БОШДАН!

Кўрқманг, маломатлар айласа зада,  
инсон яралгандир метин бардошдан!  
Кеч эмас ҳеч қачон, ҳеч бир лаҳзада,  
бошланг, қайта бошдан!

Урса соатингиз “ўн икки”га занг,  
тонгни кутинг очик қучоқ билан.  
Йўлда поездингиз судралса аранг,  
учинг учоқ билан!

Кириб бораркансиз уммон қаърига,  
муздек тўлқинларда бўлинг сиз бардам —  
ўзингизни худди мозий бағрига  
улоқтирилгандек ҳис этсангиз ҳам!

Сиздан ҳарф таниди кўплар беминнат,  
лекин зеҳни пастлар ҳеч ўзгарарми?!  
Ўзгарта олмайсиз уларни минбаъд —  
изланг ўзгаларни!

Анчар дарахтини Пушкин мабодо  
заҳарли эмас деб билсайди ростдан,  
йиртиб ташларди шоҳ тўртлигини ва  
бошларди бошдан!

Бошланг номсизликдан, пулсизликдан нақ,  
токи ҳавасларда ёнсин, гангисин  
кечмиш ҳаётингиз — ғурбатли, қашшоқ —  
бошланг янгисин.

Аввалгиси сизга дўст қолур зотан.  
Баҳслашманг. Бегона эмасдир мутлоқ.  
Буткул рад айламак эмас инсофдан,  
бирок

севгингизнинг ҳаққи — зинҳор шафқатни  
қизғанманг ўтмишдан, ки бўлмасин хор —  
отиб ташлагандек йиқилган отни  
отиб ташланг. Уни алдаманг бекор.



## ХАЛОСКОРЛИК ҚИССАСИ

(Ш. Нишинианидзе оҳангида)

Океан устидаги авиаҳалокат пайтида тбилисилик профессор Жордания ўзининг қутқарув камзулини камзул етмай қолган хорижлик қизалоққа берди. Ўзи эса ҳалок бўлди.

### I

Чўкиб борар «Боинг» уммон устида  
ўлик кит мисол.  
Самолётни чирмаб олмиш аланга —  
аянчли бир ҳол.  
Қутқарув камзулин тақади ҳамма —  
ичдан кетиб зил,  
фақат бир чиптасиз қизалоқ учун  
етмади камзул.  
Одамлар ўзини урар эшикка —  
чинқирар ҳар жон,  
биноқ  
кимдир  
ечиб камзулин тутар  
қизчага шу он.  
Қизалоқ, эслаб қол у инсонни сен —  
ўзини енга,  
сўнгги нафасини камзулга жойлаб  
узатди сенга!  
Стюардессага сўнг кўзин учирди:  
«Тутгайсиз маъзур,  
ҳар кимнинг ўз диди — менга сира ҳам  
ярашмас камзул».



Сўнг қизни чиқариб тирбанд эшикдан,  
деди: «Бўл бардам!»  
қутқарув ҳалқасин гулчамбар каби отди  
ортидан...

## II

Сўнмаганди унинг теран қалбида  
эртаклар сира,  
Цотна ва Автандил ҳикматлари ҳам  
юраги ичра.  
Уни улғайтганди ҳур қўшиқларда  
товланган сеҳр,  
уни улғайтганди қушларга — шафқат,  
ғўдакка — меҳр.  
Гуржи болалари бежиз юртидан  
туюб зўр фахр,  
найнинг сасларига фаришталардек  
рақс тушмас, ахир.

## III

Сиз қизисиз, ахир, буюк бир халқнинг.  
Сизга нима бўлди бугун?  
Қани у мафтункор қудрат?  
Балки толиққандан  
«Мустанг» рулида борасиз мудраб?  
Сиз қизисиз, ахир, буюк бир халқнинг.  
Бироқ билиб қўйинг, гуссанок хоним,  
шу ер юзида —  
Колхида деган бир мўъжаз юрт бордир  
ва у ўзида  
валломатлар қавмин эта олган жам.  
Бинобарин сиз  
улғайдингиз —  
она бўлдингиз ҳамда  
шу ҳаётингиз

гуржи кўкрагидан  
чиққан нафас-ла  
этмоқда давом.  
Машинангиз учиб борар еллардек  
довонма-довон.  
Сиз бахтлисиз бугун —  
йироқсиз балки аламдан — зордан,  
биноқ эслайсизми танти инсонни —  
сизни қутқарган?  
Балки тушингизга кириб  
ҳар кеча  
ухлатмас бот-бот.  
Қутқарув чамбари  
унинг устида  
айланар озод.  
Йўлингиз тушганда келинг бир,  
қизим,  
бизнинг ўлкага.  
Бу ер одамлари меҳмондўст —  
худди Унга ўхшаган.  
Суюкли Гуржистон!  
Мард инсонларга  
ватан бўлган жой.  
Денгизда  
қутқарув чамбарагидек  
айланади ой.





*Белла  
Ахмадулина*

(1937)





*Белла Ахатовна АХМАДУЛИНА Москвада туғилган. Болалигидан шеърлар ёза бошлаган. Ўрта мактабни тамомлагач, у М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради.*

*Талабалик пайтида кўплаб очерклари ва шеърлари матбуотда эълон қилинади.*

*Шоира 1959 йили Б.Пастернакни қоралашда иштирок этишдан бош тортганлиги учун институтдан ҳайдалади, бироқ кейин яна қайта тикланади. 1960 йили у институтни аъло баҳолар билан битиради.*

*1962 йили шоиранинг П.Г.Антокольский савъ-ҳаракати билан "Соз" номли илк шеърий тўплами чоп этилади.*

*Шоиранинг иккинчи китоби 1969 йили ГФРда нашир қилинади. Ўша пайтда бу шоира бошига кўп ғалваларни келтиради. Шунга қарамасдан, унинг қатъий цензурадан ўтган "Муסיқа дарси" (1969), "Шеърлар" (1975), "Шам" (1977), "Бўрон" (1977) каби шеърий тўпламлари нашир этилади.*

*Ўтган асрнинг "илиқлик даври" деб аталувчи 60-йилларида Б.Ахмадулина сафдошлари – А.Вознесенский, Е.Евтушенко ва Р.Рождественскийлар билан янги шеъриятни шакллантиришида фаол иштирок этган шоирдир. Бу шеърият халқ қалбига адабиётни, шунинг билан бир қаторда ҳақиқат учун кураш туйғусини, юксак маънавиятни олиб киришида катта хизмат қилди.*

*И.Бродский Белла Ахмадулинани "Лермонтов-Пастернак йўналишидаги шеъриятнинг муносиб вориси" дея таъкидлайди.*

*Шоира грузин мумтоз шеъриятдан кўплаб таржималар қилган.*

*2004 йили Россия Давлат мукофоти билан тақдирланган.*

\* \* \*

Яна куз, юракни чулғар ғусса-ғам,  
Кеч кириб, уфқда сўнар алвон из.  
Менга туюлади боғ ичра бу дам  
Кимдир сайр этади ўйчан ва ёлғиз.

Кўрқинчлимас, балки фараҳли жуда  
Теграда илғамоқ шарпалар сасин.  
Кузги оқшомларнинг сарин бағрида  
Туяман ўзгамас, мен дўст нафасин.

Кўчирсанг қалбга куз лавҳаларини —  
Сўнг бор тонгни алқар шабнам, бокира;  
Сўнгги парвози ҳам карахт арининг  
Муҳрланар ёдга, ўчмасдек сира.

Кимнинг нигоҳи у — термилган маъсум,  
Ойга етиб бориб ва қайтиб ундан  
Латиф ёғдуларга тўйиниб шу зум,  
Тун ичра сирлашиб турар мен билан?

Ой нури йўғрилган ҳар нигоҳ ўзи  
Дунёга меҳр ё таъналар ила  
Боқмоққа ҳақли ва марҳумлар кўзи  
Боқар турфа давр, замонлар узра.

Ялангоч тошлардан қайтган у шуъла  
Бежиз жазб этмагай инсон шуурин.  
О, биламан, кимдир ҳаммадан кўра  
Унга кўпроқ боқиб берган куз нурин!

Дераза ёнида боғни тинглаб шан,  
Тирқиш қолдираман мангулик учун.  
Пушкин нигоҳини мандан узмасдан  
Ёноғим ёндириб чиқар бутун тун.



\* \* \*

Ёмғир қуяр тепамдан шаррос,  
Ваҳм солар қалди роқ жонга—  
Тўқнаш келдим мен сенга бехос,  
Дуч келгандек кема тўфонга.

Қандай қисмат тушаркин бошга...  
Ҳадиклардан эмасман холи —  
Урилгумми бориб бир тошга  
Ёки мени қаршилар толе.

Мен қўрқаман, қувонаман гоҳ  
Хавотирлар тўлқини аро...  
Гарчи бизлар тўқнашдик ногоҳ,  
Қўрқмасман мен севгимдан асло.



## ГУНГЛИК

О, ким у – бўғзимдан ўғирлаган сас?  
Очилгайми бу сир, бу тилсим таги?  
Унга нола қилай деса қилолмас  
Тузалмас жароҳат томоғимдаги.

Баҳор, мўъжизангга боққаним сари  
Ҳайратдан кўзларим очилар катта.  
Бироқ энди менинг булбул сўзларим  
Боғларда сайрамас – ётар луғатда.

– О, куйла! – илтижо қилар ушбу дам  
Менга қорлар, ёмғир, ёш новдалар шан.  
Мен-ку, бақираман, бироқ лабимдан  
Гунглик қалқар – буғдек оғиздан чиққан.

Илҳом бу – туйғулар мавжланган лаҳза  
Гунг-соқов қалбингнинг ютоқиши, ҳа.  
Енгиллата билмас мени ҳеч нарса  
Бўғзимдан отилган сўзимдан ўзга.

Эшилиб-тўлфонгум туюб нашида,  
Ваъдалар бераман куйларман деб жим –  
Туриб қиш зеб берган дарахт қошида,  
Гарчи билсам-да мен куйлолмаслигим.

Қанийди овозим борлиқни тутса –  
Бўғриққан юракни бир зум бўшатсам!  
Неники куйлашга эдим ошуфта,  
Бўлгумдир уларда буткул мужассам.



Мудом тилсизлигим сабримни ютди  
Ва сўз қаршисида чўқарканман тиз,  
Бирдан ҳолдан тойгум, жонсиздек худди, —  
Энди куйланг, куйланг мени ўзингиз!



## ХАЙРЛАШУВ

Хайрлашув они сўнгги сўзим шу:  
Яхши бор, мудом сев демасман энди.  
Ақлдан озгум мен. Шаффоф қалб – орзу  
Бамисли тошларга урилиб синди.

О, нечук севги бу? Сен тотиб кўрдинг  
Ишқнинг талх шаробин. Лек гап бундамас.  
О, нечук севги бу? Қолди дилда мунг,  
Қолди фақат зулмат... Оҳлар урмоқ, бас!

Қалб алам комида... О, сенга, билгин,  
Истиғфор йўқ мутлақ. Лек мен тирикман.  
Вужудим чарх ургай топмасдан кўним,  
Бироқ у сафосиз, энди қуруқ тан.

Сўнгги илинжимнинг парвози ҳали  
Тугамади. Бироқ дунё заъфарон.  
Ифорлар, товушлар қушлардек – гала  
Айқаш-уйқаш учар йўқликка томон.



\* \* \*

Сарфламагин менга вақтингни ортиқ,  
Гап қотма йўлимда бўлиб сен пайдо.  
Эзгу нигоҳларинг ҳамда шафқатли  
Қўлларинг-ла тутма қўлимни асло.

Баҳор пайти сакраб қўлмаклар узра,  
Изимдан эргашма, сўзимга маҳтал.  
Ушбу учрашув ҳам кор келмас сира,  
Аниқ – ҳеч бир нарса бўлмагайдир ҳал.

Ўйлайсанки, кибр – қалбдаги ройиш,  
Сен-ла дўстлашмоққа йўқ менда истак?  
Фурудан эмас бу – куйганим боис  
Мудом мен бошимни тутаман юксак.



## ОЙПАРАСТЛАР

Тун чўкиб, ой чиқар фалакка тўлин,  
Йўғириб дунёни ғуссага маъсум.  
Ойпарастлар эса чўзганча қўлин,  
Эргашарлар унинг изидан маҳкум.

Ёввойи шуурнинг қанотларида.  
Ҳамон тутиб руҳда кундуз измини,  
Улар учар шаффоф хилқатлари-ла  
Ойнинг шуъласига бериб изини.

Таратиб унингдек совуқ нур-зиё,  
Ўзидан ҳеч нарса қилмайин ваъда,  
Юксақдан чорлайди мени бир рўё,  
Сўздек соғинтириб ойдин тунларда.

Енга олгайманми унинг қийноғин,  
Илғай олурманми шуъласин соҳир?  
Руҳимга ёғдулар ёғилган чоғи  
Ярата олгайми қалбим жавоҳир?



\* \* \*

Йўловчи йигитча, йўлингдан қолма,  
Муддаонг нимадир — бу нечук нигоҳ?  
Кўнглим эгаси бор, назаринг солма,  
Ёшмасман, ортгирма мен учун гуноҳ.

Кўзингнинг оловли учқуни-ла тек  
Термулиб мен сари

туйдинг не армон?

Шу пайт, нимагадир, ёшлиқдагидек  
Чехрам беихтиёр бўлди нурафшон.

Бораман... қиш заҳри тўқиниб менга,  
Чимдийди юзимни... қорда ўйнар нур.  
Қор қалин... аммоки ёноқларимга  
Тепчиб чиқа бошлар ажиб бир ҳовур.



## ГУРЖИ АЁЛЛАРИН ИСМЛАРИ

Денгизда кемалар сузарди ҳар ён,  
Кўм-кўк мавжлар узра кунга буриб юз;  
Чинорлар қирғоқда барг ёзиб ғужғон,  
Уни тўкардилар киргач сокин куз.

Ўвиллаган кўҳна боғнинг четида  
Турар бир дўконча – ҳеч ашъёси йўқ,  
Янграр биллур узум ўткир ҳидидай  
Гуржи аёлларин исмлари шўҳ.

Уланиб кетар у чулдироқ сўзга  
Ва бу сўз уммонга чиқар югуриб.  
Сўнг у сузиб кетар қора тўш ғоздек,  
Ҳар сорига толма бўйнини буриб.

Кулади Тамара исмли аёл,  
Тошдан-тошга сакраб чопар сув томон;  
Туфлиси пошнасин синдириб олар,  
Бироқ бундан завқи ортади чандон.

Медея сочларин жиққа ҳўл қилар  
Эрта тонг шаршара остида туриб.  
Ҳали ҳам томчилар ундан томчилар,  
Ўйнар вужудида офтобнинг нури.

Мавж уриб қучоққа тўлган чечакка,  
Шаррос толпопукка тўқиниб илкис,  
Ариадна исми ўрлар юксакка  
Ва сингиб кетади уфқларга олис.

Тиралиб қозиққа – сувдаги саёз,  
Денгизга энгашар соҳил бу дамлар.  
“Цисана!” – дарчадан таралар овоз,  
“Нагэла!” – ва унга жавоб жаранглар.



\* \* \*

Неча бор ҳаёт-ла мен видолашдим,  
Неча бор ўйладим — ҳаммаси тамом.  
Тунлар қоғоз узра термилганда жим,  
Тукилди сўзларим лузумсиз, бежон.

Кўрдим мен тақдирнинг таҳқир-озорин,  
Руҳим қўрқувлардан, титроқдан толди.  
Бироқ ҳар гал мени Гуржи диёри  
Бошимни силади, бағрига олди.

О, қанча илтифот, меҳрлар кўрдим,  
Қандоқ сўзлар айтиб англатай кимга, —  
Фалати ҳисларга йўғрилиб кўнглим,  
Қайноқ ёшлар сизди мижжаларимга!

Тифлис, билмай қолдим, англолмам сира  
Қай бағритош ота, қай сангдил она —  
Мени қолдирмишдир остонанг узра  
Кераксиз фарзанддек — худди бегона.

Тифлис, менга зинҳор қилмадинг маълум,  
Мен ҳам сўрамадим — нечун ҳимматлар.  
Мени совғаларга кўмдингу бутун,  
Яна боз устига айтдинг “раҳмат”лар!

Туманга чулғанган эртанги куним  
Ичра яратмай мен ҳар қанча имкон,—  
Сенинг муҳаббатинг оқламоқ учун  
Умрим камлик қилар, ожиздир бу жон...



## ШЕЪРИЯТ КУНИ

Ким у — бу кунни деб безовта бўлган  
Ва уни байрам деб жар солган мағрур?  
Бағрида изларим йўқолган йўлдан  
Халқ оқиб келмоқда майдонга масрур.

Ажойиб бир айём — эл шаҳди бўлак.  
Солмам мен юракка унинг шукуҳин.  
Сен мен-чун бир кунсан — оддий ва юксак,  
Зотан тантанадан йироқдир руҳим.

Халқ тинглар ютоқиб, жўшиб алқайди,  
Не ажаб, шеърий сўз уни этса жалб.  
Ҳислар қамти турса — кабир ва майда,  
Кўп ҳам фарқлай билмас жайдари бу қалб.

Жаҳолат қуршаркан чор атрофни, бас,  
Ҳеч ким туймас экан бунда залолат,  
Байрамлар бекорга уюштирилмас,  
Инжа умид учун шудир кафолат.

Бежиз титратмагай шеърнинг сўзлари,  
Юрак туйғуларга тўлар эзгу, шан.  
Зеро болалар ва қизлар кўзлари  
Бежиз порламайди ўткир ҳайратдан.

## МЕҲР

Бу меҳрни сезса бўлур ва,  
Аён унда аломатлар ҳам.  
Гоҳ у яққол ташланар кўзга,  
Нарсаларда бўлиб мужассам.

Бир антиқа биллур идишдек  
Стол узра бўлар у пайдо,—  
Ажабланиб термуларсан тек  
Нурланаркан ажиб, мусаффо.

Оилада ғалати жунбуш,  
Ҳамма қотар ҳайратдан таққа.  
— Қайдан келди бу биллур идиш? —  
Хотинингни тутгунг сўроққа.

— Харид қилдинг неча пулга, айт? —  
Деб шўрликни қийнама ортиқ.  
Фақатки мен олисда бу пайт —  
Яшнамайман ўзимдан ортиб.

Биллур менинг кўз ёшларим ҳам,  
Томчиси, о, оғир туюлар,—  
Тошга тушган шишадек бирдан,  
Сукунатда жаранглар улар.

Кўришмаймиз кўп замон магар,  
Йўқ, кўришиб оз вақтга мутлоқ —  
Мен беозор, ҳар гал безарар  
Муъжизалар яратгум шундоқ.


Бехос осмон тортар-да хира,  
Тўрт тарафни чулғаган ғубор.  
Қичқиргунг сен: — Тинчлик йўқ сира!  
Қайдан келди бу булут, ағёр?

Сен иримчи деҳқон сингари  
Айюҳаннос кўтарма бирдан —  
Меҳрим биллур заррачалари  
Инмиш сенинг кифтингга бу дам.

Сездирмайин, кўзлардан пинҳон  
Сехр-жоду қилгайман сени.  
Ва нимадир қаршингда шу он  
Пайдо бўлар эслатиб мени.

Макрларим эрмак эрур заб,  
Йўлларингда ташлайман каманд.  
Сени ғамдан, кулфатдан асраб,  
Ўзимни ҳам қиламан хурсанд.

Хайр энди! Йўлингдан қолма!  
Унут бўлар жоду-эрмаклар.  
Бироқ мурғак фарзандларингда  
Қолар мендан кейин эртақлар.



## АПРЕЛ

Қизлар — яшар висол орзуси билан,  
Йигитлар — ўзларин сафарга шайлар.  
Апрел айёмлари ёқимли бирам,  
Ҳаммани бир-бири ила дўст айлар.

Янги ой чиқар, о, янги салтанат,  
Олам кўркамлашар сенинг туфайли.  
Сенинг хислатларинг яхшилик фақат,  
Оғар шафоатга кунларнинг зайли.

Кутқаргунг дарёни музлардан қат-қат,  
Олисларни яқин қилмоқ сенга хос.  
Телбалар кўнглига соласан ҳикмат,  
Чолларни дардлардан айлагунг халос.

Шафқатинг керакмас фақат бир менга,  
Сўрмасман лутфингни ёлбориб минбаъд.  
Чироқни ўчиргум кириб хонамга  
Ва хона ичин ҳам чулғайди зулмат.



## БҮРОН

Кўмар борлиқни бир ажиб оқликка  
Феврал — табиатнинг лутфи, нафрати.  
Шимолнинг бетакрор кўҳлиги ила  
Беланди далабоғ ғариб турбати.

Тўрт уйдан иборат кўча кириб кеч,  
Кенгайиб бўйига, энига бу чоқ —  
Олар ўз бағрига иккиланмай ҳеч  
Осмоннинг бор қорин, ойни — бир қучоқ.

Изғирин увиллар! Не қилсин бу дам,  
Бўрон — кенгликларда тўзғиган қордир.  
Ва бу манзарани юрак тубидан  
Ҳис эта билганлар учун нисордир.

Муз тубида қолган жилдироқ сой-у  
Бошин маъюс эгган қарағайни ҳам  
Ва мўъжаз довоннинг сахт-сумбатин у  
Кўмиб ташлар бошқа кўркка тамоман.

Балки шундан унинг гувранишида —  
Кечмиш гўзаллик ва ошуфта кунлар,  
Фароғатин қўмсаб оҳ тортишлар ва  
Алаҳлаган янглиғ жунбушли унлар.

Кўмилиб қорларнинг қалин сирига,  
Узилар дафъатан тириклик саси —  
Уйлар, қабристонни бири-бирига  
Мудом боғлаб келган ғамнинг риштаси.

## АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙга

Бизнинг манглайларга сўз сеҳрин босди,  
Дўстлаштирди бизни эътиқод, ғоя.  
Мен ўзимни ҳурмат қилардим, рости,  
Фақат бўлганим-чун сенга ҳамсоя.

Шеърдан маст юрган илк паллалар ҳар дам  
Фараҳларга чулғар эди дилимни —  
Тинмай таъкидламоқ сенинг кўплардан  
Айричалигингни, устунлигингни.

Манглайинг ҳақида гапириб сенинг,  
Дердим: — Олтин ёғду қошлари узра  
Порлаб турганини кўрдим — бу, билинг,  
Унга тангри лутфи, инояти, ҳа.

Ўзимнинг пешонам ҳақида дердим,  
Асло ярқираган пешона эмас!  
Унда бахт тамғаси йўқ эрур тайин,  
Асло улуғликдан нишона эмас.

Бироқ чаптастроқман мен бир нарсада,  
Ажиб ҳийла ила барин этгум ҳал!  
Олий муҳр-чун хун тўлар лаҳзада  
Ўзимга сўргум мен жазони аввал.

Атайлаб бўрттириб манглайим шунда  
Мақтангум — мендадир асл иқтидор.  
Иккинчи манглай ҳам ёмонмас унча,  
Тор бўлса, бу унинг айбимас зинҳор.

Менинг кўнглимда шу фикр муқаррар,  
Қисмат, шаксиз, буни шу тарзда ечар.  
Бироқ кўрқаманки – мен кетсам агар,  
Сенинг ҳолинг қандоқ бўлар, не кечар?




## КУЗ

Кўм-кўк осмон энди тундлашар, қора,  
Арилар болини бермоққа шайдир.  
Куз чуқур тин олар, қалб ҳам тобора  
Тажриба орттирар, теранлашгайдир.

Худди мевалар тот йиғгандек чандон  
Туйғу сайқалланар, заҳматлари кўп.  
Зеро куз меҳнати эмасдир осон,  
Худди сўзникидек машаққатли хўб.

Кунлар замирида бордек толе — қут,  
Кузнинг сийратида ажиб ҳикмат бор.  
Доноликка ўхшаб туюлар сукут,  
Сингар юрагингга сокин бир виқор.

Ҳатто болакай ҳам велосипедда  
Елдек учиб борар экан олмай тин,  
Сенга бир зум боққан нигоҳларида  
Кўрасан қандайдир ғуссани ёрқин.





## МАНЗАРА

Ҳали куз, бироқ қиш ёйиб юборгай  
Зебу зийнати кенгликларга заб.  
Қочиб шуълалардан, ўтаман четлаб,  
Туширмаслик учун соям оқ қорга.

Шишасоз, жо этдинг қандайин мазмун —  
Биллур сумалаклар нур тарар ҳар ён!  
Суриб қалпоғини энсага шодон,  
Шимар муз парчасин болақай мамнун.

Мен ҳам гўё ёшман — дунё фаройиб,  
Оғзимда қатра муз эрир мисли бол.  
Қорларда сирғаниб, гоҳ бехос тойиб,  
Эрта тонг йўлимда бораман хушқол.



## ГУЛЛАР

Ўсар гуллар иссиқхонада хандон,  
Деворларга, шифтга сўйлаб дил розин.  
Илдизлари яйраб семирар чандон,  
Бироқ япроқлари юпқа ва нозик.

Писандмас уларга энг совуқ мавсум,  
Нени истасалар — пойида шундоқ.  
Токи ардоқдаги гулларнинг маъсум  
Кўзлари порласин ёрқин ва қувноқ.

Чироқлар осдилар — сочсин деб ёғду,  
Уларга илтифот, эътибор каммас —  
Раҳмлари келиб кетганданмас бу  
Ёки улар узоқ турсин деб ҳаммас.

Байрам-чун асралар улар, бегумон,  
Мен улар қисматин ўйлайман ҳар бор,  
Ифорни билмаслар, ахир, ҳеч қачон,  
Фақат боғда бўлар бундайин ифор.

Улар ушланмаслар лабларда узоқ,  
Билмаслар сирини тонгги титроқнинг.  
Ва меҳрини туймай ўтарлар мутлоқ  
Тун бўйи ёмғирга тўйган тупроқнинг.

## ҚИШ

Қишнинг замзамаси – аёз қатида  
Яшириндир оташ, ажиб эҳтирос.  
Бор эрур қишнинг бу фазилатида  
Малҳамбахш хислатлар, тиббиётга хос.

Йўқса, нечун юрак озурда, талош  
Изтиробин – чиқиб туннинг йўлига  
Ишонгандек худди дўстига сирдош,  
Тутмоқчи бўлади қишнинг қўлига?

Қорли тун, афсун қил, сеҳрла минбаъд,  
Босгум манглайимни тонгингга бедор,  
Вужудим топсин то ажиб масаррат  
Шифобахш бу совуқ бўсадан такрор.

Шуур мавжланади лоқайдлик сўниб –  
Ёлғонни ишонч-ла қарши олмоққа,  
Боқмоқликка ҳар бир дарахтга тўниб,  
Жонвор нигоҳига нигоҳ солмоққа.

Кечирмоқ оддий, жўн ўйиндир гўё,  
Кечиргайсан сенга қилганни таъна.  
Етгач поёнига афв шу асно,  
Кечиргинг келади кимнидир яна.

Аёзли айёмнинг боқиб қалбига  
У билан бўйлашгинг келар жимгина.  
Ва бўлмоқ истайсан қишнинг олдида  
Унинг бир жилоси – инжа, кичкина.

Ўзимни маҳв этгим келади шу он —  
Девор ортидаги соямни эмас,  
Вужудим тўсмаган нурни чароғон  
Рўпарамга чорлаш учун бир нафас.



## САҲНАГА ЧИҚИШ

Келибоқ, бу йил қиш қорлари кўкдан  
Ерга қўнганидек енгил, беозор —  
Мен ҳам чиқиб келдим саҳнага десам,  
Сизлар бу сўзимга ишонманг зинҳор.

Кўника олмам, о, нигоҳларингиз  
Тафтига рўбарў турмоққа мудом.  
Овозларим менинг оёқларингиз —  
Остига тўкилар ва эрир тамом.

Карахтман! Ҳолим йўқ! Тўшакдан туриб  
Саҳнага чиқмоқлик — оғир юк, малол.  
Манглайим нақ муздор! Кўксимда хуруж!  
О, кимдир, келгин-у, вақтни чўза қол!

Мисли сим дор узра турибсан бу чоқ —  
Ўтиб олгин омон, пастга қуламай.  
Аён — тугаябман, кўз очгум бироқ.  
Шундоқ бўлган. Бўлар бу гал ҳам шундай.

Жо айлаб қалбга руҳ тугёнин, азмин,  
Ташна юракларга бахш этгум борим.  
Лек мен севган инсон ўлтирар вазмин,  
Шояд етган бўлса унга ҳам зорим.

Ўзимга келганда — ниҳоят тинган  
Бир мажҳул гирдобдан чиқаркан охир,  
Кимдир дейди: кўрдим, у артист экан,  
Яна кимдир дейди: йўқ, у чин шоир.

Томоғим қирилди шеър ўқимоқдан,  
Бироқ энди ортда таралдуд ғами.  
Тобора ёрқинроқ – битта жамулжам  
Сиймога айланар чеҳралар жами.

Таъзим айламоққа вужудим карахт,  
О, олгум ниҳоят мен енгил нафас.  
Сизга беролдими сўзларим фараҳ?  
Кўп эмас – озгина бўлса ҳам, шу бас.





*Иосиф  
Бродский*

(1940 – 1996)





*Иосиф Александрович БРОДСКИЙ XX аср рус шеъриятига катта ҳисса қўшган шоирлардан саналади. У 1940 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида дунёга келди.*

*И.Бродский адабиётга мойил ошлада ўсганлиги учун болалигидан шеър машқ қилади. У кундузги мактабда ўқишни истамай, кечки мактабда таълим олади. Сўнг турли соҳаларда оддий ишчи бўлиб ишлайди.*

*Ёш шоир бирмунча ҳаётини тажриба орттиргач, бутунлай адабий фаолиятга шўнғийди.*

*Унинг А.Ахматова билан танишуви ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Кейинчалик у А.Ахматова номини кўп бор эҳтиром билан эслайди. И.Бродский ўз ижодига О.Мандельштам, М.Цветаева, Р.Фрост, У.Оденлар катта таъсир кўрсатганлигини эътироф этади.*

*И.Бродский ижодининг дастлабки давридаёқ, дунёқараши шўролар мафқурасига мос келмаганлиги туфайли таъқибларга учрайди ва у "ҳеч қаерда ишламайдиган текинхўр" сифатида айбланиб, 5 йилга Шимолга сургун қилинади. Шоир Д.Шостакович, А.Ахматова, С.Маршак, К.Чуковский каби йирик шахсларнинг кескин талаблари туфайли муддатидан илгари сургундан қайтарилади. Айни пайтда унга мамлакатдан чиқиб кетиши шарт қўйилади.*

*И.Бродский 1972 йилдан хорижда яшаб ижод этди. Унинг "Саҳродаги бекат", "Ажойиб асар якуни", "Гап бўлаклари", "Урания" сингари шеърий тўпламлари, "Меҳмон", "Петербург романи", "Зофья", "Қирлар" каби кўплаб дostonлари рус ва жаҳон шеърияти хазинасига бебаҳо мулк бўлиб қўшилди.*

*Унинг ижоди 1987 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган.*



\* \* \*

Осмон қора эди, зим-зиё, бироқ  
Отнинг сағрисидан эди ёрқинроқ.  
Ўлтирардик гулхан ёнида бедор,  
Пайдо бўлди шунда бир қора тулпор.

Таърифга сиғмасди тўсдек сиёғи,  
Кўмирдек қоп-қора эди оёғи.  
Йўқ эди сиртида толадек зиё —  
Ёлидан думига қадар сим-сиёҳ.

Бағоят тимқора эди ушбу дам  
Унинг салт яғрини эгар кўрмаган.  
Тек қотиб турарди. Ухларди гўё.  
Қора туёқлари ғалати, бежо.

Сояни сезмасди қоралигидан,  
Сира бўлолмасди қорароқ бундан.  
Қора эди — гўё зулмат суврати  
Ё худди ялтироқ игна сийрати.

Қора эди — нурсиз узлатдай мутлақ  
Ё кўкрак қафасин бўшлиғидай нақ.  
Шундоқ шудгор бағри — уруғ тушган жой,  
Бизнинг ҳам ичимиз қора, ҳойнаҳой.

Боқар у ҳайкалдек — тек қотиб бутун!  
Вақт-чи, эндигина эди ярим тун.  
Лекин қўёлмасди олдга бир қадам,  
Човин чулғанди қуюқ тун бу дам.

Турарди шарпадек чиқмайин саси,  
Қолмаганди унинг бирон қашқаси.  
Кўзлари ярқирар бир жуфт тирқишдек,  
Кўрқинчлироқ эди қорачиғи лек.

Тасвири эди у кимнингдир қора,  
Нега югуришдан тўхтаб у, ё раб,  
Нега нафас олиб қора ҳаводан,  
Бехос шох-шаббага тегиб дамо-дам,

Гулханнинг ёнидан кетмади асло,  
Ёнимизда қолди саҳаргача то?  
Нега сочар кўзи сим-сиёҳ ёғду?  
Чавандоз танларди орамиздан у.



\* \* \*

Кунлар учиб ўтар устимдан  
Юрагимни гумуртиб андак,  
Гўё ўрмон бағирлаб сузган  
Оқ булутлар сингари лак-лак.

Гоҳо тўхтаб сойнинг қошида,  
Бирон садо чиқармай сира —  
Ёнбошлар жим хаёллар ила  
Эски қўра панжарасига.

Дўнглик узра уфқ турар гамгин,  
Оқар ундан вақт сарбасар.  
Лекин тонглар отганда рангин,  
Ўтган кундан қолмайди асар.

Кечаги шом шошилиб бирам,  
Ғойиб бўлар — қайрилмас зинҳор.  
Қараб қолар унинг ортидан  
Чуғурчуқлар уяси, шудгор...



## АЁЗЛИ ШОМ

Қор босди хас-хашакни,  
Ёз исин туйди димоғ.  
Учратдим капалакни  
Пичанни ағдарар чоғ.  
Капалакжон, капалак,  
Бўлдингми роса ҳалак?  
Чордоқда сен сақлаб жон,  
Чиқибсан қишдан омон.

Аввал у ҳайрон боқди,  
Сўнг учди, қанот қоқди.  
Оқ ёғдусин тараб қор,  
Нурланди оғоч девор.  
Кузатдим унинг рангин,  
Қўлимга юққан чангин —  
Чўғдан-да, кафтимдан-да  
Ёрқин кўрдим шу дамда.  
Аёзли шом чўккан пайт  
Иккимиз эдик танҳо.  
Бармоқларим туйди тафт,  
Ёдга тушди ёз, жавзо.



## ШАҲАРГА БАҒИШЛАНГАН СТАНСЛАР

Қисмат изн этмас —  
Кўз юммоқликка сендан йироқда,  
Уфқлар ортида  
Қолиб кетмасман мангу саргардон.  
Қисмат изн этмас —  
Сенга ҳам лак-лак булутни қувган  
Оқшом оғушида  
Турганим кўрмоқни афтода, гирён.

Менинг жанозамни  
Ўқисин сувлар, осмон, қоятош,  
Гуноҳимни эслаб  
Боссин бағрига, қаърига ютсин.  
Осий бир қочоқнинг  
Ёдин мунаввар қилиб оқ тунлар —  
Мангу маҳобатли  
Ўчмас шавкатинг азамни тутсин.

Ҳамма тин олади,  
Фақат шатакчи кема қичқираб  
Дарё ўртасида  
Ёлғиз курашиб зулмат-ла теран.  
Бу оний оқ кеча  
Қашшоқ ҳаётни никоҳлар — сенинг  
Ажиб кўҳлигинг ва  
Менинг марг топган ҳақлигим билан.

## СТАНСЛАР

Ҳаққим йўқ толега  
Домонгир бўлмоққа,  
Васильевск оролига  
Келаман ўлмоққа.  
Лек сени бу пайтда  
Чулғарки тун-туман —  
Мен намчил асфальтга  
Йиқилгум юзтубан.

Ва қалбим озурда  
Зулматда уринар,  
Петроград устида —  
Кўприкда кўринар.  
Апрелнинг жаласи,  
Ўйнаркан қор ғужғон,  
Тинглайман бир сасни:  
— Хайр энди, жўражон.

Бу лоқайд ватанга  
Босганча юзимни —  
Дарёнинг ортида  
Кўраман ўзимни.  
Қизчалар мисоли  
Бокира, шўх йиллар —  
Туришиб оролда  
Қўлларин силкирлар.

## ШИМОЛ ЎЛКАСИГА

О, Шимол, яшир мени  
Ўрмон бағри, хилватга,  
Яширишгандек мунгни  
Кўздан нари — хилқатга.  
Майли, унда қолиб ҳур  
Ёнай мисли инжа нур,  
Орзуларга бўлиб ёр,  
Ватанни ўйлай бедор.

Тушмагин хавотирга:  
Айлангум мен қарқурга,  
Тақвимнинг варақлари  
Қўнгай қанотим узра.  
Итлар улиши йироқ,  
Милтиқ жим солмас нигоҳ —  
Овлоқларга кетиб гум,  
Тулки каби яшрингум.

Яшир мени, оғзим ёп!  
Олдимга қараган чоқ,  
Унда бошқа нарсамас —  
Кўринсин сариқ ботқоқ.  
Кўзлар бор — фосиқ, бадбин,  
Улардан яшир алҳол.  
Пайқашса агар изим,  
Шу ботқоққа кўма қол.

Жим бўлиш энди галим.  
Ўзимни, лекин маълум  
Этаман — булутларга

Қилмас ким зуғум, зарда  
Қизил бўлгани учун,  
Борлиққа чўкканда тун  
Тор хужрада — кирови,  
Қилиб ёлғиз хиргойи.  
Хаёллар суриб сен ҳам  
Ўз тақдиринг бирла шан  
Шовулла бошим узра —  
Сенга ҳукм қилинган.  
Ложуварддир сувларинг  
Ва соф — нақ шабнамники.  
Ичиб ундан англайн,  
Ҳаёт бу — Эгамники.

Ёзфирма, ғамга ботма,  
Машъум кундан гап қотма.  
Тегрангга ташла нигоҳ,  
Кетарлар шундоқ йироқ —  
Одамлар орасидан,  
Сўнг дарё ёқасидан,  
Ортда қолар тоғ, ўрмон,  
Авж олиб тезлик ҳар он...







## БУЛУТЛАР

Болтиқ бўйин, о,  
Ёз булутлари!  
Кезиб сарсари,  
Тинмайсиз асло.

Ботир, гоҳ дул-дул  
Шаклида баъзан  
Боқасиз кўкдан  
Ният-ла мажҳул.

Фақат бир Тангри  
Англайди сизни —  
Рафторингизнинг  
Нимадан ранги.

Титрайди жонинг  
Шуурдан мутлақ.  
Сиз нусхаси нақ  
Боқий дунёнинг.

Сиз гоҳи кўзга  
Суюк, пурвиқор.  
Йўқ сизга меъмор  
Шамолдан ўзга!

Сиз осмон тахти,  
Шафақ таянчи.  
Сиздир кўчманчи  
Барқарор бахти.

Сизда зиёда  
Гараз ва оқлик,  
Қурчлик, тарқоқлик,  
Рўё, ифода.

Сиздан ўргандим  
Ҳисоблашни соз —  
Завққа тўлиб боз,  
Бўлмоққа танги.

Ҳақиқатларга  
Бергандек фириб,  
Майл билдириб  
Ҳашаматларга.

Сирли ўлкалар  
Акс этар сизда —  
Ки пойингизда  
Уммон ястанар.

Нурлар-ла тикка  
Ёнасиз ял-ял,  
Сиз мисли ҳайкал  
Ҳудудсизликка.

Қаср муҳташам,  
Толстой руҳи  
Ё Рим шукуҳи  
Сизда мужассам.

Эриган беҳол  
Мум каби бу чоғ —  
Мия ё муз тоғ  
Аксисиз яққол.

Шалола оппоқ  
Осмоннинг саҳни.  
Фаришта аҳли  
Базм қураар қувноқ.

Сизларни қутлар  
Фараҳбахш чоғлар —  
Ложувард тоғлар,  
Гўзал булутлар!

Болтиқнинг холис  
Ва осий жиндак  
Кўкидан лак-лак  
Учасиз олис —

Ёқларга нечун  
Ким чорлар сизни?  
Манзилингизни  
Биларми очун?

Ким сизга ато  
Этган шамойил,  
Қисиб астойдил  
Товушдан аммо.

Сиз қурган макон  
Ўсиб ҳар лаҳза,  
Курраи арзга  
Сигмас, каттакон.

Улуғвор маъво —  
Жаннат тимсоли,  
Тақиқдан холи,  
Йўқ гина, даъво.

Мўъжиза ҳаргиз  
Кечар бесурон.  
Тарқалиб ҳар ён  
Борар карвонсиз.

Сассиз тарқалар  
Ўйиндагидек —  
Билмай сарҳад, чек,  
Улар йўл олар.

Уфқларга йироқ  
Сингасиз изсиз.  
Укпар жисмсиз,  
Қалбдан некбинроқ.



## ЭРУВДА

Қорлар эриб, эвоҳ,  
Кўчалар бир ҳол.  
Аравамга эшкак  
Ортдим мен дарҳол.  
Баҳор тошқини бу,  
Тагин босиб ғам,  
Олволдим қутқарув  
Чамбарагин ҳам.

Дарё-дарё сувда  
Кўчалар дилхун,  
Балиқ овчисига  
Ўхшайди бужун.  
Отлар борар сувда  
Бурнигача то.  
Ғилдиракни эса,  
Ғапирманг асло.

Баҳор десак, баҳор  
Эмас, бошқача.  
Кезар ҳамма абгор —  
Қартанг, ёшгача.  
Секин юрар ҳамма,  
Оғир қадам-ла  
Нигоҳлари аммо,  
Ўткир, аламли.

Аравада ўйнар  
Таёқлар ҳар хил,  
Лекин ниманидир  
Туя бошлар дил.

Кўнгилдан ғам кетар,  
Чекинар таъна.  
Шимол ёққа учар  
Турналар, ана.

Шуни ёдда сақла,  
Эй дўст-навқирон,  
Турфа анжомларни  
Ғамлаб бир замон,  
Йигирма беш ёшга  
Тўлган чоғ айнан,  
Куйлаб ярим йўлда  
Эдим мен шўх-шан...



\* \* \*

Қайтыпсан ватанга. Нима бўпти, хўш,  
Боққин атрофингга — кимга кераксан.  
Ким сени ёрлақар бамисоли дўст,  
Ким йиғлар ҳажрингни туйиб юракдан?

Йўл олди майдан тот, ўзингни сийла,  
Термил деразага, хўрсин, хаёл сур.  
Борлиқ мунглиғ сенинг қисматинг ила,  
Қилма иддаолар, бўлма ношукур.

Яхшики, даъвоинг ўзгадан эмас,  
Ўзинг гуноҳкорсан, бундан кўнглинг тўқ.  
Яхшики, ғурбатда то сўнгни нафас  
Сени севмоқликка бурчли кимса йўқ.

Яхшики, гуссаси ортиб зиёда,  
Сенга қўл силкимас ҳеч ким оқшом кез.  
Яхшики, ўйларга толиб пиёда,  
Суронли бекатдан йўл олгунг ёлғиз.

Қандоқ яхши — шошиб туққан юртингга,  
Қадамда ҳадиклар туймоқ дафъатан.  
Ва секин англамоқ — кучоғин сенга  
Очаётганини тагин юрт-ватан.



## ЖУКОВ ҰЛИМИГА

Кўз ўнгимда саф-саф набира авлод,  
Тобут аравада, от тортар секин.  
Карнайлар садоси ва ички фарёд  
Сасларин мен сари етказмас эпкин.  
Нишонларин тақиб, ётар олиб тин,  
Ўлим сари борар саркарда, ҳайҳот!

Жангчи эди, метин ғовлар чинакам  
Олдида йиқилди, ундаги қурол  
Гарчи ёвникидан ўтмас бўлса ҳам,  
Маҳорат кўрсатди Ганнибал<sup>1</sup> мисол,  
Лекин кунларини тутатди пурғам,  
Помпей<sup>2</sup>, Велизарий<sup>3</sup> каби беиқбол.

Аскарлар қонини тўкди у бисёр  
Бегона тупроқда! Куйдими тақир?  
Ёдга олдимикин уларни сўнг бор  
Кўзин юмаётиб? Юз бурди тақдир.  
Нима жавоб айтар — сўрашса хунхор  
Ундан дўзах аро? “Курашдим, ахир”.

Ҳақни тиклаш учун Жуков қўллари  
Энди кўтарилмас жангларда асло.  
Ухла! Рус шавкатин муҳр этган тарих  
Салафларга тўла қўрқмас, бебаҳо —  
Ўзга пойтахтларга кирган жангари,  
Қайтганлар қўрқув-ла юртига аммо.

Маршал! Юҳо ўлим дарёси буткул  
Ҳар неки доврўғни ютар бояқбор.

---

<sup>1</sup> Эрамиздан олдин яшаб ўтган карфагенлик саркарда.

<sup>2,3</sup> Қисмати аянчли тутаган эрамиздан олдинги римлик саркардалар.

Сўзлар ахтараман шаънингга мақбул —  
Ватан халоскори сенсан бетакрор.  
Бас, янгра ноғора, бурғу садо қил,  
Оҳангдан юраклар ҳис этсин виқор.



\* \* \*

Мен ашаддий йиртқич ўрнига  
кирдим қафасга,  
Муддатимни ва қавмимни қизиган мих-ла  
баракка ўйдим.  
Денгиз соҳилида яшадим,  
учраган ҳар касга  
Бефарқ боқдим ва ҳою ҳавасга тўйдим.  
Музликларнинг чўққисидан ярим дунёга  
термилдим бир қур,  
Уч бор чўқдим ва  
чавақландим икки марта.  
Суюб улфайтирган юртдан бош олиб кетдим  
мен мағрур,  
Мени унутганлар бир шаҳар бўлар,  
тўпланишса агарда.  
Дайдидим чўлларда — ёввойи хуннлар  
изғиб-ҳайқирган,  
Қайта урфга кирган либосларни  
эгнимга кийдим.  
Жавдар экдим, хирмонларни қора тўл билан  
тўсдим ёмғирдан,  
Нукул сув ичмадим,  
майдан ҳам гоҳи нафсимни тийдим.  
Тушларимда ҳам дуч келдим соқчининг  
қора қорачиғига,  
Қувғин уқубатин нонини едим,  
қолдирмай ушоқ.  
Овоз пардаларим доддан бўлак қичқириқ берди  
— жон аччиғида,  
Кейин шивирлашга ўтдим.

Қирқдаман бу чоқ.

Нима дейин ҳаёт ҳақда? Кўнглим ўрганди  
дардга, фироққа.

Мен фақат ғуссалар-ла улфатман,  
қилурман улар-ла ёрлик.

Токи оғзим тўлмас экан бир кун қора тупроққа,  
Ундан янграйверар раҳмат,  
ташаккур ва миннатдорлик.





*Роберт  
Рождественский*

(1932 – 1994)





*Роберт Иванович РОЖДЕСТВЕНСКИЙ* Олтой ўлкасининг Косиха қишлоғида ҳарбий оиллада туғилган. Адабиётга, муסיқага қизиққан Роберт муסיқа мактабида ўқийди, болалигидан кўплаб адабий-муסיқий тадбирларда қатнашади.

Унинг илк шеъри матбуотда 1950 йилда эълон қилинади. 1951 йили шоир М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради ва у шундан кейин Москвада яшай бошлайди. 1955 йилда "Баҳор байроқлари" номли илк китоби ва Ёшлар журналида "Менинг муҳаббатим" номли достони босилиши адабиётда ўзига хос овозга эга шоир пайдо бўлганидан дарак берди.

Шоир ўз шеърларида юксак маънавият соҳиби бўлган замондошларининг ички кечинмаларини лирик оҳангларда куйлай олганлиги боис мухлисларининг юксак эътиборини қозонади.

Шоирнинг аксарият шеърлари муҳаббат лирикаси билан йўғрилган бўлиб, ўз даврида ёшларнинг севимли қўшиқларига айланди.

Унинг "Тенгдошимга", "Бағишлов", "Кутими", "Ҳаммаси севгидан боиланади" каби шеърини тўпламлари замонавий шеърятни теран ва майин оҳанглар билан бойитди. "Шаҳидлар ёди", "Ўттизинчи асрга мактуб", "210 қадам" сингари достонлари эси руҳидаги тасвир кўлами, ифода усулининг рангин бўёқлари билан ўзида рус шеърятининг сурурини мужассам эта олган.

Шоир ижоди 1979 йили Давлат мукофоти билан тақдирланган.

## КИМСАСИЗ ОРОЛЛАР

Спортчи тушига кирар зафарлар.  
Шоирлар тушида кўради сўзни.  
Севишганлар эса  
тушида ҳар гал  
кимсасиз оролда  
туярлар ўзни.

Улкан шаҳардаги  
энг олис, сирли,  
еллар ифор сочган ажиб макон бу;  
кўзга кўринмаса ҳамки,  
у нурли —  
сочар ошиқларнинг  
қалбига ёғду.

Ҳатто ўқувчи ҳам —  
зўрдир мияси,  
эслаб қололмаган  
бу жой қайдадир —  
ошиқларнинг бор ўз географияси,  
бор ўз харитаси уларнинг, ахир!  
Ўзгалар чорасиз —  
қилманг таажжуб,  
кимки ошиқ агар  
етар унга, бас.  
Кимсасиз ороллар —  
бор гап, у мавжуд,  
зинҳор эртакмас у,  
уйдирма эмас!..  
Бунда бари жўндир,  
бари жайдари —  
ана, кумуш мавжли  
сокин оққан сой

ҳамда осмондаги  
булутлар ҳарир  
ва улар ортига яширинган ой.  
Еллар  
бунда эркин қоқар қанотин,  
қушлар чуввос солар  
тинмайин сира,  
уммон —  
юрагида мудом талотум,  
тоғлар —  
ишончи зўр ўзига бирам.  
Бунда шаршаралар  
учқур, шарорли,  
майсалар  
тонгларда беланар зарга...  
Толе бундай ноёб,  
ажиб оролни  
раво кўргай  
фақат севишганларга!..  
Бунда — иккита қалб,  
икки қалб — бунда!  
Бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқдир.  
Майли,  
қалдироқлар жўшсин очунда,  
улар бирга токи —  
кўнгиллар тўқдир!  
Лекин бу жўн эмас,  
жўн эмас ғоят.  
Ҳар қанақасидан-да минг бор мушкулроқ.  
Шаҳар  
тинч уйқуга чўмар ниҳоят,  
жимжит боғчаларда жимирлар чироқ.  
Рангин жарномалар  
ниҳоят толар,



сўнади неонлар,  
Энди олар дам.  
Ойналар сўнади,  
сўнар ойналар  
ул ажиб,  
кимсасиз оролларда ҳам.



## САРОБ

Навбатчи қичқирар  
 боқиб уфқ сари:  
 — Ҳой, қаранглар — сароб!  
 Келингиз илдам!  
 Ҳамма таомини итарар нари,  
 отилиб чиқамиз эшикдан...

Боқмоққа шай эдим,  
 гарчи рӯё бу:  
 кўкка етган сарвлар,  
 чаманлар рангин,  
 уммоннинг кумушёл  
 тўлқинларию  
 кунгураларига  
 қадим кентларнинг...

Ахир, ўқигандим бир пайтлар  
 қумда  
 бу гўзал ёлғонлар  
 тикканини қад.  
 О, не-не карвонлар  
 йўлдан бир зумда  
 адашган  
 саробдан лол бўлиб беҳад.  
 Ахир, ўқигандим,  
 биламан илло:  
 одамлар чошгоҳ пайт  
 тундагидек нақ  
 қуёшни лаънатлаб юрганларин  
 ё  
 сув кечганин сувсиз саҳрода мутлақ...

Бироқ бунда:

— Сароб—мўъжиза қани?!

— Қара, бу маконда одмидир бари...

Кўрдим мен уфқда

жўн бир лавҳани —

сузиб борар музнинг

улкан тоғлари.

Улар кун нурида

қиларди жилва...

Ҳар қандай рўёга тайёр эдим мен.

О, Арктика,

ҳатто саробларинг-ла

ҳеч кимни

алдашни истамайсан сен.



## “САКСОН САККИЗ”

Радистларнинг алоқа коди бўйича “88-С”  
бирикмаси “ўпаман” сўзини билдиради.

Сенга ғалатидир  
                                  мен айтар сўзлар,  
чунки шахрингизда  
                                  қордан йўқ нишон.  
Оқ фартукда юрар  
                                  ўкувчи қизлар,  
кўчаларда гуллар сотилар ҳамон.  
Ҳамон шовиллайди сизда дов-дарахт...  
Бизда эса нуқул  
                                  қорнинг ғарч-ғурчи,  
изғирин  
                                  вужудни айлайди карахт,  
оқ уюмлар фақат —  
                                  бу юрт ҳар бурчи...

Хатларим кечикиб борар.  
Кечиргин.  
Почтани айблаб бўлмайди,  
                                  ишон...  
Менга айтишдики,  
урушдан олдин  
бир радист яшаган экан,  
                                  шу Диксон  
оролида,  
                                  бўлиб ошиқи адо.  
Менга айтишдики,  
                                  аввал у ҳаргиз  
севмаган,

сўнг ёнган ишқ ўти аро —  
келгач шу оролга

бир кун радист қиз...

Буйруқ,

ҳисоботлар ичра беҳисоб

бир куни

одатга хилоф дафъатан

йўллади “Ўпаман!” сўзин ва жавоб

Келди унга: “Нима? Тушунмаяпман...”

Кўнглида ўзини лаънатлаб ортиқ,

йигит сўзларидан

қайтмади сира.

Ҳаводан

бўсасин қилганча тортиқ,

яна хитоб қилди:

“Саксон саккиз! Ҳа!..”

Суҳбатнинг давоми

кечди оташин:

“Жонгинам,

қалбимни этаман баён!

(Саксон саккиз!)

Гапим эрур чин.

(Саксон саккиз!)

Ёлғони йўқ, инон”.

Йўлларди бир сўзни

кечаю кундуз,

саксон саккизни у

уриб басма-бас,

жавоб қилмагунча

унга радист қиз:

“Англадим мен сизни —

саксон саккиз, бас...”

Балки бу воқеа  
    бўлмаган сира,  
бошқача кечгандир  
    балки — зиёда...  
Лек менинг ишонгим  
келади жуда —  
шундай мажнунлар ҳам  
                                бор-ку, дунёда...  
Мен ҳам  
дилда севгим туғён қилган дам,  
йўллайман  
юрагим сасин изма-из:  
“Саксон саккиз,  
                                жонгинам!  
Жонгинам,  
                                саксон саккиз!..”  
Бир оташ беаёв  
                                ёқади қоним,  
олисда софингум  
                                сени бетоқат.  
Мен сени севаман жуда ҳам,  
жоним!  
Саксон саккиз!  
Севгум сени тоабал.



## АРКТИКА ХУРУЖИ

Ахтариб ўтирма дорию дармон,  
китоблар титкилаб бўлма овора...  
Бу хасталик сири  
ҳали ноаён,  
тиб илми ҳам унга  
топмаган чора...  
Бир йигит мунғайиб  
юракни эзса,  
чодирга қамалиб  
хўрсинса ҳар бор:  
“Менинг дардим оғир...  
Арктика...” деса,  
ҳеч ким чақирмагай унга шифокор...  
О, бу дард хуружи!..  
Руҳинг чирмар ва  
ажиб оташида  
қиздирар қонни —  
шафқатсиз аёзи ила  
Арктика  
қошига чорлаган, демак,  
инсонни!  
Энди кезмагин сен  
қай юртлар аро,  
кутсанг ҳам баҳорни  
бўлиб бетоқат,  
Қутб сарҳадида юрсанг ҳам ҳатто,  
тушингга кирази оқ қорлар фақат...  
Хўш, у қай риштадир —  
ўзига боғлар,  
қай жозIBA ўрар мангу музларни?

Суви илиқ дарё,  
    сарбаланд тоғлар  
 четлаб ўтмаганми, ахир, уларни...  
 Булар бари гарчи  
    арзимас, сабаб,  
 рўй-рост кўрсайдингиз сиз ҳам бир бора  
 кошндор музларнинг  
    нақшин беадад  
 ва зулмат бағрини  
    айлаб чилпора,  
 кўёш чиқишини кўрсайдингиз бир!  
 Шаффоф ҳаволарга  
    тўлдирсайдингиз  
 кўксингизни,  
    шунда, шубҳасиз, асир  
 бўлардингиз  
 мовий бу маъвога сиз!  
 Туярдингиз шунда —  
    бахт нима асли,  
 шу яйдоқ заминда дўст меҳри нима...  
 Шунга аминманки,  
    сўзимнинг рости,  
 қилмайин сиз шунда ҳеч кимдан гина,  
 такрорлар эдингиз  
    шу каломни, ҳа,  
 қалбингиз чирмаган ҳовурни енга:  
 —Чалиндим  
    Арктика хасталигига!  
 Чақирманг, шифокор керакмас менга!



## МЕВАЛАР

Болалик бамисли ўқилган китоб...

Ўрмон — ортда энди,  
икки қанотдек.

Эсимда:

ул ўрмон ичра беҳисоб  
мевалар ғарқ пишган — тансиқ ва тотли.  
Улар гарчи офтоб тафтин суярди,  
энди барглар аро

топганди ҳузур.

Оҳиста бошини чайқаб қўярди  
ўтлоқ бағридаги олачалпоқ нур.

Фароғат туярди

бу жилва — нурдан

жимжит ўрмон ичи,

турфа анғизлар.

Сариқ гуллар узра қўнарди бир дам  
жимиту залварли қорақўнғизлар.

Қайинлар тепаси зангори осмон,

Унда қушлар саси

эриб-сўнарди.

Рангин ниначилар —

кўзи каттакон

оҳиста елкамга келиб қўнарди...

Мен мева конига дуч келган эдим,

ўзим тўйсам ҳамки,

кўзим оч, тўймас...

Шапкам-ла юзимни артдим-да, дедим,

барин еёлмайман,

етар энди, бас.

Ўзим-ла олиб ҳам кетолмам, аён,  
бирок бир нарсадан эди кўнглим тўқ:  
менга тегишлидир  
энди бу макон,  
бошқа ҳеч кимсанинг бунга ҳаққи йўқ!

Қайтдим оромгоҳга  
шу ўй-ла шаҳдам,  
ва бир ой бу сирни қилмадим ошкор.

Бу орада  
тугай бошлади ёз ҳам,  
боришга шайландим

у жойга такрор.  
Гуруҳ раҳбаримиз қатъий тайинлар:  
“Йўлинг ботқоқ сари сира солмагин!..”  
Тарбиячи Вера Николаевна  
деди:

“Мевалар йўқ, энди қолмаган!  
Уларнинг мавсуми тугаган, тушун...”  
Менинг-чи, аҳдимдан қайтмоғим душвор.  
Нима қибди?


Қайта боришим учун  
ўзим кўзлаб қўйган тайин макон бор...  
Яна йўлга тушдим шох-шабба аро,  
муздек булоқларга чайдим мен юзни.  
Кимлардир атайлаб тортмишдир гўё —  
йўлимда ўргимчак ипларин уздим.

Ортимда  
хапқириб мен босган сўқмоқ  
эгилиб боради бамисоли ёй...

Яна бир бурилиш,  
сўнг ўша ўтлоқ —  
мен кўз остимга олиб қўйган жой!

.... Унда, аввалгидек,  
гиёҳлар дуркун  
чирмашиб ётарди,  
капалак ғужғон.

Ўрмон гувилларди...  
Бағри бус-бутун.  
Фақат мевалардан йўқ эди нишон.  
Бордир на маймунжон,  
на-да қарағат.  
Қани у мевалар —  
мен бир пайт терган?  
Ётар бир чеккада унут бўш сават,  
Нима содир бўлган,  
нима юз берган?..  
Фалати туйғуга тўлдию кўксим,  
қадам босолмайин  
тўхтадим таққа.  
Эсимда:  
ўшанда йиғладим ўксиб,  
узала тушганча қалин ўтлоққа.  
Илғаб ололмадим дафъатан —  
не гап,  
офтоб чиқди аста булут қўйнидан.  
Донишманд табиат  
боқарди менга  
мунис бўтақўзлар нигоҳи билан.



## ГУЛХАН

Гулхан жон берарди одамдек худди...

Дам сўниб,

пасайиб,

ёлқинланиб дам —

ҳаволарни бот-бот чангаллар эди,

ожиз қўлларига кучин қилиб жам.

Тирмашиб юксакка

тутунлар ила,

гўёки чамалаб сўнгги имконни —

олиб кетмоқ бўлар эди ўзи-ла

қоронғи,

димикқан кабир ўрмонни

айириб тик қомат оққайинлардан,

қушлар чуғуридан

аста айириб;

олиб кетмоқ бўлар ўтлоқларни ҳам;

пахмоқ туманларни

барин қайириб

олиб кетмоқ бўлар

осмон юзида

чечакдек сочилган юлдузларни-да.



## ЭШИТЯПСАНМИ?!

Қанийди чой бўлса!  
Қайноқ, аччиқ чой!  
Мурабболи бўлса, оҳ, ҳузури жон!  
Лекин бу бир истак,  
орзу ҳойнаҳой!  
Теграм – бужур қайин,  
пашшалар ғужғон...

Бу кун сен олиссан  
болалик мисол,  
кетдим мен қошингдан  
жуда ҳам йироқ.  
Хаёлдадир энди  
кўришув, висол,  
юрақлар тубида  
адоқсиз фироқ...

Чиқаман  
елларга кўксим очиб тик,  
изғирин захридан қўрқмайман сира.  
Айрилиқ нимадир —  
мен танидим илк,  
ҳижрон бу кун қалбга  
яқиндир бирам.  
Ғуссани кўксимдан итқитиб нари,  
ғам-қайғуга  
барҳам беришим мумкин.  
Келмаса келмасин, майли,  
хатларинг,  
бўлсин нигоронлик умрнинг мулки.

Паноҳ деб билдим мен еру осмонни,  
ҳар қандай ганимга  
бас келгум ҳар он,  
майли,  
ҳар не мушкул қийнасин жонни,  
фақат бир таскинсиз яшашим гумон!  
Майли,  
сен учун бу ғавво беҳуда,  
қаттиқ ботган бўлса, кечиргин агар.  
Эшитяпсанми?!  
Мен истайман жуда –  
мен шунга ишонгим келар  
муқаррар:  
шу некбин,  
навқирон,  
маъсум,  
елвагай  
курраи заминнинг  
бир бурчагида  
ҳислар қуюнига ҳаргиз бўлиб шай,  
энг сўнгги нажотнинг  
ўй-истагида  
бағрингни аламлар  
чирмаркан қат-қат,  
ёзғириб,  
сен  
мени ўйлайсан фақат!



## **ЗАЛДАН ТУШГАН ХАТГА ЖАВОБ**

Унда эзгу сўзлар эди мужассам.  
Сўнгига битилмиш юракдаги сас:  
“Мен ҳавас қиламан  
сизга жуда ҳам!

Хотинингизга ҳам  
қиламан ҳавас...”

Унга қандай жавоб айлаганим соз?  
Зал-ку —  
мухлислардан гувиллар тошиб.  
Маيلي, улар вақтин олсам ҳам бир оз,  
жавоб бергумдир мен,  
қалбимни очиб.

Сиз туясиз шеърлар,  
олқишлар тотин,  
афишаларга ҳам  
боқиб тўймайсиз.  
Шундандир, эҳтимол,  
шоир ҳаётин  
байрамдан иборат  
дея ўйлайсиз.  
Фақат хуш-хандонлик!  
Мисли саҳнада  
тантана олдидан янграгувчи сас...  
Ахир,  
ўйлаб кўринг,  
ҳатто армия

фақат намоишдан  
 иборат эмас!  
 Ҳа, аскар чиройли  
                                 ва кўркам роса —  
 шаҳдам юриб ўтса  
 ўзга бериб зеб.  
 Лекин ер қазмаса,  
                                 юк ташимаса,  
 ким айтади уни  
 “Ҳимоячи” деб?!  
 Бизда ҳам шунақа —  
                                 ишимиз нозик,  
 заҳматлар чекамиз  
                                 гоҳ тунлар бедор.  
 Шон-шухрат —  
 бир кўпик  
                                 ва бундан рози  
 бўлмайдиган  
                                 инжиқ  
 ёрларимиз бор...  
 О, илҳом!—  
 Бу дамлар фараҳли бешак.  
 О, илҳом!—  
 Бемаврид туғилган сурон.  
 Шунда—  
                                 исён  бошлар оташин юрак  
 совуқ тафаккурга қарши, бегумон!  
 Бу—  
                                 мисли фарзанднинг туғилишидир!  
 Қайта туғиласан  
 ўзинг ҳам мисли!  
 Асли энг қора иш,  
                                 дейдилар,  
                                 шудир.



Санарлар  
    энг эзгу деб ҳам  
                    бу ишни.

Ва у —  
    мангу жабҳа,  
умринг берурсан,  
рангин уфқлардан  
    қамашар кўзинг!  
Бунда —  
    ўз-ўзингга  
                    сен халқ эрурсан,  
бунда —  
    салтанатсан  
                    ўзингга ўзинг!

Кетмас бу борада  
зарра фирромлик!  
Ер-осмон қоришар  
                    чайир жонингда.

Қисмат чорлар сени —  
ажиб суронли,  
сурур шарорадек  
    оқар қонингда!

Шаҳду имконларинг ўлчовли,  
биноқ  
туриб бермоқ керак  
сўнгни он қадар!  
Мана,  
    яшаяпмиз қилмай ноз-фироқ,  
юракда гоҳ шодлик,  
гоҳ қайғу, қадар...  
Хуллас,  
    хат битган қиз,  
                    сизнинг хуморли,

маъсум қалбингизга


ғусса тўлмасин.

Тилайман мен сизга

мунис бир ёрни,

ким бўлса бўлсин у,

шоир бўлмасин.



\* \* \*

Қайдадир шаҳар бор,  
 Ұхшар нақ тушга,  
 ҳарир туманларда  
 ётар чулғаниб.  
 Иссиқ,  
 тансиқ меҳри ёдимга тушса,  
 боргим келар  
 уни тавоф қилгани.  
 Ұтган унда  
 олис болалигимиз...  
 Тунлар ошиқаман унга қайтмоққа.  
 Вокзалга чопаман:  
 “Чипта беринг тез!..”  
 “Чипта йўқ...” дейдилар,  
 тўхтайман таққа.  
 Йўқ бўлса йўқ, ошна!  
 Нима ҳам дейсан?  
 Болаликка чипта  
 тагин қайда бор?  
 Балки соғинч гоҳо  
 юракни эзса,  
 унга  
 хаёлан биз қайтамиз такрор.  
 Яшар бу шаҳарда  
 ажиб эртақлар,  
 бокира қалбларда —  
 туйғулар чақин.  
 Унда  
 жуда юксак эди терақлар,  
 унда иморатлар —  
 қуёшга яқин...

Қисматдаги олис,  
                                қўл етмас қўшиқ,  
мунис,  
                                мовий шаҳар,  
                                ташаккур сенга!  
Бизнинг йўлимизга термилма ортиқ,  
қайтмаймиз ҳеч қачон  
                                энди бағрингга.  
Курраи заминда йўл турфа, бисёр,  
теран боқсанг,  
                                умр тўла жумбоқ, сир...  
Болалик,  
                                биз сенга қайтмаймиз зинҳор.  
Бизлар улғайганмиз.  
Сен бизни кечир.



\* \* \*

*А. Агроновскийга*

Тақиллаб тинмайди  
тошли йўлкалар.  
Дўстлар

йиқилган жой —  
энди дўнгчалар.  
Ўтларга кўмилган,  
кўраман баъзан;  
биноқ уйларида  
то ҳануз аза.

Бошқалар кетдилар  
йўллардан ўзга.  
Панага ўтишиб,  
тушмаслар кўзга;  
майда илинжлар-ла  
гирён, овора —  
бу ҳақда сўз очмоқ  
шартмас ошқора.  
Кимлардир бахт учун  
чангал солдилар —  
ёғлиқ ўринларни  
тортиб олдилар.  
Ҳаёти уларнинг  
бирам фаровон —  
тиллари дир бийрон,  
диллари чароғон...  
Мен-ла гаплашишдан  
қиладилар ор...  
Телефон рақамим  
дафтарларда хор.

Номим

рўйхатлардан  
четга сурилган,  
балиқман —

қирғоққа  
улоқтирилган.  
Менинг дафтарчам ҳам  
дилни тортмас кўп.  
Аввал семиз бўлса,  
энди озган хўб.  
Аввал денгиз бўлса,  
энди унда — муз.  
Аввал баҳор бўлса,  
энди унда — куз.





*Виктор  
Соснора*

(1936)





*Виктор Александрович СОСНОРА* Қрим буйидаги Алупка шаҳрида туғилган. 1941 – 1942 йиллар қишини Ленинград қамалида ўтказди. Ўрта мактабни Львовда тамомлайди. Кейин Ленинграддаги Нева машинасозлик заводидида оддий ишчи бўлиб ишлайди. Ленинград Давлат университетининг фалсафа факультетига ўқишга кириб, уни охиригача етказмайди.

Сосноранинг илк шеърлари 1960 йилдан эълон қилина бошлайди. 1962 йили "Январь ёмғири" номли шеърый тўплами чоп этилади.

1967 йили СССР ёзувчиларининг IV съездида А.И.Солженицинни қўллаб хат ёзганлиги учун шоир ижоди тақиққа учрайди. У ўзига хос яккаю ягона "маънавий мождарочи" бўлиб, ёлғизлик азобларини матонат билан бошдан кечиради.

Унинг ижоди ўз даврида сиёсий оҳанглари ва услубий мураккабликларига кўра мамлакатда кам чоп этилса-да, айни пайтда насрий ва шеърый асарлари, йирик тўпламлари Германия ва АҚШда эълон қилинади.

Қўллаб китоблари 1990 йилдан бошлаб ўз мамлакатидида наишр этила бошлаган.

Рус шеърыйати авангардчилари (асосан В.Хлебников) иждодий таждрибасига суянган ҳолда В.Соснора қалб туйғуларини эмин-эркин ифодалаб бера оладиган ўз бадиий услубини шакллантирди. Руҳий кечинмаларни мисраларга кўчиришида шоир учун мазмун ва мантиқ эмас, кўпроқ товушлар жаранги муҳим аҳамият касб этганга ўхшаб ҳам туюлади.

В.Соснора 2004 йилда Адабиёт олдидидаги алоҳида хизматлари учун Андрей Белий номидаги мукофотга сазовор бўлди.



## ТУНГИ НИЛУФАРЛАР


Қийин  
нилуфарларга,  
совқотмасалар-да, гарчи,  
сувда  
юришарлар —  
томоқлари қадар — ботиб.  
Оққушлари билан  
гунг, теран кўлнинг  
ўзларича  
суҳбат қуришарлар.

Ёки улар,  
нилуфарлар,  
юпанарлар  
фақат  
жилва қилганида юлдузлар ниҳон.  
Ёки шаррос  
ёмғир остида  
беркиниб оларлар  
барглари ичра —  
музликлардаги оқ сичқонларсимон.

Қийин  
нилуфарларга,  
гарчи улар  
малаклар маъсум,  
рақсга тушолмасдан турарлар мулзам.  
Юҳо балиқларнинг  
Оч тўдалари  
тишларин ботирар  
бўйинларига,  
раҳм қилмас хира ўргимчаклар ҳам.

Хуррам эпкин эсди, —  
йироқлар чорлар!  
Бироқ кемалари  
кўтармас лангар.  
Тутқин, занжирбанд!  
Офтобдан  
ёғувчи  
шарора селдан  
олиб қочолмайди  
ўзларин улар —  
биллур тўлқинлардан чийралган каманд.

Армондир саёҳат,  
армон —  
ҳатто сайр,  
армондир музликлар тўш қўйган осмон.  
Биргина  
таскин шу:  
тўнғич  
Нилуфар  
Самода ва мавжлар қўйнида шоён  
учар!  
ТЎЛИН ОЙ!



## ЧИГИРТКА

Тун тўшалар ойна кўрфазга,  
тун қучади ясси денгизни...  
Мачталарнинг тепасига тун  
тиклар нурли само гумбазин.

Нечун ухламайсан, чигиртка?  
Жажжи темир кафтларинг билан  
жомдек чала бошлайсан бунча  
лангарларни, гулни, гиёҳни?


Ухлар бу пайт пашша, ниначи,  
сеҳргарлар, оркестрлар ҳам,  
жаллодлар ҳам, Чипполино ҳам,  
шифокору қурт ва қумурсқа.

Ёлғиз сен уйғоқсан, чигиртка,  
жажжи темир кафтларинг билан  
гунчаларни, бошоқларни ва  
лангарларни жомдек чаласан.

Ё ҳавони тебратасанми?  
Маёқларга масъулмисан ё?  
Соқчимисан ширин тушларга?  
Созлайсанми ёки денгизни?

Уйқу билма, билма, чигиртка!  
Жажжи темир кафтларинг билан  
гулкосалар, дону дунларни,  
лангарларни жомдек чалавер!

Янгат созинг, янгат, чигиртка!  
Зарурдир бу, ахир, жуда ҳам —  
Тун ичида лоқал ёлғиз  
сенинг созинг  
янграб турмоғи!



\* \* \*

Чироқлар тўкилади.  
Тўкилади менинг чироқларим.  
Электр барглари — шигил ва ғужғон  
музламоқда яшиллиги ўчган ер узра.

Бу баргларни  
ушласанг — ушлаб бўлмас  
(улар менинг чироқларим барглари!),  
шакл-шамойили — ўзгача,  
ранги — рангсиз.  
Бирон сас чиқармай  
менинг чироқларим барглари  
тўкилади яшиллиги ўчган ер узра.

Хусусан, дарахтлар бунақа тўкилмайди.

Улар бир тўкилса — тўкилар дув-дув!  
Улар бу борада устаси фаранг!  
Эшитишдими куз номини, бас,  
тинмай тўкиларлар —  
бир барг ҳам қолмас!

Йўловчи, дарахтларга  
юрагингни ошкор эт бу дамлар!

Ҳеч ким сезмас — тўкилар менинг чироқларим.  
Тўкиларлар улар —  
битта мен биламан,  
ёлғиз мен сезяпман.

## БУГУН

Қандай из қолдиради қора йўлда  
ёғиб ўтган эски ёмғирлар?  
Ғалати момақалдироқлар бўлди,  
айтинг, унда қандайин сирлар?

Ўчган бу кун уфқнинг қони,  
мавж югурмас ҳовуз сатҳидан.  
Ким туяди ажиб маънони  
жонворлару қушлар баҳсидан?

Ҳар юлдузу сайёра узра  
шуълалардан қамашсин кўзлар;  
ҳар юлдузу сайёра узра  
ажиб нурин сочсин юлдузлар!

Ҳар янги давр янги куни  
собиқ шоирларни тахтидан сурсин.  
Ва янги шоирлар тўлқини  
Этна вулқонидай жўш урсин!

Шу кўҳна хилқатнинг ичу таши  
Бугун касб этади теран мазмун:  
Қуёш айна шу кун сайрар тошиб,  
қушлар кумушланар айна шу кун!

Баҳор рухсорида шуъладан парда,  
бугун қанотланар туйғу дунёси!  
Қуёшга чўмилган ғужғон баргларда  
яшил чақмоқларнинг жилоси!

## ПУШКИН МИХАЙЛОВСКОЕДА

Учиб кетди қушлар, хазонлар.  
Осмонлар — сувқоғоз белгилари.  
Ойнаванд иссиқхонада юрар  
қарқара, оқ либосли қиздек.

Эринмайди олов.  
Кўз қисар  
чилкўз шамдонлар.  
Ёлғизсан. Оғочли уйда  
теран сукунат.

Учиб кетди асалари, ўрдаклар.  
Осмонларда — жинлар кўринмас.  
Шиллиққуртлар кечагина  
ернинг қаърига кириб кетдилар.

Оғочли дунёда сен ёлғиз ўзинг.  
Қоғоз узра қора чақиндек  
қарға пати югурар —  
қораланар қораламалар.

Арилар — уйида, шиллиққуртлар йўқ.  
Қушларнинг-да тўкилган қанотлари.  
Учиб келар қушлар, қайдасиз?  
Бўм-бўш қолди осмон кўчалари.

Ойнаванд панжара ортида юрар  
қарқара – байрам либосида  
ва чизар қорамтир ойнага  
тумшуғи-ла сувқоғоз белгиларин.





## ҚИШ ЙЎЛИ

Товланади сумалаклар —  
о, қиш эртаги! —  
бамисоли балиқчалар сут идишдаги.

Кўринади дов-дарахтлар  
мунғайиб бу дам.  
қорлар узра эшкак эшар бутазор пурғам.

Йўл устида — уфқ сари симдек тортилган —  
жаранглайди куёш  
худди пўлатдайин шан.

Гўзалликка лол термилиб,  
беланиб қорга  
зоҳид-қушча  
ва аёздан совқотган қарға  
уясига тортмоқ бўлар қор нуқраларин —  
йўл четида маржондайин товланган заррин.



\* \* \*

Алвон ранг қор, алвон ранг қор,  
алвон ранг!  
Бораман — кечиб мен ях комни.  
Заррин қор пойимда таратар жаранг,  
бораман,  
қаршилаб музли айёмни!

Бироқ Қутб қайда,  
Қутб қайда,  
қайда Қутб?  
Теварагим нақ муз,  
қишдан борлиқ тўла зорларга.  
Мен кийимим-ла,  
кўзларим юмиб,  
кўмилгим келади қалин қорларга.

Темир бўлгин, темир бўлгин,  
темир бўл!  
Кўзларингни яшнатмасин,  
майли, йўл.  
Ҳар қандай дам  
сен ўз Қутбинг излагин,  
юрагингдан қувгин  
қўрқув ҳисларин!

Темир бўлгин!  
Агарки сен жасурсан,  
ишон қаттиқ —  
ўз Қутбингни  
топурсан!

\* \* \*

О, илҳом! —  
Бошланаркан ҳароратбахш кун,  
симирганча зангор осмонни,  
қоғоз узра қотасан бир зум  
чамалаб  
нақ юзта дostonни.  
Сўнг  
ғалати ғурурдан тошиб,  
шеърларингнинг нақшини ўйлаб,  
кенг дунёга қалбингни очиб,  
одимлайсан жим  
йўлак бўйлаб.  
Алқайдирсан гулларнинг барин,  
роз айтасан ҳар битта тошга  
ва ярқироқ қофияларинг  
кўз-кўз қилгунг —  
тутиб Қуёшга!



## ОЙСИЗ ТУНДА

Кийдилар қоқигуллар  
оқ скафандрларин,  
чалдилар қоқигуллар  
карнайларини заррин!

Бамисоли жангчидай  
қумурсқа чиқди бу кез,  
қоқигуллар санчдилар  
уларга шамширин тез!

Пишиқ ўргимчак ини  
пашшани секин қоқлар;  
ёв ортидан муштини  
дўлайтар қизғалдоқлар.

Тикланар баррикада,  
олмалар  
жанг учун шай!  
Ўқлар янглиғ панада —  
бодринг, ловия, қулупнай!

Дала йўлсиз, сўқмоқсиз  
(шудгор ер турар қия),  
осмон гўё чўккан тиз,  
йўқ ойдан зарра зиё.

Ким ойни  
банди қилган?  
Зулматли тун турар жим.  
Борлиқни — идрок билан  
Яраштирар энди ким?

\* \* \*

Денгиз ғалаёнға кириб ноғахон  
оқариб кетганда қўлларинг, юзинг,  
чақмоқлар бағрида ёлғиз қолган он  
дўстим, эшкагингни ташлама бир зум!

Тўлқинлар шопирган кўпиклар аро  
кўринмайди зинҳор ёришиб қирғоқ.  
Билгин: тубсиз гирдоб устида асло  
умид йўқ — беҳуда илтижо қилмоқ.

Денгиз тинчланмайди оҳ-ноланг билан,  
қийин чиқмоқ ундан безаҳа, омон.  
Чақмоқлар бағрида  
ёлғиз қолган он  
дўстим, бардошингдир биргина имкон!



\* \* \*

Бари бир — эрмакдан, ҳасратдан бўлсин;  
Бари бир — читтакми, ҳумо қушими...  
Уйғонмаслик — эрта, уйғонмаслик — индин  
Безовта қилмайди ҳеч ким тушини.





*Николай  
Рубцов*  
(1936 – 1971)





*Николай Михайлович РУБЦОВ* Архангельск вилоя-тига қараили Емецк қишлоғида дунёга келди. 1940 йили у туғилган оила Вологдага кўчади. Шоир ота-онасидан ёш етим қолади ва Болалар уйида тарбияланади. У 7-синфни тамомлагач, Урмончилик техникумида, сўнгра Шимолдаги Кировск шаҳри Тоғ-кимё техникумида ўқийди. Техникумда бирга ўқиган ўртоғининг эслашича: «Рубцов талабалар ўртасида ўтказиладиган қувноқ кечаларнинг ҳаммиша фаол иштирокчиси бўлган, бу кечаларда у Есенин ва Бёрнс шеърларини ёддан ўқиган...»

1954 йили ёзги таътил даврини у Тошкентда ўтказди ва бу ерда бир туркум шеърлар ёзди.

Н.Рубцов 1962 йили 37 шеърдан иборат "Тўлқин ва қоялар" номли илк қўлёзма китобини 6 нусхада тайёрлайди. Бироқ бу тўплам дунё юзини кўрмайди.

1962 йили Н.Рубцов М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради ва Москвадаги адабий тўғаракнинг фаол аъзосига айланади.

Шоирнинг 1965 йили "Октябрь" журналида катта шеърини туркуми эълон қилинади. Икки йил ўтгач чоп этилган "Далалар юлдузи" номли шеърлар тўплами унга чинакам шухрат келтиради. 1968 йили шоир Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади.

1969 йили шоирнинг "Мудом қалбимда", 1970 йили "Қайинзорлар қўшиғи" номли шеърини тўпламлари наширдан чиқади.

Етимликда ўсган шоирга шахсий ҳаётда омад кўлиб боқмайди. Кўнгил боғлаган аёли унинг ҳаётига зомин бўлади.

Шоирнинг ўзи "мен ўларман қаҳратон қишда" деб қаромат қилганидек, у 1971 йили 19 январда ҳаётдан фожияли тарзда кўз юмади.



## ЭСИМДА...

Учгин, учавергин, умр елканим,  
Ҳаёт уммонида тинма бир нафас.  
Фақат йиллар ўтиб – қарилик маним  
Букилмас вужудим дол қилмаса, бас!

Лекин хотиралар чулғаб дамо-дам,  
Кўнглим тубларидан кетмаслар нари;  
Гўё сузиб чиқар туман ичидан  
Олис болаликнинг манзаралари...

Эсимда – чанада сирпанган қирлар,  
Қиров ойналарга муҳр этган нақшлар...  
Эсимда – чорпахил, алпқомат эрлар  
Куйлаган қўшиқлар, жайдари рақслар.

Эсимда – буғдойзор адир бағрида  
Сергак юмронқозиқ – боқар мен сари;  
Эсимда – кеч кузнинг саҳарларида  
Жунжиккан қушларнинг ғамгин саслари.

У пайт сирли эди уфқлар – йироқлар,  
Мўъжиза учрарди қадамда – ҳар он.  
Энди улар барин ёдида сақлар  
Қуюқ қайинзор-у арчазор ўрмон!...

### ҚАЁҚҚА УЧАМИЗ?

– Ҳур, эркин бўламиз қушлардек, – дея  
Шивирлайсан, кўнглинг орзуда ёқиб;  
Бўрон шиддатини туясан гўё,  
Уммон узра учган қушларга боқиб.

Бироқ орзунг қалбим ёндирмас тақир,  
Гарчи тўла унда энг эзу ҳислар.  
Сен қушсан – парвози ўзгача, ахир,  
Айтгин, қаёқларга учамиз бизлар?



## УЙДАН ЧИҚИБ КЕТГАНДА

Шамолни севаман баридан кўпроқ!  
Бўзлаши юракка солгайдир титроқ!  
Ахир, ким унингдек тинмай оҳ тортар!  
Оҳ тортгани сайин ҳасрати ортар!

О, шамол! Қулоғим остида зувлар!  
Теграмда тирик жон мисоли увлар!  
Бетаскин дард ила қалбинг тилар у,  
Сенга дунё ғамин сўйлай билар у.

Раҳмат, шамол! Аён англадим барин –  
Ҳам азоб, ҳам таскин менга дардларинг!  
Танишдир сендаги ҳар нола, ҳар ун!  
Мен ҳам ташлаб кетдим уйимни бутун...

Гуссага лиммо-лим менинг ҳам қалбим,  
Бироқ сендек бўзлай олгайми дардин?  
Йўлим ҳеч унмайди – уфқлар хира.  
Бироқ шамол увлар. Тин олмас сира..




## НОН

Халтамга жойланди емишлар бутун...  
Ширинлик ҳам солдим – керак, биламан.  
Нонни олганим йўқ –  
Узоқ йўл учун  
Ўзимга юк қилиб нима қиламан!  
Бироқ оқсоч бувим тўхтатди мени,  
Эртамни олдиндан кўргандек аён,  
Деди:  
– Болажоним, тингла гапимни,  
Оғирин солмаган ҳеч кимсага нон..

## АЙИҚ

Нохуш садо ўрмон тинчини бузди,  
Овчи айиқ кўксин кўзлаб ўқ узди.  
Қадалди баданга қайноқ кўрғошин,  
Ўлдирмоқ бўлдилар не учун, хунхор.  
Улкан айиқ ночор тўкди кўз ёшин:  
Йўқ эди-ку унинг гуноҳи зинҳор!  
Айиқ уйи томон кетди бағри хун,  
Ўз уйига бориб ўкрамоқ учун...



## ҚАРҒА

Эски шох узра бир қарға ўлтирар,  
Кўзлари атрофга қараб мўлтирар.  
Кўринмас кўчада улов шарпаси,  
Чунки бошланмишдир аёз палласи.

У ёқдан-бу ёққа сакрайди шўрлик,  
Борми, ахир, бундан баттарроқ хўрлик!  
Теварак-атрофда ушоғу дон йўқ,  
Қишдан паналайин деса имкон йўқ...



## ҚАЛДИРҒОЧ

Чирқирайди кўкда қалдирғоч,  
Тушиб кетди ерга полапон.  
Қўтаришиб болалар чуввос,  
Тўпланишди қошига шу он.

Топиб келиб бир парча темир,  
Мен қабрча қаздим ер узра.  
Учар эди қалдирғоч гир-гир,  
Ишонмайин бу ҳолга сира.

Фарёд чекди кўкда ноилож,  
Қолди балки уйи безга...  
О, қалдирғоч! Шўрлик қалдирғоч,  
Қарамадинг болангга нега?



## ЧУМЧУҚ

Чирқиллашга ҳоли йўқ ҳатто,  
Дилдирайди чумчуқ бечора.  
Қор тагини титкилар гоҳо,  
Топсам дея бир ушоқ, зора.

Дон топар у — демак, саломат,  
Шукур қилар омонлигидан.  
Ҳеч кимсага қилмас маломат,  
Аҳволининг ёмонлигидан...



## ҚУЁН ҲАҚИДА

Қуёнга дуч келдим ўрмонда,  
Қайтар эдим уйимга ёлғиз.  
Қўрқиб кетган жонвор шу онда  
Рўпарамда тош қотди, ҳолсиз!

Бир лаҳза у турди карахт, лол —  
Тор кўринди дунё кўзига.  
«Қайт!» дея мен сас бердим алҳол,  
Шўрлик шунда келди ўзига.

Сўнг ортига сакради шу он,  
Чакалакзор эди яқинда.  
Балки ётиб ўйлади қуён,  
Ўзи ҳақда ва мен ҳақимда.

Оҳ тортди у овлоқда бетин,  
Юрагида ғуссаси орта.  
Чунки Мазай бободан кейин,  
Қолмаганди дўсти бирорта.





## ХОТИРОТ

Тинмас бунда бўронлар ҳаргиз,  
Қиш қаҳридан тушмайди сира.  
Кўринар бир ёғоч уй ёлғиз,  
Учқунлаган қор ичра хира.

Эсимдадир юлдузлар бунда,  
Нурин сочар эди равшан, хўб.  
Эсимдадир, бўрилар тунда  
Изғир эди ҳадиксиз, тўп-тўп.

Бари сингди йўқликка рўй-рост!  
Оғриқ туяр дилларим менинг!  
Бунча шошқин, бунча жарангос —  
Солиб учди йилларим менинг!

О, мен ҳамон кўзимни юмсам,  
Кўраман у кулбани тагин.  
Изғиринлар жунжиктирса ҳам,  
Жимирлайди юлдузлар ёрқин.

Тинмас унда бўронлар ҳаргиз,  
Қиш қаҳридан тушмайди сира.  
Кўринар бир ёғоч уй ёлғиз,  
Учқунлаган қор ичра хира...

## ҚАРАҒАЙЗОР

Яна руҳим чирмар хаёллар,  
О, бу гўша — тенгсиз очунда!  
Кумуш еллар, оқтўш шамоллар  
Баҳслар қуриб тинмайди бунда.

Ўрис қавмин туққан қишлоқлар!  
Шовуллаган, о қарағайзор!...  
Қораяркан уфқ, ўтлоқлар,  
Қалбим менинг нурланар такрор.

Оvloқ туман меҳмонхонаси.  
Ўлтирибман ўқиб, ёқиб печ.  
Тун уйқусиз кечар, чамаси,  
Бундай пайтлар ухлаб бўлмас ҳеч!

Қандоқ ухлай, зулмат комидан  
Келар мозий саслари шоён  
Ва рўбарў деразалардан  
Қорга тушар шуълалар ҳамон.

Майли, бўлсин режалар бекор,  
Тонгда пушмон олсин қасдига,  
Қулоқ тутиб ётгум мен бедор  
Қарағайзор шовуллашига...

## ТУНГИ ТАШРИФ

Итлар овоз берди бевақт, дафъатан,  
Тағин — ярим тунда, бу қандайин ҳол! —  
Кимнингдир шарпаси кўринди шу дам,  
Келарди далани кесиб бемалол...

Меҳмонлар йўқ эди — келишди мана,  
Қанча гурунг керак — тинглагин, яйра!  
Қирмизбарг толларнинг остига яна  
Шинам жой тўшалди — бошланар байрам!...

Кечиргин сен бизни, ҳориган дала,  
Сингил ё акадек кечиргин бизни:  
Балки биз сўнгги бор қилиб ҳафсала,  
Ловуллаатдик юрак гулханзимизни.

Балки охирги бор ташрифимиз бу,  
Балки биздан кейин келмаслар истаб...  
Хазонрез боғ ичра — маъюс бир ёғду,  
Барглар шивирлайди ғамгин, оҳиста.

Жўшди дилда бир зум ҳислар талоши —  
Юртим, фарзандингман, бўл мендан рози...  
Биз яна отландик йўлларга шошиб,  
Ортада қолиб кетди итлар овози.

## ҚИШ КЕЧАСИ

Кимдир қабристонда инграр, оҳ тортар,  
Кимдир тақиллатар эшикни бот-бот:  
Ичкари киролмай хуноби ортар  
Ва боқар дарчадан бир қиёфа – ёт.

Бўрон увиллаган тунда бемаҳал  
Ким экан кулбамга йўлини бурган?  
Ким экан кўрмоққа бунча зор, маҳтал,  
Лекин бурчакларда беркиниб турган?

Бироқ оқсоч қуюн йўлдан нарида  
Фарёд солиб қолар боладайин нақ,  
Даҳшатли бир сир бор булар бариди,  
Тунги оҳ-нолалар бежизмас мутлақ.

Ғичирлай бошлайди эски том тинмай,  
Чироқни кўтариб ва ҳовучлаб жон –  
Ҳайдаш учун ин қурган ажина-жинни,  
Чиқаман зинадан мен чердак томон.

Қочади шарпалар бурчак-бурчакка...  
– Ким у? – сас бераман титроқ ва бўғиқ.  
Бошлар зина узра кимдир юрмакка,  
Тушар-кўтарилар... Сира нажот йўқ!

Кимдир қабристонда инграр тун бўйи,  
Кимдир қолиб кетар бўронда буткул...  
Менга туюлади беркинган кўйи  
Кимдир деразамга термилар нукул...

## НОМАЪЛУМ КИМСА

Ёғаётган қорда дилдираб  
Борарди у уйсиз, оч, хаста.  
Тақиллатди қишлоқ четида  
Турган уйнинг эшигин аста.

Қўйишмади уни ичкари.  
Бир қўрс кампир тирғалди шу он  
Ва кўксидан уни итариб,  
Деди: — Дайди. Йўқ, ўғри, аён...

У кетди. Қор, уриб турган қор  
Йўллари босди қалинроқ!  
Бир пайт боқса олдинга абгор,  
Қаршисида — муз қотган қирғоқ!

Чўчиб тушди, ўзига келди.  
Кетди, аёз — ўнгдаю сўлда...  
У фарёдсиз, овозсиз ў:ди,  
Билар эди ўлишин йўлда.

Кўмди еллар уни қор билан,  
Сўнг миш-мишлар тарқади ҳар ён.  
У ҳақида билган-эшитган  
Деди: — Дайди. Йўқ, ўғри, аён...

## ХОТИРАМ ЛАВҲАЛАРИ

Йўқликка маҳкумдир ҳамма-ҳаммаси,  
Бироқ мен ортимга боқиб сўнгги дам —  
Туяркан юракда видо шарпасин,  
Эсларман юртимни, кўзларимда нам.

Ҳамон эсимдадир — қирғоқ четида  
Ҳовур пуркаб турган қора мўрчалар;  
Чана изи кумуш қорлар бетида —  
Ойдин кечаларда ажиб куй чалар.

Ўрилган буғдойзор жимжит, мунғайган,  
Сўнар яшил ўрмон ғалаёнлари;  
Уфққа талпинган қушлар сасидан  
Маъюс, ғамгин титрар кузак тонглари.

Сарғайган қирларга галалар пастлаб,  
Емиш илинжида қўнарлар сўнг бор.  
Гарчи топарлар дон, гарчи топмаслар,  
Йўл олис — ҳаяллаб бўлмайти зинҳор.

Эсимда, денгизчи — бир кетган кўйи  
Хизматини ўтаб қайтган у, бешак.  
Эсимда, ҳаммомда ғамлардан куйиб  
Ўзин осиб қўйган абгор бир эркак.

Хушхон кезган ёшлар — тин билмайин ҳеч,  
Тошар қалбларидан завқи-қувончи;  
Эски қалпоғига ғалат тўғноғич  
Тақиб олган эди кекса гармончи...

О, умр сафоси – ажиб армонлар,  
Орзулар, шодликлар, ғамгин нигоҳлар...  
Ҳамма-ҳаммасини қуюқ ўрмон ва  
Яшил арчазорлар ёдида сақлар!



## ТОНГ

Юксак қарағайзор учларин зарга  
Чулғаркан қуёшнинг нури илк сахар,  
Дов-дарахт сояси тушиб сувларга,  
Қишлоқ кўчасида ўйнар шуълалар.

Қаршиларкан мовий тонгни ҳамма тенг —  
Тўларкан ҳовлилар хандон-жарангга,  
Баланд тепаликка чиқаман-да мен,  
Дунёни кўраман энг ёрқин рангда.

Кўркам от, паст томлар жазб этар мени,  
То ҳануз уларга юрагим илҳақ.  
Йўқотиб қўйсам гар бу гўзалликни,  
Топа олмагайман ўзгасин мутлақ...





\* \* \*

Энкайган ёғоч уй қароргоҳида —  
Оқтан қайинларни оралаб хушҳол  
Кезаман, мевалар териб гоҳида —  
Кеч кузак шафағи товланганда ол.

Кўм-кўк, мовий осмон бағрида бу дам  
Учади турналар солиб арғимчоқ;  
Қайиқ из қолдириб сувда кумуш ранг,  
Жилар жимжит ўрмон ичига шу чоқ.

Ҳаво жунжиктирар ва соф — нақ биллур,  
Қирғоқни қиёқлар ҳиди этмас тарк.  
Дарахтда — бир лаҳза титрар-да масрур,  
Ерга учиб тушар намхуш хазон-барг.

Оддий туйғулардан вужуд осуда,  
Қалб эса қалқийди уфқдан нари, —  
Кўм-кўк , мовий гумбаз осмон остида  
Учаётган бир тўп қушлар сингари...



## ҚОР ЁҒМОҚДА...

Қор ёғмоқда тинсиз гупиллаб,  
Борлиқ оққа беланар обдон!  
Юрак урар ажиб дукиллаб,  
Маст бўлгандек худди шаробдан.

Оқарган тор йўллар четидан  
Кумуш еллар эсарлар узун,  
Қишнинг заррин зийнати билан  
Фусунланар шаҳарча бутун.

Гўдакларга завқ улашар заб,  
Яшнаб кетар ҳатто дов-дарахт;  
Гўё бутун Россия бўйлаб  
Ёғар қормас — ёғар бир фараҳ.

Қор ёғмоқда — юрагим, алқа!  
Заррасида гўзаллик нақши,  
Ҳаёт гоҳо шифодир қалбга...  
Баъзан шундоқ бўлгани яхши!



## ТУҚҚАН ЮРТДА БИР КЕЧА

Юксак ўсган эман ва зангори кўл,  
Ҳар ёнда соялар тўкис, хотиржам.  
Бунда жимлик ҳоким ва ҳаловат мўл,  
Табиат кўрмаган ҳеч бир заха-ғам.

Бу замин осмони сокин шу қадар,  
Томни титратмаган тунлар қалдироқ!  
Эшитилар бир барг қилт этса агар,  
Бундан эпкинларнинг жунбуши йироқ.

Укки сайраб қолар аҳён ва аҳён...  
Мен-ку қайтиб келдим — кечмиш ҳеч қайтмас.  
Нима ҳам қилардик! Ушбу ажиб он,  
Бир неча лаҳзага узайса гар, бас.

Токи юрак ғамни унутсин мутлақ —  
Борлиқда фароғат бўлсин мужассам;  
Гўё сен бахтга ҳеч эмассан илҳақ,  
Гўёки кўзларинг бўлмагай ҳеч нам.

Бутун борлигингни ажиб бир ғусса  
Комига сўроқсиз тортар шу они,  
Бамисли сокин шом ойдин бир шуъла  
Чулғай бошлагани янглиғ дунёни...

\* \* \*

Табиатнинг ажиб кошонасида —  
Гавжум қайинларнинг сояси аро  
Жилдирар найсоний сувлар осуда,  
Таралар ғилдирак саслари гоҳо.

Дарё ёқасида кексайган уйлар  
Йўғрилади ҳарир туманлар ила...  
Руҳингни чулғайди адоқсиз ўйлар  
Ва бир ажиб ғусса озурда қилар !

Фараҳлан бир нафас, мунаввар шуур!  
Бироқ вужуд нега титрайди шу он?  
Қовжираб тўкилар чечаклар бир-бир —  
Зулматда оқариб кўринган аён.

Ва бир хилватдаги исмсиз қабр  
Фикринг олиб учар йироқ-йироққа.  
Ярим тун — самони маъсум этган нур  
Солади қалбингни ҳазин титроққа...



## ЭЛЕГИЯ

Қоқдим бир чўнтакни – унда ел ўйнар,  
Қоқдим иккинчисин – эҳ, бўм-бўш у ҳам.  
Чиройли фикрлар, о, зўр фикрлар –  
Кетдилар қайгадир олмоқ учун дам.

Бироқ унутгум мен турмуш захрини,  
Шамолга чиқаман бошьяланг, юпун –  
Кечган йилларимнинг ҳасратларини  
Қолган сочларим-ла юпатмоқ учун.

Тўкилар ўйларим қўлимдан қумдек,  
Оёғим остидан сирғалар ёшлик.  
Ботувчи ҳар бир кун умргади чек,  
Сурурсиз дамлардан – кўнгилда ғашлик.

Қоқдим бир чўнтакни - унда ел ўйнар,  
Қоқдим иккинчисин – ўйларим маҳзун...  
Бир кун машҳур бўлиб кетсам мен агар,  
Бораман Ялтага дам олмоқ учун...



## ОҚ ҚАЙИН

Севаман қайинлар шовуллашини,  
Боқаман улардан учган хазонга.  
Сездирмай артаман кўзим ёшини  
Ва теран титроқлар тушади жонга.

Хотирам беизн уйғонар шу он,  
Мудроқ шууримга талотум ташлар.  
Кимдир ушбу дамлар дардли ва шоён  
Гўёки севгидан шивирлай бошлар.

Билдим, инсон ризқи ҳасратдир тайин,  
Қалбни жунжиктирар аламноқ кунлар.  
Қайин шовуллайти зотан шундайин —  
Онам қабрида ҳам таратиб мунглар.

Ёв ўқи маҳв этди отамни жангда.  
Ёдимда қайинзор, четанли кўрғон —  
Совуқ куз ёмғири хониш қилганда  
Учар сариқ барглар аридек гужғон...

О, Русь, қайинларинг севаман бирам!  
Улар-ла ўсганман — ёшлиқдан ғамдош.  
Шу боис қуруқшаб қолган кўзимдан  
Ёноқларим узра оқар бехос ёш...

## БАРГЛАР ТҮКИЛДИЛАР...

Барглар тўкилдилар  
  . .  
  терақдан дув-дув,  
Кахрабо эпкинлар эсдилар такрор.  
Сен у хазонлар деб чекмагин қайғу,  
Менинг муҳаббатим асрагин, дилдор!  
Дарахтлар яланғоч қолсинлар, майли,  
Қарғама елларни хазон чоғида!  
Ахир,  
                          ким ҳам айбдор эпкин туфайли  
Дарахтдан баргларнинг узилмоғида?

\* \* \*

Мен қўнглимга ахтариб таскин,  
Бас, кетгайман ушбу дунёдан.  
Майли, мени узоқ излашсин  
Устимдаги ғамгин дарёдан.

Майли, жаннат этсинлар ваъда  
Ва фароғат — тенгсиз, топилмас.  
Менга керак на уй, на кулба,  
Энди гул ҳам мен-чун шарт эмас.



## МУНДАРИЖА

Абдулла Орипов. Олтин кўприк ..... 3

### АННА АХМАТОВА

«Куюш тафти сўниб борар юракда...» .....	7
Муҳаббат .....	8
«Гулдан чамбар таққан...» .....	9
«Эшик ярим очилган...» .....	10
«Кунларингга ғам-кадар...» .....	11
«Кийиб олмиш яйдоқ боғ...» .....	12
«Дилгирликдан бешиб кетди...» .....	13
Ойдин тунда .....	14
«Қалб йўғрилиб шан хаёлларга...» .....	15
«Мовий узумзорлар бўйи ифорли...» .....	16
«Севгинг сўрамам, бас, дилимдан - бу аҳд...» .....	17
«Кўзларим беизн жавдирар ҳар бор...» .....	18
«Шамол, мени дафн қил, шамол!...» .....	19
«Бизлар шўх-шаддотмиз...» .....	20
«Энтикардим мен ёлғиз дамда...» .....	21
«Биз битта косадан ҳеч вақт ичмаймиз...» .....	22
«Дарёда муз қарсиллар ногоҳ...» .....	23
«О, хаста ҳолимни сўраб келдингми...» .....	24
«Шундай кунлар бўлар баҳор олдидан...» .....	25
«Кўз юмар эканман, мунаввар қалбим...» .....	26
«Ишқнинг хотираси бунчалар аччиқ!...» .....	27
«Шону шуҳрат ўткинчи шаксиз...» .....	28
«Ҳақиқий севгини ҳеч нарса билан...» .....	29
«Сўнгги бор учрашган эдик ўшанда...» .....	30
«Бисёрдир севилган қалбда карашма!...» .....	31
«Яна қиш - чанғилар кумуш қор узра...» .....	32

### КОНСТАНТИН БАЛЬМОНТ

«Чарчадим мен ноз уйқулардан...» .....	35
«Зулмату ёруғлик билар ўз вақтин...» .....	36
Скифлар .....	37
«Ёндирмоқда дилимни баравж...» .....	38
«Мен сени кутаман ҳижронлар аро...» .....	39



«У сендан юз буриб кетганда йироқ...» .....	42
«Юмиқ кўз билан ҳам яшамоқ мумкин...» .....	43
Капалак .....	44
«Қўшиқ қилиб зорларим...» .....	45
Шафақ гуллари .....	46
Бодлерга .....	47
«Дўстим, бор дунёда қувонч, муҳаббат...» .....	48
«Менга қўрқинчилидир йиртиқичлар, қуртлар...» .....	49
Альбатрос .....	50
«Мен оққа бурканган мамлакатдаман...» .....	51
Шамол .....	52
Ҳаёт ақидаси .....	53
«Ҳаёт ўтиб борар - босар гафлат-ғам...» .....	54
Қайтиш .....	55
Оқ фаришта .....	56
Тонг .....	57
«Кўчанинг сурури - гавжум одамлар...» .....	58
Қушча .....	59
Тобутсоз .....	60

## **БОРИС ПАСТЕРНАК**

«Феврал. Сиёҳ топсанг, ҳунграсанг!..» .....	63
Замҳарир .....	64
Айрича кунлар .....	65
Март .....	66
Ўрмонда баҳор .....	67
Маргбург .....	68
Қиш туни .....	71
Бўрон тингач .....	73
Танаффусдан сўнг .....	74
Қиров .....	75
«Уйда ҳеч ким бўлмас ушбу кез...» .....	77
Тун .....	78
Август .....	80
Касалхонада .....	82
Ҳамлет .....	84
Сукунат .....	85
Кузги ўрмон .....	86
«Улкан ҳовуз - мисли чўнг баркаш...» .....	88
Рутубат .....	90
«Машҳур бўлиш одобдан эмас...» .....	92
Нобель мукофоти .....	94

Баҳор .....	95
«Ҳаёт - мунис синглим, меҳри гупуриб...» .....	99
Илоҳий узлат .....	100

## ОСИП МАНДЕЛЬШТАМ

Дилбар тонг хаёли .....	103
«Вужудим ёлғиздир - нима қилай ман...» .....	104
Ойга таклиф .....	105
«Кечкурун ҳовлида ювиндим: сув - муз...» .....	108
«Изғиринли баҳор...» .....	109
«Ниҳоят қадрдон шаҳримга қайтдим» .....	110
«Яшаймиз Ватанни гоҳ сезиб-сезмай» .....	111
«Бунда меҳнат оғир...» .....	112
«Айтинг, қандай кўча эрур бу?...» .....	113
«Танграм, ўзинг қўлла - яшай шу тунни» .....	114
Табассум туғилиши .....	115
«Тифлис тушларимга киради бот-бот...» .....	116
«Ўзгалар-ла тенгма-тенг...» .....	117
Сайёҳ .....	119
«О, капалак, шўрлик бокира...» .....	120
«Энтиктириб, о, бирам...» .....	121
«Оққа беланмишдир гарчи ҳамма ёқ...» .....	122
«Илондек яшриниб вужудим аро...» .....	123
«Тин олиб озурда жон...» .....	124
«Тийра хаёлимда сен кўрсатдинг юз...» .....	125
«Тўрин ёйиб беозор...» .....	126
«Ямлар тутунларни аёзли ҳаво...» .....	127
«Қайда занжирланган фарёдди сукут...» .....	128
«Мижжаларим қотган...» .....	129
«Айириб руҳимни юксак парвоздан...» .....	130
«Ҳали сен тириксан, эмассан ёлғиз...» .....	131
«Нурлар издиҳоми жазб этар такрор...» .....	132

## МАРИНА ЦВЕТАЕВА

Қишда .....	135
«Ўн беш» юрагимда...» .....	136
«Бошларин эгмишдир гуллар нафармон...» .....	137
«Ёдимдан кетмас нари...» .....	138
Парижда .....	139
Хатолик .....	142
«Менинг шеърларимга, қораланган илк...» .....	143

«Феодесияда бир баҳорий кун...» .....	144
«Қабрингиз устида кеч куз хазони...» .....	145
«О, ишқимиз энди оловга...» .....	147
«Яна бош кўтарар лўливаш ғулу!..» .....	148
«Яйра, кўнглим - баҳорим!..» .....	149
«Эйфель нима бўлибди бизга...» .....	150
«Домангир бўлиб бахтга...» .....	151
«Менинг руҳим асло сента келмас хуш...»152	
«Кулбанг қарши олар сени кеч кириб...»153 .....	
«Аён бир ҳақиқат!..» .....	154
«Гарчи дилда ғусса-мунг...» .....	155
«Икки қўлим икки дилбандим...» .....	156
«Кўз ёшим томган жойдан...» .....	157
«Масофа - бу рамз, бу маъно...» .....	158
Денгизчи .....	159
«Томиримни кесдим, қарангиз...» .....	160
«Биламан, ўлимим менинг тонг маҳал...» .....	161
«Дарчам менинг юсакдир...» .....	162

## **АЛЕКСАНДР ТВАРДОВСКИЙ**

Аёвсиз хотира .....	165
Она ва ўғил .....	167
«Мен қаҳрамон ўсган ҳовлида бўлдим...» .....	170
Икки сатр .....	172
«Ялангоёқ болакай - юпун...» .....	173
«Худди туйган каби ғамни ичида...» .....	174
«Биздан йироқ, бизга ёт ёқлар...» .....	175
«Ушбу иқроримда бари мужассам...» .....	176

## **НИКОЛАЙ ЗАБОЛОЦКИЙ**

Қишнинг бошланиши .....	179
От ҳақида қисса .....	181
Тонгги қўшиқ .....	183
Эрта кўклам .....	184
Саъважон, жой бергин менга ёнингдан .....	186
«Кимдир у - ўрмонда берган акс садо?...» .....	188
Мунис ёр .....	189
Шафқат қилма қалбингга асло .....	191
«Туғилганман қорли ўлкада...» .....	192
Баҳор достони .....	193
Тунги сайр .....	194

«Айтиб бергин сен менга - қайдан...» .....	195
Дўстлар билан видолашув .....	196

## **АРСЕНИЙ ТАРКОВСКИЙ**

«Тақмишди гиёҳлар шабнамдан маржон...» .....	199
Дашт .....	200
«О, Россиям менинг, мушфиқ онажон...» .....	202
«О, мовий настаринлар...» .....	203
Рўпарадаги уй .....	204
Тунги меҳнат .....	206
«Ҳар томчи сув учун, ризқу рўз учун...» .....	208
«Тушимга киради йироқ бир уммон...» .....	209
Сўз .....	210
«Ёниб турар эди қорда бир чироқ...» .....	211
«Бунда уй бор эди...» .....	212
«Кечган шу тепалик ортида жанглар...» .....	213
Госпиталь боғидаги капалак .....	214
Шоир .....	215

## **ЕВГЕНИЙ ЕВТУШЕНКО**

«Сен севгидан улкансан...» .....	219
«Пойтахт оломони ичра кезаман...» .....	220
«Мен ҳамёнман...» .....	221
Оналар кетмоқда .....	222
«Келди ўзга замонлар...» .....	223
«Менда мана шулар бўлмоқда содир...» .....	225
Севгилим, ухлагин .....	226
«Ётибман зах, нам ерда...» .....	230
«Кўплар мени севмас...» .....	232
«Шўр, нордон бўй таралар...» .....	234
Афсун .....	235
«Мен журамни дафн этмоқдаман...» .....	237
Ҳасад .....	238
Лермонтов .....	240
Шубҳа .....	242
Чегара .....	243
Эриш туюлади .....	244
«Дунёда беҳикмат одамлар бўлмас...» .....	245

## **АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙ**

«Сен яна нимани истайсан мендан?...» .....	249
«Бу онни ёдда тут. Наъматакни ҳам...» .....	250

Туш .....	251
«Касалхона шанбалик қилар...» .....	252
Михайловск осмонидаги юлдуз .....	253
Қисса .....	254
Самбит .....	256
«Унугаман сенинг қошингда ғамни...» .....	258
Луқма .....	259
«Шоир бўлмагин сен, бироқ бу шуур...» .....	260
«Салбчилар-ла бўлсайдим агар...» .....	261
«Дов-дарахтлар қаршилаб тонгни...» .....	262
Қўшиқ .....	263
Халоскор .....	264
«Қора соябонлар тутган эркаклар...» .....	265
Туш .....	266
Нега .....	268
Дўстимга .....	269
Бошланг қайта бошдан! .....	270
Халоскорлик қиссаси .....	272

## **БЕЛЛА АХМАДУЛИНА**

«Яна куз, юракни чулғар ғусса-ғам...» .....	277
«Ёмғир қуяр тепамдан шаррос...» .....	279
Гунглик .....	280
Хайрлашув .....	282
«Сарфламагин менга вақтингни ортиқ...» .....	283
Ойпарастлар .....	284
«Йўловчи йигитча, йўлингдан қолма...» .....	285
Гуржи аёлларин исмлари .....	286
«Неча бор ҳаёт-ла мен видолашдим...» .....	288
Шеърят куни .....	289
Меҳр .....	290
Апрел .....	292
Бўрон .....	293
Андрей Вознесенскийга .....	294
Куз .....	296
Манзара .....	297
Гуллар .....	298
Қиш .....	299
Саҳнага чиқиш .....	301

## **ИОСИФ БРОДСКИЙ**

«Осмон қора эди, зим-зиё, бироқ...» .....	305
«Кунлар учиб ўтар устимдан...» .....	307

Аёзли шом .....	308
Шаҳарга бағишланган станслар .....	309
Станслар .....	310
Шимол ўлкасига .....	311
Булутлар .....	314
Эрувда .....	318
«Қайтыпсан ватанга...» .....	320
Жуков ўлимига .....	321
«Мен ашаддий йиртқич ўрнига...» .....	323

## **РОБЕРТ РОЖДЕСТВЕНСКИЙ**

Кимсасиз ороллар .....	327
Сароб .....	330
«Саксон саккиз» .....	332
Арктика хуружи .....	335
Мевалар .....	337
Гулхан .....	340
Эшитяпсанми?! .....	341
Залдан тушган хатга жавоб .....	343
«Қайдадир шаҳар бор...» .....	347
«Тақиллаб тинмайди...» .....	349

## **ВИКТОР СОСНОРА**

Тунги нилуфарлар .....	353
Чигиртка .....	355
«Чироқлар тўкилади...» .....	357
Бугун .....	358
Пушкин Михайловскоеда .....	359
Қиш йўли .....	361
«Алвон ранг қор...» .....	362
«О, илҳом!..» .....	363
Ойсиз тунда .....	364
«Денгиз ғалаёнга кириб ногаҳон...» .....	365
«Бари бир - эрмакдан...» .....	366

## **НИКОЛАЙ РУБЦОВ**

Эсимда .....	369
Қаёққа учамиз? .....	370
Уйдан чиқиб кетганда .....	371
Нон .....	372
Айиқ .....	372

Қарға .....	373
Қалдирғоч .....	374
Чумчуқ .....	375
Қуён ҳақида.....	376
Хотирот .....	377
Қарағайзор .....	378
Тунги ташриф .....	379
Қиш кечаси .....	380
Номаълум кимса .....	381
Хотирам лавҳалари .....	382
Тонг .....	384
«Энкайган ёғоч уй қароргоҳида...» .....	385
Қор ёғмоқда.....	386
Туққан юртда бир кеча .....	387
«Табиатнинг ажиб кошонасида...» .....	388
Элегия .....	389
Оқ қайин .....	390
Барглар тўкилдилар .....	391
«Мен кўнглимга ахтариб таскин...» .....	391

*Адабий-бадий наир*

## **XX АСР РУС ШЕЪРИЯТИ**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Муҳиддин Омон*  
Бадий муҳаррир *Анатолий Бобров*  
Техник муҳаррир *Ульяна Ким*  
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Улуғбек Саидов*

**ИБ № 4964**

Нашр.лиц. №154. 14.08.09. Босишга 13.09.10 й. да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма.  
21,0 шартли босма табоқ. 17,9 нашр табоғи. Адади 1000 нусха.  
267 рақамли буюртма. 97–2010 рақамли шартнома.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзил: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)**

**E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)**